R 496
19879



ГУЛИСТОН

9
1987



Жамиятимиз ҳаёти аҳоли барча қатламлари гражданлик фаоллигининг, янги масалаларни қўйишда ташаббускорликнинг ошиб бораётганлиги, тўпланиб қолган турғунликнинг бартараф этилаётганлиги билан характерланади. Жамиятимиз ҳаётида дадиллик ва қатъият тобора ошиб бораётганлиги, одамларнинг жамият иши учун, мамлакат ҳаётида демократик асосларни янада ривожлантириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга интилаётганликлари билан характерланади.

(М. С. Горбачевнинг КПСС МК 1987 йил Июнь пленумида қилган докладидан)

ДАДИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ РУҲИ

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ — МУҚАДДАС

Бу ерда, корхона ишчилари ўртасида алоҳида меҳр-муҳаббат билан, ғурур туйғуси билан ифода қилинадиган бир муқаддас сўз ҳамиша муомалада. Улар ана шу сўз замирига сингдирилган мазмунга заррача бўлсин гард юқтирмасликка интиладилар, неки порлоқ истак-орзулари бўлса, барчасини ана шу сўз билан чамбарчас боғлайдилар, ўзларидан аввалги авлод руҳини ана шу сўз мазмун-моҳиятига пайвандлаган ҳолда уни ҳамиша покиза сақлаш масъулиятининг етишиб келаётган авлод зиммасига шараф билан юклайдилар. Буюк ва бепоён мамлакатимизда, социалистик жамиятимизнинг барча қатламларида рўй бераётган туб ўзгаришлар — қайта қуриш, янгиланиш ва жадаллаштириш жараёни ана шу сўз замирига сингдирилган покиза тушунчани яна бир бор ёрқинлаштириб юборганлигидан астойдил фахрланадилар. Бу тушунча биргина — БОЛЬШЕВИК деган сўз билан ифодаланади. Зеро, улар меҳнат қилаётган заводнинг исми ҳам «Большевик» номида...

Корхона ишчилари орасида бўлсангиз, уларнинг «Большевиклар забт этолмайдиган бирор қўрғон йўқ» деган, мақол-маталга айланиб кетган иборани тез-тез такрорлашга одатланиб қолганликларининг гувоҳи бўласиз. Бироқ бу ҳикматли сўзлар бирикмаси оғир ва ташвишли дамларда уларга далда бериб, қувонч онларида уларни ҳамиша ғолибият сари етаклашини англаб олиш қийин эмас. Зотан, большевик деган сўз замирига бизнинг энг эзгу ниятларимиз, покиза ва некбин туйғуларимиз, коммунистик истиқбол ҳақидаги порлоқ тушунчаларимиз сингдирилган. Бу сўзни ҳамиша муқаддас сақлаш сўз билан иш бирлигини ҳаёт мазмуни деб билган кишилар зиммасида эканлигидан чуқур қониқиш ҳосил қиласиз.

Бундан уч йил муқаддам Қўқон шаҳри жамоатчилиги СССР Газ саноати министрлигига қарашли газ аппаратуралари ва ностандарт ускуналар «Большевик» заводининг ярим асрлик юбилейини тантанали суратда кенг нишонлаган эди. Дастлабки беш йилликнинг тўнғич корхоналаридан бири бўлган мазкур завод ҳашар йўли билан барпо этилди. Комсомол-ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати, халқ ташаббуси билан қад ростлаган ва тобора кенгайиб борган завод энг яхши анъаналарни, большевикчасига яшаш ва ишлаш намуналарини ўзида тобора мустаҳкам қарор топдириб борди. Дастлаб марказий механика устахонаси деб номланган мазкур корхона пармалов ва газ қазиб олиш дастгоҳларини ремонт қилишга ихтисослашган эди. Бу ерда рус биродарлари ёнида маҳаллий миллат вакиллари ҳам ишчи касбини эгаллай бошладилар. Борабора корхонада меҳнатда тобланиб мустаҳкамланган яхлит интернационал коллектив вужудга келди. Уруш йилларида завод ҳарбий изга кўчирилди. Фронтга кетган йигитлар ўрнини уларнинг ота-оналари, хотинлари ва болалари эгаллашди. 13 яшар Одилжон Қўзибоев ўзига бириктирилган дастгоҳ ёнида туриб, бир ярим баравардан иш нормасини бажарди. Отаси ўрнини олган 12 ёшли Собиржон Маҳмудовнинг оёғи остига махсус мослама қўйиб беришди. Ҳамида Юнусова эса, ўша суронли йилларди заводда иш бошлаган биринчи ўзбек қизи эди. У дугонаси Екатерина Лексина билан бирга дастгоҳ ёнига турди. Улар корхона фахрига айландилар. Суронли уруш йилларида қарор топган анъаналар — дўстлик ва биродарлик, меҳнатга ҳалол муносабат, ишчилар синфига мансубликдан фахр туйғуси большевикчасига яшаш ва курашлар руҳига монанд.

Бироқ турғунлик ҳолати деб эътироф этилган йиллар мазкур корхонага ҳам маълум маънода ўз муҳрини босди. Баъзи дастгоҳлар ўнлаб йиллар давомида янгилари билан алмаштирилмади. Цехларни кенгайтириш ва уларнинг хом ашё базаларини мустаҳкамлаш, янги линияларни барпо этиш йиллар давомида пайсалга солиб келинди, айрим ишчилар онгига лоқайдлик ва масъулиятсизлик иллати ўрмалаб кира бошлади. «Ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида иш юритадиганларнинг алоҳида бир типи майдонга келди. Бундайлар ҳалол меҳнат қиладиганларнинг ғашига тегиш у ёқда турсин, сифат ва самарадорликка эришиш йўлига ғов бўла бошладилар. Лекин завод маъмуриятининг, партия ташкилоти ва назорат комиссиясининг доимий сергак ва ҳушёр шундай ядроси ҳам мавжуд эдики, у социалистик турмуш тарзининг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципининг жўн тарзда тушунилган тенгчиликка қурбон қилинишига кўп ҳам йўл қўйиб бермади. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми айнан ана шундай ижодий кучларнинг мудраш даражасига етган фаоллигини жонлантириб юборди. Ана шу корхонада кўплаб йиллар давомида меҳнат қилаётган, айни куч-гайратга тўлиб-тошиб, жўшиб турган дадил ва қатъиятли кадрлар маъмурият ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлик лавозимига кўтарилдилар. Янгиланиш ва қайта қуришнинг ҳаётбахш ҳавоси цехларга, участкаларга, бригадаларга ва звеноларга кириб бориб, мусаффо меҳнат кайфиятини жунбушга келтирди. Корхонанинг ҳақиқий хўжайинлари ўзлари эканлигини қайтадан ҳис этган ишчилар енгил нафас ола бошладилар. Сўз ва иш бирлиги фақат раҳбаргагина эмас, ҳар бир ишчига ҳам тааллуқли эканлигини, у ҳаёт тарзини белгилайдиган, фаоллик сари чорлайдиган муқаддас тушунча эканлигини корхона аҳли қийинчилик билан, бироқ чинакамига англай бошлади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 9 (451)
Сентябрь
1987

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», 1987 йил.

БУ ЎЗГАРИШЛАР НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

— Ҳамма нарсада, — дейди бу саволга жавобан арматура цехининг токари, иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари нишондори, КПСС XXVII съездининг делегати Кенжабой Илмияминов.— Раҳбарларнинг қўл остидаги кишиларга муомаласида, ишчиларнинг ўз ишига ва ҳамкасбларига муносабатида, давр талабларига ҳозиржавоблиги ва маҳсулот сифатига нисбатан масъулият ҳиссининг ошганлигида.

— Заводимиз ўта пишиқ ва ҳар томонлама ниҳоятда аниқлик талаб қиладиган ускуналар ишлаб чиқаради, — дея ҳикоясини давом эттиради Кенжабой ака. — Нефть ва газ саноати учун тайёрланган бундай ускуналар мамлакатимизнинг турли республикаларига, узоқ бурчакларига қадар етказиб берилади. Ноқулай жойларда бир неча ўнлаб хонадонларни газ билан таъминлашга мўлжалланган беш куб метрдаги сиғимлардан тортиб, 180 ҳаво босимига қадар чидамли бўлган кранларни ҳам ишлаб чиқарамиз. Бизнинг қўлимиз остидан чиққан деталлар жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлакатига экспорт қилинаётганлиги ишимизнинг қай даражада масъулиятли эканлигидан далолат. Бундай мамлакатлар орасида Югославия, ГДР, Ҳиндистон, Эрон, Туркия каби давлатлар бор.

— Назарингизда, муваффақиятларни мустаҳкамлашнинг яна қандай йўллари бор?

— Битта нарсага эътиборингизни жалб этмоқчиман: биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг йилига кам деганда 30 фоизи доимий суратда янгиланиб туради. Чунки бу нефть ва газ саноатида илмий-техника тараққиёти бошқа соҳаларга нисбатан тез ривожланаётганлигини ҳам кўрсатади. Демак, янги буюртма келиши билан биз дастлаб унинг намунасини яратишимиз керак. Уни пайсалга солиб бўлмайди. Кейин у кенг суратда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Ихтиёримиздаги дастгоҳлар бирмунча эскириб қолди. Ишларимиз яна ҳам жадаллик касб этиши учун уларни янгилаш лозим. Ана, кўраяпсизми, ўшандай дастгоҳларга алмаштириш керак, — дейди у иш жараёнидан бир дам эътиборини бўлиб.

Дарҳақиқат, улкан цехнинг у ер-бу ерида баланд шифтлар сари қад ростлаган баҳайбат дастгоҳлар турарди. Биз билан цехларда бирга юрган завод партия ташкилотининг секретари Олимжон Ортиқов корхонага робот техникаси ҳам кириб келаётганлигини айтиб, ўша дастгоҳлар сари бошлайди. Булар — рақамли программавий бошқарув дастгоҳлари. Ҳар бири 70 минг сўмликдан зиёд қимматга эга бўлган мазкур дастгоҳлардан ҳозирги пайтда олтита бор. Улардан учтаси ишга туширилди, бироқ ҳали-ҳозирча тўла қувватга эришолганича йўқ. Чунки уларни бошқариш учун илмий тафаккур қобилиятига эга бўлган юксак малакали мутахассислар керак.

— Албатта, бу борада завод маъмурияти тек ўтиргани йўқ,— дейди Олимжон Ортиқов.— Ана шундай дастгоҳлар келишидан огоҳ бўлишимиз биланоқ биз етук ишчи мутахассисларни мамлакатимиздаги йирик турдош корхоналарга малака ошириш учун йўлладик. Улар Украинанинг Драговичи шаҳри, Бориславль шаҳри, Андижондаги прогрессив қуйиш бўйича ишлаб чиқариш бирлашмасида рақамли программавий бошқарув сир-асрорини ўрганиб қайтдилар. Бироқ ҳозирги замон техникасининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ишчи билан илмий тафаккур кишилари ўртасида изчил ва яқин алоқадорликни тақозо этади. Шуни назарда тутиб, корхонамиз Фарғона политехника институти олимлари билан 70 минг сўм ҳажмида ўзаро шартнома туздилар. Бунга асосан олимлар мазкур дастгоҳлар учун программа тузиш, ишчиларда илмий тафаккур кўникмаларини шакллантириш ишларини амалга оширадилар. Лекин бу иш қанчалар тез рўёбга чиқарилса, шунчалар яхши. Ҳозирча эса, мазкур дастгоҳлар учун деталларнинг намуналарини Кенжабой Илмияминов тайёрлаб бермоқда.

Ана шуларнинг ўзиданоқ маълум бўлишича, жадаллаштиришнинг ҳам ўзига хос технологияси мавжуд экан. Илмий-техника тараққиёти самараларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш учун уни бошқарадиган кишилар ҳам маълум тайёргарликка, малака ва кўникмага, янгичасига тафаккур қилиш лаёқатига эга бўлмоғи лозим. Заводдаги мутасадди кишилар қобилиятли ишчи кадрлардан йигирма нафарини мамлакатимиздаги йирик корхоналарга йўллаб, бу борада ниҳоятда маъқул иш кўрган.

Уста токарь Кенжабой Илмияминов эса, мураккаб ва юксак даражада аниқ деталлар ишлаб чиқарадиган ўз дастгоҳини кўз қорачиғидай асрайди. Мана, етти йилдирки, ҳар уч йилда бир марта капитал ремонт қилиниши керак бўлган дастгоҳини гард юқтирмай ишлатиб келмоқда. Оддий темир дастгоҳга қўл кафтининг ортини тегизиш биланоқ унинг «нафаси»ни ҳис қиладиган Кенжабой ака социалистик мулкни авайлаб-асрашнинг юксак намунасини ҳам кўрсатмоқда. 23 миллат вакилларини интернационал коллектив оилага бирлаштирган корхонанинг 1160 аъзоси ўзининг ана шундай кишилари билан чинакамига фахрланади.


АНКЕТА УСУЛИ

Қайта қуриш ҳамма соҳаларни чуқур ва ҳар тарафлама кенгроқ қамраб олаётир. Бу ҳолни мамлакат миқёсидагина эмас, балки маълум корхона мисолида янада аниқ ва равшан кўриш мумкин. Ҳар бир ишчининг ўз меҳнатининг охирги натижаларидан манфаатдорлиги ошганлиги жавобгарлик ва масъулият туйғусини ҳам кучайтирди. Цех ёхуд бригада коллективини ким бошқараётганлиги энди унинг учун бефарқ эмас. Чунки дастгоҳ ёнидаги ишчилар ва цехлараро муносабатлар биродарлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари ҳамдир. Бундай муносабатларнинг изчил ва мустаҳкам қарор топиши эса, кўп жиҳатдан уларни бошқаришга масъул бўлган кишиларнинг ташаббускорлиги ва ишбилармонлигига боғлиқ.

Заводнинг йирик цехларидан бири — темирчилик цехида кейинги пайтларда негадир иш меъёри бузилиб, топшириқлар доимий суратда ўринламайдиган бўлиб қолди. Меҳнат интизоми суст, одамларнинг меҳнат натижаларига лоқайд муносабати сезила бошлади. Ойнинг охирига бориб бирдан шовқин-сурон билан ишга киришилиб кетгандай бўлардилару, план топшириқлари барибир бажарилмай қоларди. Корхона маъмурияти ва жамоатчилик ташкилотлари аҳволни тубдан тузатиш тадбирларини чамалаб кўрди ва масалани қай йўсинда ҳал этиш борасида коллективнинг ўзига маслаҳат солди.

Цех коллективининг ўзи ҳам анчайин хижолатда эди. Гап шундаки, янги бошлиқни бундан атиги беш ой муқаддам ўзлари сайлаган эдилар. Унинг кўринишидан ишчан, сўзамоллигига лаққа тушган эдилар. Цех коллективини ана шу хижолатпазликдан қутқариш, қолаверса, бу ерда мусаффо иқлимни таъминлаш лозим эди. Масалани баҳамжиҳат ҳал қилиш учун аввалроқ синовдан ўтган усулни қўллашга жазм этдилар. Шунга биноан коллектив аъзолари ўртасида анкета тарқатилди. Анкетанинг саволи қуйидагича: «Цех бошлиғи лавозимига Сиз кимни тавсия этардингиз — цехдаги инженер-техник ходимлар орасидан... умуман завод ходимлари орасидан...»

Бу усул яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Анкета натижалари корхона маъмурияти, партия комитети, касаба союз комитети ва комсомол ташкилоти томонидан кўриб чиқилади ҳамда нисбатан кўпчилик овоз олган номзодлар коллектив ўртасида очиқ муҳокама қилиш учун қўйилади. Кўпчилик ёш ва ғайратчан, партиясиз Рустам Ғаффоровнинг номзоди учун яширин овоз берган, бироқ собиқ цех бошлиғининг номзоди ҳам кўрсатилган эди. Ҳар икки номзод коллектив ўртасида сўзга чиқиб, бошқаришга доир ўз мулоҳазаларини ўртага таш-



Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводининг рационализаторлари ўз таклиф ва ихтиролари билан жадаллаштириш суръатига ҳисса қўшмоқдалар.

Суратда: корхона ихтирочиларидан катта мастер Тоҳир Ҳалимов, технолог Раҳим Каримов, электр пайвандчи Мурод Мусаев, фрезерчи Шариф Маҳкамов.

лади. Цехнинг собиқ бошлиғи меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчи масъулиятини ошириш ҳақидаги умумий гаплардан нари ўтмади, Рустам Ғаффоров цех хом ашё базасини мустаҳкамлаш, цехлараро муносабатларни тўғри изга солиш, ишчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш чоратадбирлари ҳақида аниқ-равшан таклифларини ўртага ташлади. Кейингиси цех бошлиғи лавозимига сайланди. Цехнинг собиқ бошлиғи коллективнинг чинакам куч-ғайратини фаҳмлаб, ана шу қадрдон коллективда қолишга аҳд қилди.

Цехнинг янги бошлиғи Рустам Ғаффоровни сайлаб, коллектив янглишмаганлигини чинакамига ҳис этди: у цехни икки ой ичидаёқ ўпириліш гирдобидан олиб чиқди — ойлик план-топшириқлар ҳатто муддатидан беш кун аввал бажариладиган бўлди. Бу — коллективнинг юзини ҳам ёруғ қилди, масъулиятини ҳам оширди. Сотиболди Нажимовни бошлиқ қилиб сайлаган қуюв цехи коллективи ҳам ўзининг мустақиллиги рўёбга чиққанлигидан мамнун: цехнинг кўпдан бери орзу қилиб келинаётган иккинчи навбати ишга туширилиши арафасида.

ИНСОН ОМИЛИ — МУҲИМ ОМИЛ

Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврига муносиб тарзда корхонада амалга оширилаётган ишлар инсон омили қай тарзда рўёбга чиқарилаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. «Большевик» заводида бунга алоҳида эътибор берилган. Корхона директори Михаил Афанасиади ана шу ерда униб-ўсди, қолипловчи касбидан то цех бошлиғи, бош инженер лавозимларига муносиб кўрилди. Шу ерда ишлаб туриб ўқиди, моҳир ва тадбиркор раҳбар даражасига кўтарилди. Муҳими, ишчининг кайфиятини, унинг талаб ва эҳтиёжларини яхши билади. Завод партия комитетининг секретари Олимжон Ортиқов ҳам ўн йилдан зиёд давр мобайнида ишчилар билан ёнма-ён ишлаб, обрў-эътибор қозонди, чинакам зафарларни қўлга киритишда инсон омили қанчалар аҳамиятли эканлигини яхши тушунади.

— Партиямиз амалга ошираётган тадбирлар айни муддао бўлди,— дейди Михаил Георгиевич.— Қайта қуриш — жўн жараён эмас. У ниҳоятда мураккаб, баъзан эса жуда қийинчилик билан кечаётир. Унинг онг ва шуурга сингиши баъзан секинлик билан бораётир. Ана шу жараёнда ўзимиз ҳам ўрганиб, ўзимиз ҳам тобланиб бормоқдамиз. Беш йилликка мўлжал қилган режаларимиз ниҳоятда аниқ-тиниқ кўриниб турибди. Эришаётган муваффақиятларимиз ўн иккинчи беш йилликка режалаштирган мақсадларга муддатидан илгарироқ эришишимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Инсон омилини, меҳнаткаш фаоллигини кучайтириш учун унда фақат манфаатдорлик ҳиссинигина тарбиялаш кифоя эмас, балки маиший турмуш шароитини яхшилаш, маданий-маънавий эҳтиёжларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш лозим.

Дарҳақиқат, бу соҳаларга корхонада биринчи даражали эътибор берилаётир. Заводнинг «Ором» дам олиш зонаси ҳордиқ чиқариш кунларида ҳамиша ишчилар билан гавжум. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича шуғулланаётган ёшлар шаҳарда ва областда етакчи ўринларни эгалламоқдалар. Бу ерда янги спорт иншооти қуриб битказилмоқда. Вокал-чолғу ва миллий ансамбль, рус халқ хори завод территориясида шинам қилиб қурилган хиёбонда тез-тез концертлар бериб туради. Маданий ишлар яхши йўлга қўйилганлигини биргина шу нарса билан ҳам ҳис этиш мумкинки, заводнинг ишчилар клуби ВЦСПС ҳамда СССР Маданият министрлигининг доимий сақлашга ажратган байроғи билан тақдирланган. Рус халқ хори эса, халқ талантларининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати бўлди.

Албатта, юқорида айтилганлар муаммолар йўқлигини билдирмайди. Лекин шуниси муҳимки, юзага чиқадиган муаммоларни ҳал этиш учун бу ерда зудлик ва масъулият билан ёндошиш принципи қарор топган.

Биз корхона ҳаётидан айрим лавҳаларнигина ҳикоя қилдик. Аслида бу ерда ҳамма соҳаларда қизғин ҳаёт давом этмоқда. Давримизнинг қайта қуриш жараёни, томчида қуёш акс этганидай, ана шу корхона мисолида равшан кўзга ташланиб турибди.

Баҳодир АМИНОВ



Суратда: технологлардан Раҳима Абдуғаниева, Гулнора Усмонова, Иқболхон Мамаюсупова.

В. Мосин фотолари



Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши Қўқон шаҳар бўлими раиси Ҳафиз Ҳайдаров ва «Партия сафида 50 йил» нишони соҳиби, бўлимнинг ҳарбий-ватанпарварлик ишлари комиссияси раиси Йўлдош Фаёзов.

А. Жумаев фотоси

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ



1987 йил 22 июль. «Союз ТМ—3» космик кеманинг халқаро экипажи (чапдан): Сурия Ҳарбий ҳаво кучлари подполковниги М. Форис, экипаж командири подполковник А. С. Викторенко, борт-инженер, СССР космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Александров.

Мамлакатимизда космик фазони тадқиқ қилиш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Маълумки, космик фазони ўрганишда турли мамлакатларнинг техник тараққиёти имкониятларидан фойдаланишда Совет Иттифоқи анъанавий ташаббус кўрсатиб келмоқда. Ўз вақтида «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг биргаликдаги парвози эзгуликни кўзлаб амалга оширилган эди. Шундан кейин совет-монгол, совет-ҳинд, совет-француз, совет-куба сингари халқаро экипажлар Бойқўнғирдан учирилган космик кемаларда муваффақиятли парвоз қилдилар. Халқаро ҳамкорликдаги космик тадқиқотлар замонамиз фан ва техникасини, космонавтика фанини муҳим илмий янгиликлар билан бойитди, космонавтиканинг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1987 йил 22 июль куни эса Москва вақти билан соат 5 дан 59 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ—3» космик кемаси учирилди. Бу кемани ҳам халқаро экипаж: кема командири Александр Викторенко, борт-инженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Александр Александров ва тадқиқотчи-космонавт, Сурия Араб Республикасининг граждани Муҳаммад Форис бошқарди.

Учиш программасида «Союз ТМ—3» космик кемани учувчи бошқараётган «Мир» комплекси билан туташтириш ва Совет—Сурия экипажининг кема ичида Ер атрофи орбитасида 1987 йил 6 февралдан буён ишлаётган космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин билан илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш кўзда тутилди.

Совет—Сурия экипажининг парвози Совет Иттифоқи ва Сурия Араб Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги аҳдлашувга биноан амалга оширилди.

«Союз ТМ—3» кемаси программага мувофиқ 24 июль куни очиқ фазода «Мир» орбитал комплекси билан муваффақиятли туташтирилди. Халқаро экипаж аъзолари космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин билан биргаликда тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказдилар.

1987 йил 30 июль куни Москва вақти билан соат 5 дан 04 минут ўтганда Александр Викторенко, Александр Ла-

ПАРВОЗИ

вейкин ва Сурия Араб Республикасининг граждани Муҳаммад Фориcдан иборат халқаро экипаж киши бошқарадиган «Мир» комплекси ичида биргаликдаги тадқиқот ва экспериментлар программаси бажарилиб бўлинганидан сўнг Ерга қайтиб тушди. Юрий Романенко билан Александр Александров эса «Мир» илмий-тадқиқот комплекси ичида учишни давом эттирмоқдалар.

«Союз ТМ — 2» кемасининг туширувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган райони — Орқалиқ шаҳридан 140 километр шимолишарқда ерга қўнди.

Халқаро экипаж киши бошқарадиган «Мир» комплекси ичида Совет Иттифоқи билан Сурия олимлари мутахассислари тайёрлаган ҳамда катта илмий, халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган қўшма экспериментлар программасини тўла-тўкис бажарди.

Сурия табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш мақсадида Сурия территорияси ҳамда қирғоқбўйи акваторияси оддий кўз билан (визуал) ва асбоблар воситасида кузатилди, съёмка қилинди. Ер атмосферасининг юқори қатламлари ва ионосферадаги физикавий жараёнлар тўғрисида кўпгина маълумотлар олинди.

Микрогравитация шароитларида характеристикалари яхшиланган турли материаллар олиш технологиясини янада такомиллаштириш борасида бир қанча экспериментлар бажарилди. Биологик жиҳатдан фаол моддалар ва дори-дармонларни электрофорез усулида парчалаш ва тозалаш борасидаги ишлар амалга оширилди. Шунингдек, халқаро экипаж одам организмининг вазнсизлик шароитига мослашиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган медицина тадқиқотлари комплексини ҳам бажарди.

Космонавтлар Юрий Романенко, Александр Лавейкин, Александр Викторенко, Александр Александров ва Муҳаммад Форис бутун учиш давомида тўла ҳамжиҳатлик билан юксак профессионал маҳорат даражасида ишладилар.

Совет ва Сурия космонавтларининг орбита бўйлаб муваффақиятли учганликлари Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикасининг муттасил ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорлиги йўлида қўйилган янги муҳим қадамдир.

«Мир» — «Союз» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганликлари ва бунда алоҳида мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганликлари учун Александр Викторенкога, Александр Лавейкинга, Сурия Араб Республикасининг граждани Муҳаммад Аҳмад Форисга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.


Совет — Сурия халқаро экипажнинг муваффақиятли парвози, мамлакатлар ўзаро хоҳиш ва истак билан ҳамкорликда космик фазони тинчлик мақсадларида кенг тадқиқ қилишлари мумкинлигини амалда яна бир марта намойиш этди.



ОРҚАЛИҚ. 1987 йил 30 июль. Космонавтлар (чапдан) А. Лавейкин, А. Викторенко, М. Форис ерга қўнгандан кейин.

А. Пушкарев, В. Кузьмин фотолари (ТАСС фотохроникаси)

Москвада Индира Гандига ҳайкал қўйилди





Суратда: Индира Ганди ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросим.

(ТАСС фотоси)

Ватанимиз пойтахти Москвада буюк ҳинд халқининг ажойиб фарзанди — Индира Гандининг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Эгнига сари кийган хушқомат ва дилбар аёлнинг бронза ҳайкали ўнг қўлини кўтариб саломга шайланган кўйи турибди. Москва шаҳридаги Индира Ганди номи билан аталувчи майдонда ўрнатилган бу улуғвор ҳайкал совет халқининг ҳинд халқига бўлган самимий ҳурмати рамзидир.

Минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари ҳайкал очилиши маросимига ташриф буюрган раҳбарлар — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевни ҳамда Ҳиндистон Бош Министри Р. Гандини илиқ кутиб олдилар. Майдон узра Ҳиндистон Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари янгради.


Тантанали маросимда Михаил Сергеевич Горбачев ва Ражив Ганди йиғилганларга қарата нутқ сўзладилар. Улар Индира Гандининг ҳар икки мамлакат ҳамда совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидлаб, унинг жаҳонда барқарор тинчлик учун астойдил курашганлиги ва бундай фаолият самараси ҳеч қачон зое кетмаслигини таъкидладилар.

Ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди.

Едгорлик муаллифлари — ҳайкалтарош О. Комов, архитекторлар В. Нестеров ва Н. Комовлардир. Буюк замондошимиз Индира Гандининг ҳайкалини ижод этиш жараёни мураккаб ва қизиқарли кечди, дейди О. Комов. Фильмлардан кадрлар, фотосуратлар ва бошқа минглаб ҳужжатлар ҳар бир кичик тафсилотига қадар чуқур ўрганиб чиқилди. Ражив Ганди қимматли маслаҳатлар берди. Юқори кўтарилган қўл ҳолати унинг маслаҳати билан рўёбга чиқарилди. Ҳинд тупроғида дўстлар ана шундай кутиб олинадилар. Эндиликда бу ҳолат Совет — Ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлигининг рамзи бўлиб қолади.

МАРКСИЗМНИНГ БУЮК ХАЗИНАСИ

КАРЛ МАРКС «КАПИТАЛ» АСАРИ БИРИНЧИ ТОМИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН



«ЎЗ ЮЗИДА капиталистлар билан ишчилар яшай бошлагандан буён ҳозиргача ишчилар учун олдимизда турган китоб сингари аҳамиятга эга бўлган биронта китоб пайдо бўлгани йўқ».

К. Маркснинг шоҳ асари — «КАПИТАЛ» Ф. Энгельс томонидан ана шундай юксак баҳоланган эди.

Илм-фаннинг буюк донишманди, чинакам энциклопедик билимлар хазинасининг ажойиб соҳиби К. Маркс табиий ва ижтимоий билимлар соҳасида улкан кашфиётлар қилди. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, унинг тарихни материалистик тушуниш, капитализм ҳалокати, социализм ғалабасининг муқаррарлиги, қўшимча қиймат назарияси каби буюк кашфиётларининг ҳатто иккитаси ҳам бир кишининг умри учун кифоя қиларди.

Иқтисодий таълимот асосини ташкил этган «Капитал» асарини ёзишда К. Маркс 40 йил меҳнат қилди. «Капитал» 4 томлик, 7 та йирик ҳажмдаги китобдан иборатдир. У ўз тарафдорларидан бирига шундай деб ёзган эди: «...ўз асарларимни тугатиш учун ҳар бир дақиқадан фойдаланишим лозим эди, мен бу асарларни деб соғлиғимдан, бахтли турмуш ва оиламдан маҳрум бўлдим... «Аналиётчи» деб аталувчи кишилардан ва уларнинг доноликларидан кулгим қистайди. Агар ҳайвон бўлишни истасанг, албатта, инсониятнинг азоб-уқубатидан бетингни ўгириб, ўз ҳузур-ҳаловатинг ҳақида қайғуришинг мумкин. Лекин мен ўз китобимни лоақал қўлёзма ҳолида бўлса-да, тугатмай туриб ўлсам, ўзимни чинакам маънодаги АМАЛИЁТЧИ эмас, деб ҳисоблардим».

1867 йил сентябрь ойида «Капитал»нинг биринчи томи немис тилида Гамбургда босилиб чиқди. Унда капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳар томонлама таҳлил қилинган ҳамда капиталзмнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, инқирозга юз тутиши қонунлари беҳисоб материаллар асосида кўрсатиб берилган эди.

К. Маркс капиталистик тузумни иқтисодий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш натижасида пролетариатнинг тарихий вазифасини — буржуазиянинг гўркови янги социалистик жамиятнинг бунёдкори эканлигини илмий асосда исботлаб берди. «Марксниг «Капитал» деган асари,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— бошидан охиригача КАПИТАЛИСТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ КУЧЛАРИ ФАҚАТ БУРЖУАЗИЯ БИЛАН ПРОЛЕТАРИАТДАН ИБОРАТ ВА ФАҚАТ ШУЛАРДАНГИНА ИБОРАТ БЎЛА ОЛАДИ: — буржуазия ўша капиталистик жамиятнинг қурувчиси, унинг раҳбари, уни ҳаракатга келтирувчи куч, — пролетариат эса жамиятнинг гўркови, уни алмаштира оладиган бирдан-бир кучдир деган ҳақиқатни аниқлашга бағишланган деса бўлади» (В. И. Ленин. Асарлар, 29-том, 198—199-бетлар).

«Капитал»нинг I томида қўшимча қиймат ишлаб чиқариш процесси текширилди. Унинг II томида эса капиталнинг муомала процесси очиб берилди. III томида капиталистик ишлаб чиқаришни бир бутун ҳолича, яъни ишлаб чиқариш ва муомала биргаликда таҳлил қилинди. IV томи эса иқтисодий назариялар тарихига бағишланган.

Товар ҳамда пулни таҳлил қилиш билан К. Маркс капиталистик ишлаб чиқариш усулининг пайдо бўлишидан то унинг ҳалокатигача бўлган тарихий тараққиёт жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлди. Капитализмнинг асосий иқтисодий қонунини ва бошқа иқтисодий категорияларини таҳлил қилиш ҳам айнан Марксниг товар ва қиймат назариясидан бошланади.

Маълумки, капиталист бозордан товар сифатидаги иш кучини сотиб олиб, уни ишлатади. Иш кучи капитализмда шундай специфик товар ҳисобланадики, у ўз қийматидан ортиқча қиймат вужудга келтиради. Елланма меҳнат томонидан вужудга келтирилган ана шу ортиқча қиймат ёки, Маркс ибораси билан айтганда, қўшимча қиймат хусусий мулк эгалари бойлигининг асосий манбаи ҳисобланади. Қўшимча қиймат энг аввало ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш натижасида ҳосил қилинади ва буржуазия ҳамда йирик ер эгалари томонидан ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан ўзлаштирилади.

Карл Маркс «Капитал» асарида капиталистик жамғарилишнинг умумий қонунини кашф этди. Бу билан капитал жамғарилишининг ўсиб бориши ишсизликнинг кучайишига, пролетариат аҳволининг абсолют ва нисбий ёмонлашиб боришига асосий сабаб эканлигини кўрсатди.

«Капитал»да талқин қилинган ғоялар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оловли йилларида ва жаҳон революцион тараққиётининг бутун йўналишида тарих синовларидан ўтди ва ўтмоқда. Зотан, В. И. Ленин таъкидлаганидек, «Капитал» илмий социализмни талқин қилувчи бош ва асосий асардир». Ҳақиқатда ҳам «Капитал»нинг ғоялари фақат капиталистик жамият ҳаракатининг иқтисодий қонунларини очиб бериш билангина чекланиб қолмайди. Социалистик экономиканинг вужудга келиши, ривожланиши ва коммунизмга ўсиб ўтиши қонуниятларини тушуниб олишда ҳам К. Маркс иқтисодий таълимоти муҳим қимматга эга.

Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг асосини энг аввало инсон омили ташкил этади. Жадаллаштириш эҳтиёжи жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучини тайёрлаш ва такомиллаштиришни тубдан яхшилашни тақозо қилмоқда. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши юксак даражада уюшган, интизомли, ўқимишли, юксак малакали, ташаббускор, фикрловчи ходимни талаб қилмоқда. Бош ишлаб чиқарувчи куч жадал суръатлар билан янгиланиб бораётган моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ва уни ишлата билиш учун ҳар томонлама, яъни ҳам профессионал, ҳам психологик жиҳатдан тайёрланган бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев инсон омили аҳамиятини кўрсатиб шундай деган эди: «Пухта ўйланган иқтисодий стратегия, кучли социал сиёсат ва собитқадам ғоявий-тарбиявий ишни чамбарчас бирлаштириш орқалигина инсон омилини кучайтириш мумкин, ўртага қўйилган вазифалардан биронтасини шу омилсиз ҳал этиб бўлмайди». (Танланган нутқлар ва мақолалар, 395-бет.)

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасида кадрларнинг марксча-ленинча назарий тайёргарлигини, уларни ғоявий-маънавий жиҳатдан чиниқтиришни кучайтиришнинг, уларда янги типдаги сиёсий ва иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади. Кадрларнинг иқтисодий билими ва кўникмалари савиясини ошириш жадаллаштиришнинг қатъий талабидир. Замонавий ходим экономика асосларини билиши, иқтисодий жиҳатдан саводли фикрлаши, иш кўриш маҳоратини, бошқариш фанининг замонавий ютуқларини, хўжалик юритишнинг янги методларини ҳар томонлама пухта эгаллаб олган бўлиши лозим.

К. Марксниг «Капитал» асаридаги ғоялар КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми, партия XXVII съезди ва 1987 йил Январь ҳамда Июнь пленуми материалларида янги назарий ва амалий ғоялар билан янада ривожлантирилди. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси, ҳозирги дунёнинг асосий тенденциялари ва зиддиятлари ҳар томонлама кўрсатиб берилганлиги, социал адолатнинг моҳиятини белгиловчи социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша», деган асосий принципнинг аниқ ва равшан сиёсати, жадаллаштириш ва қайта қуриш назарияси ҳамда экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши марксизмнинг буюк хазинасига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Марксизмнинг буюк хазинасидан, унинг бой меросидан совет кишилари, шу жумладан, ўзбек китобхонлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар, ўзбек халқи К. Маркс «Капитал» асарининг биринчи, иккинчи ва учинчи томларини ўз она тилида ўқимоқдалар.

К. Марксниг буюк асари «Капитал» биринчи томининг босиб чиқарилганига 120 йил тўлди. XX асрдаги жаҳон тараққиёти тарихий тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибдики, Маркс ўз «Капитал»ида баён қилиб берган ғоялар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Вақт биздан узоқлаша боргани сари К. Маркс ҳаётий жасоратининг мазмуни ва ҳажми бутун улуғворлиги билан намоён бўлмоқда. К. Марксниг хазинаси чексиздир, бу таълимотнинг жамият ривожланишига таъсири тобора кучайиб бораверади. Қуёшнинг бизларга бераётган иссиқлиги, ёруғлиги қанчалик чексиз бўлса, Маркс иқтисодий таълимоти ҳам шундай чексиздир. «Унинг номи ҳам, иши ҳам абадий яшаяжак!»

Шамсиддин ТЎҚСОНОВ,
иқтисод фанлари кандидати



Тарас ШЕВЧЕНКО

* * *

Уйларим сиз, менинг ўйларим,
Мендир адо, сиз куйдирасиз.
Нега қоғоз бетига тушиб,
Кўз олдимда ғамгин турасиз?
Уйларим сиз, менинг ўйларим,
Нега сизни шамол чанг каби
Тўзитмади чўлларга ёзиб?
Нега ҳасрат ўз боласидай
Улдирмади, тагига босиб —
Уйқусираб сизни, ўйларим?
Чунки ҳасрат билан дунёга
Таққирланиш учун келдингиз:
Қанча йиғи-сиғилар билан,
Кўз ёшларда сиз қуйилдингиз...
Нега, ахир ўша кўз ёшлар
Сизни ювиб ва ғарқ этмади?
На денгизга тўкдилар сизни,
На далалар чанқаб ютмади?
Сўрашмасди ана ўшанда
Эл-халойиқ дард тортганимни...
Сўрашмасди нега лаънатлаб
Тақдиримга тош отганимни,
Нега дунё азоблар мени
Энтикаман, қалбимда яра.
«Лақиллайди, бекордан-бекор!»
Дея этмасдилар масхара.
Болаларим, севган ўйларим!
Сизни экиб, ўстирдим нега?
Жаҳон ора биронта юрак,
Сизнинг билан йиғлаганимдек
Йиғлармикан ботиб қайгуга?
Тўғри чиқар, балки, ўйлашиб.
Менинг каби кўксин тиғловчи,
Уйларим-ла бирга йиғловчи,
Бирор юрак топилар қиздан,
Қиздан, балки, қуралай кўздан?
Шундан ўзга йўқдир ҳожатим.
Қуралай кўз тўкса томчи ёш
Бас... шундадир бахтим, роҳатим.
Уйларим сиз, менинг ўйларим,
Адо бўлдим, сиз куйдирасиз.

Қуралайдек кўзлар ўйида,
Нафис, қора қошлар кўйида,
Юракларим талпинди шодон,
Юраклардан сўз оқди равон,
Ўз ҳолича ва билганича
Тим қоронғи кечаларни деб,
Олчазору боғчаларни деб,
Қизлардаги ғамзаларни деб...
Украинадаги чўлларни
Қўрғон-мозор тепаларни деб
Юраклардан сўз оқди равон;
Юракларим ачинди ёмон,
Истамади куйлашни сира
Бегона ер, ғурбатлар ичра...
Ўрмонларда, қирларда туриб
Тиғ кўтариб, гурзи кўтариб
Юрган ўша казак аҳлидан —
Бир чақириб ёрдам олгали,
Е маслаҳат, ҳамдам олгали,
Дил чопмади, кўнгил, бўлмади...
Қўйинг, майли Украинада
Казак руҳи кезсин, сарпароз,
Саҳродай кенг, чексиз синада
У бошидан, бу бошигача.
Севинч-қувонч тўлган, жуда соз...
Оқиб ўтган эркинлик каби
Кенг бир дарё Днепр — денгиз.
Чўллар, чўллар, саҳролар чексиз,
Қирдай мозор тепалар, тоғлар,
Пишқиради харсанг қирғоқлар,
У ерларда туғилди, ўсди
От сакратиб сарбаст казаклар.
Унда шляхта, татарлар билан
Бўлган жангда қонлар тўкилди.
Ҳоримади казаклар эрки
Далаларга гавда экилди...
Сўнгра тинди...
Ана ўша замондан бери
Кўп қабрлар ердан ўсди-да
Қора бургут қоровул каби,
Учиб юрар унинг устида.
Ўша жанглар, кўплаб қабрлар
Тўғрисида аталар ҳамон
Кўзи ожиз, кобзарь фақирлар,
Куйлайдилар тарихий достон.
Чунки ақл билан тўлгандир
Ўшаларнинг донишманд боши...
Лекин мен-чи? Лекин менгина,
Менда фақат бир йиғигина,
Украина учун фақат кўз ёши...
Сўзлагани тилим келмайди.
Алам, ҳасрат!.. Ҳасрат дейсизми?..
Ахир уни ким ҳам билмайди?..
Кимки халққа қадрдон бўлса,
Кўнгил бериб, жонажон бўлса,
Оғирликка бўлса у ҳамдам,
Унга ушбу дунё ва ҳаёт
Кўринади дўзах, жаҳаннам,
У дунёда,
У дунёда-чи?..
Шунча ёниб, ютиб ҳасратни
Гар саодат менда бўлмагач,
Чақирмайман бахт ва қисматни.
Майли шунча жафо, машаққат
Умр сурар уч-тўрт кун фақат,
Яшираман жафо, фиғонни,
Яшираман ёвуз илонни —
Юрагимга, токи кўрмасин —
Душманларим ҳасрат кулкисин...
Майли, қўйинг, ўй қарға каби —
Учиб юрсин ҳамда сайрасин.
Лекин юрак бир булбул каби
Куйласин ҳам фиғон айласин,
Бу яширин киши кўролмас,
Масхаралаб, маза қилолмас...
Кўзларимдан ёшлар тўкилар
Кеча-кундуз, қўйинг артмангиз,
Оқсин-оқсин ҳеч тўхтатмангиз.
Токи-токи... бегона қумлар
Билан кўзим қачон юмилар,
Чет ерларни суғорсин улар,
Оқса оқсин, майли артмангиз...

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ—
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

Шундай экан... Энди не чора?
Ҳасрат ёрдам қилолмас зарра.
Кимки менга қилса ғайирлик
Мен етимни этса истеҳзо,
Худо берсин ўшанга жазо!
Уйларим сиз, гул лолаларим,
Уйларим сиз, жон болаларим,
Парваришлаб, ўстирдим, нетай?
Қаерларга сизни узатай?
Уйларим сиз, жон болаларим!
Боринг ўша Украинага.
Ўша бизнинг Украинага,
Деворларнинг тагидаги зор —
Йиғлаб юрган бўлиб хокисор —
Етим-есирларнинг олдига.
Мен узоқда ҳалок бўламан.
Сиз у ёқда топа оласиз,
Самимий қалб ҳамда ҳурматни,
Ўша ердан топа оласиз.
Чин ҳақиқат, балки шуҳратни...
Украинам,
Севимли она,
Шу беақл болаларимни,
Ўз ғўдагинг, болангдек қараб
Кутиб олгин, севиб дўстона.

1839. Петербург.

Амин УМАРИЙ таржимаси

* * *

Иситмайди қуёш ғурбатда,
Ўз юртингда ўртар бешафқат.
Кун кечирдим чекиб машаққат,
Украина — юртимда ҳатто:
Мен кўрмадим меҳру муҳаббат.
Элу юртдан бўлдим мосуво,
Ғарибликда ёлбориб, танҳо,
Золимларга ўқидим лаънат.
Кўз олдимдан ўтади узоқ
Замонлару қадимий йиллар.
Осгандилар Исони у чоқ,
Ҳозирда ҳам жазолардилар!
Ҳеч қаерда бахт йўқ мен учун,
Украинада ҳам топилмас ҳатто.
Чунки халқим гўё ғурбатда
Яшагандек кечиради кун.
Бошқа менинг орзу-армоним:
Ўзга юртнинг ёғочларидан
Қилмасалар менинг тобутим.
Днепрнинг қирғоқларидан
Эсган эзгу шамол, бир сиқим
Тупроғини олиб келса бас.
Одамлар ҳам буни муқаддас
Биладилар... Ҳаммага аён...
Нега ахир тангрин койимоқ,
Биз ўйлаган орзу ҳеч қачон
Истагандек бўлмагач мутлоқ?

1847. Орск қалъаси.

ШУКРУЛЛО таржимаси

УКРАИНА КУЙЛАРИ

Украина шеърияти Днепр дарёсидай қадим, Днепр дарёсидай теран, Днепр дарёсидай сокин ва жўшқиндир. Украинанинг жозибали шеъриятини ҳамиша озиқлантириб келган ва келаётган халқ бадиий оғзаки ижоди жуда қадим замонларга бориб тақалади. Унинг бешигини тебратган шаҳарлардан бири — Киевнинг 1500 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб бир неча йил муқаддам кенг нишонланди. Лекин, маълумки, ҳар бир халқнинг шеъриятини авж пардага кўтарган, она халқи ва Ватанини бутун жаҳонга танитган, ҳар бир китобхон қалбидан қўриқ очиб ўз Ватанини жойлаштирган даҳо шоирлари бўлади. Украин халқининг севимли ва буюк фарзанди Тарас Шевченко ана шундай шоирлар сирасидан. Украина шеъриятини авж пардага кўтарган Шевченко эстафетасини Леся Украинка, Михаил Коцюбинский, Иван Франко, Павло Тичина ва Максим Рильский сингари сарқалам соҳиблари давом эттирдилар.

Сермавж ва серавж украин совет насри ҳамда шеъриятига хос гражданлик, жанговарлик, ватанпарварлик ва интернационал оҳангларни кекса авлод вакилларидан Иван Ле, Олесь Гончар, Микола Бажан, Микола Нагнибеда, Михайло Стельмах, Платон Воронько, Юрий Збанацкий, Павло Загребельный, Дмитро Павличко, кейинги авлод куйчиларидан Виталий Коротич, Борис Олейник, Иван Драч сингари ажойиб қалам соҳиблари баланд пардаларда куйлаб келдилар, куйламоқдалар.

Мустаҳкам дўстона муносабатлар ўрнатилганлиги туфайли совет халқлари худди бир оила фарзандларидек жипслашиб кетдилар. Ўзбек халқининг барча қардошлар қатори украин халқи билан ҳам оға-инидек бўлиб кетганлиги, қувончли кунларию мусибатли дамларида ҳам елкадошлиги фикримиз тасдиғидир. Улуғ Ватан уруши йилларида, Чернобиль фожиаси кунларида ўзбек халқининг беминнат жон сўғишганини, Тошкент зилзиласи келтирган мусибатни украин халқи ҳам биз билан бирга тотганини, беқиёс ёрдам қўли чўзганини эслашнинг ўзи кифоя. Қардошлар ўртасида анъанага айланиб қолган адабиёт ва санъат кунлари дўстлигимизни яна ҳам мустаҳкамлаётир. Зеро, маданий, алоқаларимизнинг юзага келиши маънавий дунёмиз чанқоғини қондирувчи сарчашманинг эллар аро зуҳуридир.

Қардошларимиз адабиётисиз ўзбек адабиётининг бир томони умрида гиёҳ унмаган саҳродек ҳувиллаб қолар эди. Биз бу қардошлик алоқалари туфайли адабиётимиз бағрини янада тўлдирдик. Ғафур Ғулом сўзлари билан айтганда, биз ўз-ўзимизни ҳам таниб олдик. Радишчевни ҳам, Пушкинни ҳам, Лермонтовни ҳам, Гоголни ҳам, Шевченкони ҳам, Низомийни ҳам, Гюгони ҳам, Шекспирни ҳам танидик. Бунинг бари шонли 70 йиллиги нишонланаётган Улуғ Октябрь инқилобининг шарофатидир.

Бугун биз ана шу буюк оиланинг тенг ҳуқуқли оила аъзоси бўлган Украинанинг жўшқин ва жарангдор адабиёти ва санъатига ўрин берамиз. Юқорида келтирилган оддий саноқлардан ҳам кўриниб турибдики, украин адабиёти бепоён чаманзордек чексиз, шоирлари эса гуллар янглиғ ранг-баранг ва кўпдир.

Олесь Гончар

Машҳур украин совет ёзувчиси Олесь Гончар ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Унинг СССР Давлат мукофотларига сазовор бўлган «Байроқдорлар» трилогияси («Алплар», 1946; «Мовий Дунай», 1947; «Олтин Прага», 1948) бадиий ижоддаги илк йирик қадами бўлишига қарамай, адибни Иттифоқ миқёсида танитди, улкан сўз санъаткорлари қаторига қўшди. 1951 йили трилогия тўла таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Асар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бунинг боиси, уларда адибнинг ўз кўзи билан кўрган ва бошидан кечирган иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари, инсониятнинг тинчлик ҳамда ёвуз фашистлар қутқусидан қутулиб озодликка чиқиш учун олиб борган матонатли курашлари ҳаётий, ёрқин образлар орқали тасвирлаб берилганлигида эди. Ёзувчининг Ленин мукофоти билан тақдирланган «Тронка» (1963 йили ёзилган, 1964 йили мукофот берилган) романи ҳам 1970 йили республикамиз китобхонларига ўз она тилларида тақдим этилди. Мазкур асарда ер эгалари бўлмиш қишлоқ кишилари, чўпон-чўлиқлар, ғаллакорлар ҳаёти тасвирланади, шунингдек, Совет Армиясида хизмат қилаётган ёшлар вакиллари, уруш мавзуи ҳам қамраб олинади.

Олесь Гончар асарларининг аксарияти уруш мавзуига бағишланади. Зеро, Улуғ Ватан уруши адибнинг ёшлигини ўту аланглар, ўқлар ёмғири орасидан олиб ўтган, унинг юрагида чуқур чандиқдай ўчмас из қолдирган. Деҳқон оиласида вояга етган адиб урушдан аввал ўқийди,



Днепропетровск университетига кириб, ўз билимини ошира бошлайди, шеърлари, очерк ҳамда ҳикоялари билан республика газета ва журналларида чиқиб туради. Ватанимизга немис-фашистларининг хиёнаткорона ҳужуми 23 ёшли студент Олесь Гончарни курсдошлари билан кўнгилли равишда жангга отланишга мажбур этади. У ғалаба қозонилган қувончли кунларга қадар жанг шинелини ечмай, урушнинг оловли йўлларини босиб ўтади. Шу сабабли ҳам уруш мавзуи адиб ижодининг асосини ташкил этади. Адибнинг 1960 йилда нашр этилган «Инсон ва қурол» романида ҳам урушнинг илк аччиқ кунлари бадиий лавҳаларда акс эттирилган, жангу жадалда кечган курсдошлар тақдири ҳикоя қилинган эди. Бу асар Тарас Шевченко номидаги мукофотга сазовор бўлган.

Албатта, ёзувчини замонавий ҳамда тарихий мавзулар ҳам қизиқтиради. «Жануб», «Новеллалар», «Тўрғай», «Микита Братусь» сингари бир қатор ҳикояларида адиб муҳим замонавий муаммоларни кўтариб чиқади. Унинг 1952 йилда ёзилган «Таврия» романида Улуғ Октябрь инқилобигача яшаган украин деҳқонларининг уйғониши тасвирланса, 1957 йили юзага келган «Перекоп» романида инқилобдан кейинги давр — 1919—20 йилларда янги социалистик жамиятни сақлаб қолиш учун курашган, янги турмуш қуришда жонини фидо этган украин халқининг қаҳрамонликлари ўз ифодасини топгандир.

Олесь Гончар — чуқур мушоҳадали, она заминини оташин меҳр билан, ёниқ қалб билан севувчи, зукко, донишманд адиб. Унинг асарлари фақат қардош республикалардагина эмас, чет элларда ҳам таржима қилинган.

«УКРАИНА ВА ЎЗБЕКИСТОН»

ТАМАРАХОНИМ,
СССР халқ артисти

Ўзбекистон ҳамда Украина маданияти ва санъати революция ғалабасининг дастлабки йиллариданоқ қардошлик, меҳр-муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда руҳан ҳамнафас ривожлана бошлади. Мен бу икки халқ ўртасидаги муқаддас дўстликнинг бошланишидан то гуллаб-яшнаган бугунги кунига қадар кўриб-билиб юриш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Бугунги кунда ўзбек китобхони украин адабиёти дурдоналарини ўз тилида ўқимоқда, украин халқи эса ўз навбатида ўзбек санъатининг намуналаридан баҳраманд бўлмоқда. Украин санъати ва адабиёти вакиллари А. Корнейчук, Олесь Гончар, Б. Олейник, Д. Павличко, Иван Ле, М. Бажан, Ю. Збанацкийларнинг ўзбек халқи билан ҳамкорлиги ҳозирги авлодларимиз учун ўрнак бўлмоғи лозим. Менинг шахсий кутубхонамда М. Бажаннинг ўзбек тилидан украин тилига ағдарган буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони, А. Корнейчукнинг ўзбек халқига бағишлаб ёзган шеърий тўпламлари мазкур авторларга нисбатан алоҳида ҳурмат билан сақланмоқда.

Шу ўринда мен юрагимга тугиб юрган бир таклифимни ўртага ташлашни лозим деб топдим. Адабиётимизда етилиб келаётган истеъдодли қаламкашларимиз бу асарларга янги муқаддима ёзиб, қайта нашр этсалар, кўнгилдаги иш бўлар эди. Шунингдек, бу уларнинг икки халқ ўртасидаги ўлмас дўстлик пойдеворини тиклашга муносиб ҳиссалари ҳисобланарди.

Болалигимдаёқ атрофимизда яшаётган бошқа миллат тилларига табиий бир қизиқиш билан қарар эдим. Ўша йиллари бувимнинг олдига Киевнинг Печора-Лавра монастиридан Мария исмли аёл меҳмон бўлиб келди. Мен ундан украин тили ҳамда қўшиқларини ўргана бошладим. 1914 йилда эса Фарғонага Украинадан келган артистлар труппаси Гоголнинг «Вий» номли спектаклини қўйишганда, мен уларнинг тилига ҳеч қийналмай тушундим. Ўшандаёқ мени украин тили, лапарлари, рақслари бутунлай ва бир умрга мафтун қилди.

1925 йилда Лондонда бўлиб ўтган жаҳон декоратив санъати кўргазмасига қатнашаётган биринчи совет делегатлари орасида мен ҳам бор эдим. Бу кўргазмада қатнашган украиналик йигит-қизлар ўзларининг анъанавий «гопак»ларини ижро этишди. Кейин бу жарангдор, ҳар бир ҳаракатида ўт чақнаётгандек мардона гўзал рақс Лондондаги ҳамма концерт номерларимизда ижро этилганда мени ўзига мафтун қилди. Кейинчалик мен «гопак» ҳаракатлари асосида ансамблимизда украинча рақс саҳналаштирдим ва бу рақс бирор республикадами, бирор мамлакатдами, қаерда бўлмасин томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Лондондан қайтганимиздан кейин, Тарас Шевченко хотирасига бағишланган кечада Свердлов концерт залида пианиночим София Шведляр билан украинча қўшиқ айтдик. Бу қўшиқ ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган Узбекистон адабиёти, санъати ва маданияти декадасидан кейин ансамблимизни Украинага гастролга таклиф қилишди. Биз гастроллар давомида кўплаб интернационал қўшиқларни ўрганиб, маҳорат билан ижро эта бошладик.

Менинг архивимда 1954 йили чиққан, варақлари сарғайиб кетган бир неча газета сақланаяпти. Бу газеталар саҳифаларида СССР халқ артисти, украин қизи Зоя Гайдай билан тушган суратларимиз босилган эди. Биз бу суратларга З. Гайдай раҳбарлик қилган труппа билан Покистонда бўлган гастролларимиз давомида тушганмиз. Энди булар мен учун муқаддас хотирага айланган.

Мен раҳбарлик қилган ансамбль репертуари айниқса Улуғ Ватан уруши йиллари украин халқи қўшиқлари билан янада бойиди. Биз ҳаракатдаги армияга концертлар бериб юрганимизда украиналик композитор Оскар Сандлер биз билан ҳамкорлик қилди. Ростов-Донда жасорат кўрсатиб, жангда ғолиб келган Будённий отлиқ армиясига янги қўшиқ ва рақс туҳфа қилмоқчи бўлдик. Жанг тамом бўлиши биланоқ украин дугонам София Каракаш билан «Украина ва Ўзбекистон» қўшиғининг биринчи вариантини ёзиб, О. Сандлер ва Я. Торедскийга кўрсатдик. Номеримизни аскарлар узоқ олқишлашди. Шундай қилиб, «Украина ва Ўзбекистон» қўшиғи дунёга келди. Мен бу қўшиқни саҳнада юз марталаб ижро этдим ва томошабинлардан шу қўшиқнинг текстини ёзиб юборишимни илтимос қилиб битилган сон-саноқсиз мактублар олганман. (Бугунги кунда бу қўшиқ Украинада бўлиб ўтган Узбекистон адабиёти ва санъати кунларида совринли ўринлардан бирини эгаллаганлиги мени беҳад қувонтирди). Бу икки халқ дўстлиги фашизмга қарши курашда чиниқди, тобланди.

Ўша ансамбл билан биргаликда 1941 йилдан то 1945 йилгача 1-ва 2-Украина фронтида Ғалаба номи билан, унга ишонч билан хизмат қилдик. Украин халқи фарзандлари билан бир қаторда фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк ғалабага ўз ҳиссамизни қўшдик.

Серқуёш Ўзбекистонимизда ўтказиладиган Украина адабиёти ва санъати кунлари оловли йиллардаги ўзбек ва украин халқи ҳамкорлигининг ёркин ифодасидир.

Шу йил июнь ойида Украина тупроғида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Республикамиздан борган санъаткорлар у ерда ўз маҳоратларини намойиш этишди, ўзбек санъати билан украин халқини таништиришди. Бу учрашувлар, концертлар қардошларимиз диёрида дўстлик байрамига айланиб кетди.



СССР халқ артистлари Наби Раҳимов (чапдан ўнгга), Ада Роговцева ва Дмитрий Гнатюк ўзаро суҳбатда.



«Баҳор» ансамбли солисти Гулнора Низомова украин дугонасини ўзбек рақсига ўргатаяпти.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҚУЧОҚҚА СИҒМАЙДИГАН АРЧАЛАР ҚИСМАТИ

Лангар — тоғ қишлоғи. Унинг қоқ ўртасида салобатли мадраса ёдгорлиги XVII аср ҳавосини кифтида тутганича она заминга тўш қўйиб турибди. Бу иморат айвонидаги устунлар кишини ҳайратга солади. Шу туришида қулоч етмайди. Барчаси сара ёғочдан, арчалару чинордан. Улар кесилмасдан бурун қанақа улкан дарахтлар бўлган экан... Эндиликда осмонўпар шохларига қўниб чуғурлаган, ҳар баҳорда келиб, бола очган қушларнинг зотизурёди ҳам йўқолиб кетган.

Кексаларнинг айтишига қараганда, арча ва чинор ёғочларининг барчаси ана шу қишлоқ шимолидаги тоғлардан кузда кесиб қўйилиб, баҳорда сув тошқинида оқизиб келинган экан. Яна шуниси муҳимки, қадимда ёғочсоз усталар кесиладиган ёғочларни метрлаб эмас, қучоқлаб ёки қулочлаб ўлчашар экан. Нега қучоқлаб? Бу она табиат неъматларига беқиёс меҳрдан эмасмикан? Бу меҳр аждодларимиздан бизга нечун тўлиғича ўтмади?

Тоғлар қўйнига йўл оламиз. Табиат қўйнида одам ўзини қушдай енгил ҳис қилади. Қирлардан-қирларга кўтариламиз. Бироқ, бу тоғларда кесилавериб буталардан фарқи қолмаган арчаларни кўриб ёқа ушлайсан киши! Наҳотки, шу арчалар ҳалиги ёдгорликка устун бўлган арчалар авлодига мансуб бўлса?! Булар орасида кетмон даста бўладиганини ҳам топиш қийин. Юрт кўрки саналган арчаларнинг тугаб-битганидан афсусланиб, унинг нималар оқибатида шу аҳволга келиб қолганлигига зимдан қизиқдик. Ахир, табиат фарзандларимиз, унга нисбатан бефарқ бўлиш хиёнат билан баробар. Шу ўй билан бутазорлар оралаб юриб, Зарафшон тизма тоғининг Қашқадарё областига тааллуқли қисмида Самарқанд области «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозининг йилқилар уюри, шахсий қорамол подалари чўпонсиз ўтлаб юрганини кўрдик. Отлар юрса юрибди-да, дейишингиз мумкин. Биялар тошни емаслиги гўдаккаям маълум. Лекин биз отлар тўдаси буталарнинг баргларини еб қуритиб юбораётганлиги, дўлаларнинг танасига ёғли баданларини ишқаб, қуритиб қўяётганлигига гувоҳ бўлдик.

Кейинги пайтда, чинор мевасиз-ку, у кимга ҳам керак, иморатга ҳам ишлатиб бўлмайди, дегувчилар ҳам топилиб қолди. Йўқ, чинорсиз боғ мангуликдан, боқийликдан бегонадир. Қадимги иморатларга солинган чинор устун, нақшинкор эшиклар ўша бинолар билан асрлар сарҳадидан омон-эсон ўтиб келмоқда-ку!

Уйлаб-ўйлаб ўйингга етолмайсан, киши! Эссиз, эссиз, қанчадан-қанча арчаю чинорлар... Бўй етмай белидан кесилиб кетган табиатнинг бегуноҳ фаришталари. Бир пайтлар аждодларимиз улар билан вояга етганида ўз фарзандларидай қучоқлаб кўришган-ку?..

Ғози РАҲМОНОВ
Чироқчи райони

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

«Чэнжун хоним»

Суратда: Чэнду шаҳри университетининг студентлари томонидан тайёрланган учинчи авлод роботларидан бири «Чэнжун хоним». Бу «хоним» у ёқ-бу ёққа юра олади, ҳар хил предметларни олиб, сўраган кишига узатади, энг қизиғи шундаки, у хитой ҳамда инглиз тилларида бемалол гаплаша олади.



ВОДОПРОВОД ТАРИХИДАН

Қадимги Римда «қуллар томонидан ишланган водопроводлар» ҳақида эшитганмиз. Эндиликда маълум бўлишича, фақатгина Римда эмас, балки Қадимги Грецияда ҳам водопроводдан фойдаланган эканлар. Эллинлик усталар металдан қувурлар ясаб, деярли ҳудди ҳозирги тарада ер остига кўмар эканлар. «Деярли» дейишимизнинг боиси шундаки, у пайтлар насос станциялари бўлмагани учун сув тоғлардан водийга қараб ўзича оқиб келарди. Шунда ҳам қувурлардаги босим анча юқори бўларди. Масалан, эрамизгача бўлган II асрда ишлаб турган Пергам водопроводида босим 20 атмосферагача кўтарилган. Қувурлар бузилиб, сув оқиб кетавергани учун римликлар осма қувурлардан фойдаланишни афзал кўришди. Бу билан капитал харажатлар ошди, лекин майда-чуйда ремонтларга ҳожат қолмади.

Қадимги юнонлар ва римликлар сополдан қувурлар ясаганлар: улар сопол қувурларни учмаъуч улаб, ташқарига сув чиқиб кетмаслигини таъминлашга ҳаракат қилганлар. Римликлар қўрғошиндан ясалган қувурлардан ҳам фойдаланганлар. Бизнинг тахминимизча, бундай водопроводдан оққан сувда кўп миқдорда қўрғошин кукунлари мавжуд бўлган. Бу эса турли касалликларга, ҳатто ўлимга сабабчи бўлган. Баъзи бир ғарб тарихчилари Рим империясининг таназзулга юз тутишини оммавий қўрғошиндан заҳарланиш билан боғлайдилар.

Жуда кўплаб ўрта аср шаҳарларида ёғочдан ясалган қувурлардан фойдаланганлар. Лекин бундай қувурларни ясаш жуда қийин бўлган.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги ер ости иншоотлари ўзининг жуда кўп издошларига эга.



ЎзССР халқ артисти Қаҳрамон Дадаев (ўртада) Бобрка шаҳри музикачилари орасида.

Ф. Қурбонбоев фотолари (ЎзТАГ)



Қардошлар учрашганда.



Орол денгизининг космосдан кўриниши. Космонавтлар Леонид Попов ва Валерий Рюмин 185 кунлик парвоз вақтида туширишган.

Орол қурияпти. Гапнинг сирасини айтсак, уни ўзимиз, ўз қўлимиз билан қуритаяпмиз. Диёримизнинг чиндан ҳам икки олтин камари бўлган Аму ва Сирдарёни истаган жойидан бўғиб, унинг Оролга обиҳаёт элтиб турган сувини режали-режасиз, тартибли-тартибсиз чўлу даштларга бошқаравердик. «Пахта учун кураш!» деган эзгу тушунчани штурмчиликка айлантирдик. Гарчи, партиянинг XXVI съезди қарорида «Ўзбекистонда етиштириладиган пахта миқдори 2000 йилга бориб 6 миллионга етказилади», деб айтилган бўлса-да, шуҳратпараст раҳбар амалдорлар 1981 йилдаёқ «давлатга 6 миллион 237 минг тонна пахта топширдик», дея атрофга жар солиб, сохта рапортга имзо чекдилар. Шу-шу, заҳматкаш пахтакор болачақаси билан жазирама иссиғу совуқда эгат оралаб, «6 миллион учун» азият чекаверди. Бу ўйловсиз шуҳратпарастлик асосига қурилган дабдабабозлик ҳаракати халқнинг ҳам, Оролнинг ҳам тинкасини қуритди. Денгизга Сирдан ҳам, Амударёдан ҳам бир томчи сув томмай қолди. Оролнинг йилдан-йилга сув сатҳи пасайиб, қирғоқлари сарғайиб борди. Унинг чатнаган соҳилларидан кўтарилган шўр барханлари Қорақалпоғистоннинг унумли ерларини қоплаяпти, Хоразм далаларига хавф солмоқда...

«Орол ҳалокат ёқасида!» деган чақириқ билан Ўзбекистон зиёлилари, хусусан, ёзувчилари оёққа турдилар. Уларнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида Оролни муҳофаза қилиш комитети ташкил этилди. Орол тақдири, халқимиз тақдирини ўзларининг муштарак бурчлари деб билганлар ана шу комитет атрофида уюшмоқдалар. Ҳа, Орол комитетининг овози борган сари кучайиб, замонамиз садосига айланиб бормоқда. Давлат банкида расмий равишда Орол фондининг ташкил этилиши ҳам унинг обрўйидан далолатдир. Халқимиз тақдирига шерик бўлган буюк оиланинг олижаноб вакиллари — олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари, оддий меҳнаткашлар ўз хоҳишлари билан мазкур фондга ўзларининг шахсий жамғармаларини, кунлик иш ҳақларини ўтказмоқдалар.

Биз умумий куч билан, буюк оиламиз қудрати билан Оролни албатта муҳофаза қиламиз. Негаки, ҳали қайд этганимиздек, Орол тақдири — халқимиз тақдири, замонамиз тақдиридир.

Орол ноласи

Эргаш МУҲАММАД

БАҒИШЛОВ

Таърифингга сўз топмай, Орол,
Бердақларинг ўтдилар мафтун.
Юрт ҳуснига бўлиб мисли хол,
Қумликларга бахш этдинг фусун.

Ахир сенган миллиард йиллар
Таъмин этган саҳро иқболин.
Қучоғингдан кетолмай, еллар
Тараб юрган тўлқининг ёлин.

Бироқ букун ҳайратда қотдик:
Зангор мавжинг ўрнида, Орол,
Жон ҳолатда ийқирган отдек,
Уввос солар туз пуркаб шамол.

Сендан Сир ҳам,
Аму ҳам тонди —
Қумлар аро сингмоқда яниб...
Дардинг айтиб дардингда ёнди
Тўлапберган Қаипберганов.

Маъруф Жалил борди сўраб ҳол,
Топмай қайтди Мўйноғинг
мавжин.
Кенжабоев
Дод солиб, Орол,
Фарёдингнинг кўтарди авжин.

Композиция

Шоирлигим тутиб менинг ҳам
Қалам олдим,
Зеро, бу — бурчим...
Эртанг ўйлаб аммо бошим хам,
Юрак-бағрим сирқирар
чим-чим...

Орол букун она қўш сийнасидан айру тушган нотавон гўдакдек фарёд чекаётир. Унинг бугунги фарёдида халқларимизнинг ҳали тўла англаб етилмаган эртанги нолалари сас бераётир. Шу сас садолари қулоғим пардаларини йиртгудек титратаяпти, бутун вужудимни зирқиратиб оғриқ тарқатаяпти. Бу оғриқ зарбларидан юз километрлаб ичкари чекиниб кетган Орол тўлқинларининг ёлларини силолмай ув тортиб юборган шамолдек ийқиргим келади, туз қоплаётган Орол соҳилларидек сўнгаларимга довур ачишиб сирқирайди. Орол узра неча бор тайёрада учиб ўтганман. Аммо мен унинг ҳайқираҳайқира, тўлғона-тўлғона ўз-ўзига чекинаётганини, кўз қорачиғидек тобора кичрайиб бораётганини, фалокат жари ёқасига етиб қолганини ҳозиргидек ҳис этмаган эдим. Йилдан-йилга қулоқ супраси бурмалари сингари ўзанлари бўртиб-бўртиб чиқиб қолаётган Оролнинг фазодан туширилган тасвирини кўриб, кўз олдимда улкан қулоқ супраси гавдаланди. Қум ва туз исканжасида нола чекаётган Орол гўё қулоққа айланиб, қайдан нажот овози келар экан, деб тинглаб ётгандек туюлди... Қайда ўша нажот саси?!.

Қулоқ сол, Орол

Орол! Орол! Эй, мажруҳ Орол!
Юрагимни ўртар бир савол:
Ненинг сасин ётибсан кутиб,
Улкан қулоқ супраси мисол?!

Дардинг ҳеч ким англамадими,
Арзи-додинг тингламадими?
Кўл кўпайиб денгизлигингни
Кўлмакка ҳам тенгламадими?

Қайроққумми, Тошкентми, ахир
Ҳар қадамда сув омбор ҳозир.
Ҳайдаркўлдан ўтолмас энди
Қучоғингда ўйноқлаган Сир.

Сув ҳавзаси аталиб, ёҳу,
Кўлмакларга айланди Аму.

Денгизлигинг ғашига тегиб,
Кўлмакларнинг қилган иши бу!

Денгиз эди менинг ҳам кўнглим,
Кўлмак диллар тўсдилар йўлим.
Берай десам, Оролим, кўмак,
Сенинг каби калтадир қўлим.
Истабмизми кўлмакдан кулмак,
Кулмакдадир бизлардан кўлмак.
Кўлмакларнинг яшаши учун
Денгизларга жоизми ўлмак?!

Иўқ, денгизга ўлмаклик увол,
Чайқал, ҳайқир, доду фарёд сол!
Айланганман қулоққа мен ҳам,
Нажот саси қайда, эй, Орол?!

Каспийданми келмакда овоз,
Балки сенга Сибирь суви соз!
Кенг тутмаса дўст бағрин не наф,
Не наф ишга тушмаса қоғоз...

Ҳар бир сасга қулоғинг тутиб,
Қум-туз аро заққумлар ютиб,
Етмоғингдан ўзга чора йўқ
Тақдирингни қоғоздан кутиб.

Кемалар ҳам қумга ғарқ бўлиб,
Балиғингдек кетмакда «ўлиб».
Қачон яна денгизлигингни
Кўрсатасан сувга лим тўлиб.

Нажот саси борми, қулоқ сол,
Учирмасин сасларни шамол!
Қоғозларга боғлиқ бахтимиз,
Дардимиз бир бизларнинг, Орол!

Вужуди қулоққа айланган Орол нажот овозини эшитишга иштиёқманд энтикишлар билан мадорсиз тўлғанади. Бироқ қум, туз ва узлуксиз ғувиллаган шамол унинг қулоғини битириб, ҳеч нарсани эшиттирмайди. Бирон нажот берувчи сасни илғай олмаган Орол ноилож ниманидир кўришга орзуманд интиқ кўзларини олис-олисларга тикади. Зеро, бу кўзда миллион-миллион суронли йиллар ўзининг абадий ўчмас изларини қолдирган. Унда ярақлаган қуёшли кунлар ҳам, булутли дамлар ҳам, юлдузларни бошидан сочқидай сочган сурмаранг тунлар ҳам ўз аксини кўради. Бинобарин, бу кўз Ўрта Осиё минтақасининг пайдо бўлганидан тортиб ҳозирги кунига довур унинг равшанлиг манбаи, нурли дунёси, ҳаёт шамсидир. Ҳа, она заминимизнинг олис келажакни — истиқболни кўзлаган якка-ёлғиз кўзи — ОРОЛ. Оролсиз бу минтақанинг равшанлиг олами тугайди, бутун тирик мавжудотнинг ёруғ ҳаётдан баҳрамандлиг умиди узилади. Минг афсусларким, бугунги кунда минтақамизнинг кўрар кўзи тобора ич-ичига ботиб, замин қаърига чўкиб, ўйиб ташланган кўздек даҳшатли бир ҳолни бошидан кечираяпти. Бурун қизлар кўзидек чиройли бўлган Оролнинг ўйилган кўздек ваҳимали тус олиши — давримиз жароҳати, бизнинг кечириб бўлмас хатоимиз. Ҳеч қачон бундай таҳликани кўрмаган Орол. Зеро, у не-не қирғинлар, дарё-дарё оққан қонлар, қанчадан-қанча даҳшатли фожеалар гувоҳи бўлган. Лекин ўйилган кўздек қуриб қолишини ҳеч бир душмандан у кутмаган эди. Бефаҳм дўстдан, манқуртлашган фарзандлардан кўра қон тўкса ҳам ақлли душман яхшилиги балки шундандир...

Ўйилган кўз

Сўраб қолсанг
Қаршингда мен лол,
Билмам неча Оролнинг ёши.
Лек тарихдан кўҳнадир Орол,
Удир асли ҳаётнинг боши.
Жайҳуну Сир белбоғдек доим
Қувват берган Оролга, элга.
Орол учун эл туриб қоим
Худди кўздек ардоқлаб келган.
Номи ҳатто милоддан бурун
Жаранглаган муқаддас сўздек...
Нелар қилиб қўйдик биз букун,
Орол ётар ўйилган кўздек.

Зеро, бўлиб Орол мафтуни,
Кеча унга талпингандик, рост.
Этган эди бир шоир уни
Гўзал Лайли кўзига қиёс.
Сиғар эди бағрига осмон,
Сузар эди балиқ булути...
Энди унда сузади армон,
Иўқдир энди денгиз субути.
Гўё чўллар дардини тинглаб,
Чаманзорлар режасин туздик:
Қумлар аро оқибат инграб,
Орол ётар ўйилган кўздек.

Гоҳ чуқур деб ўйлаймиз чўнқир,
Иш тутмаймиз узоқни кўзлаб.
Ўзимизга сўнг келиб мункир,
Иўқ айбдорни юрамиз излаб.
Тўғон қурдик, каналлар қаздик,
Қопламади олган пахтамиз.
Ўзни алдаб умр ўтказдик,
Бугун энди лолмиз — тахтамиз.
Мукофотни мўлжаллаб кўпроқ,
Дарёларни Оролдан уздик.
Дарёларни ютди қум-тупроқ,
Орол ётар ўйилган кўздек.

Орол ичра эллик тўққиз хил
Яшар эди ноёб мавжудот.
Қирқ беш тури (эмас бу ҳазил)
Битта қолмай битди умрбод.
Увол кетди ҳаммаси, увол,
Бу Оролнинг битмас яраси!..
Қайга урсин бошини Орол,
Балиқларин қандай асрасин?!
Табиатдан чиқмоқ бўлиб зўр,
Экологик қонунни бузадик:
Қумлар аро энди босиб шўр,
Орол ётар ўйилган кўздек.

Қорақолпоқ туз туфлаган чоғ,
Билган эдик кетганин жигар.
Тўғон қуриб туз узра бироқ,
Ғам устига келтирдик кадар.
Халқ яшашни қилганда талаб,
Кўрсатмасдан тушган чувини,
Сабр тилаб,
Бошини силаб,
Рўкач қилдик Сибирь сувини.
Кўра-била, болтадан ҳатто
Тоймадик-а, ўлар ҳўкиздек.
Аён энди кечаги хато —
Орол ётар ўйилган кўздек.

Ахир сувсиз мен қандай яшай,
Орол — менман, Орол ўзимдир.
Борар бўлсам асрлар оша,
Орол менинг кўрар кўзимдир.
Юролмасман Оролсиз олға,
Орол — менинг дардим,
шукуҳим.
Бироқ букун топмай кўналға,
Самоларда тентирар руҳим.
Руҳим каби қувғунда Жайҳун,
Сир сирин ҳам биз энди сездик.
Фарёд чекиб чўл аро дилхун,
Орол ётар ўйилган кўздек...

Бироқ биз уни ҳанузга довур гўзал дея мадҳ этиб келдик. Ҳар бир шоир Оролни ўзича тасвирлади, ўзича унга қиёслар ахтарди. Айрим шоирларимиз харитага қараб, Аму билан Сирни икки қўлга, Оролни гўё Ўзбекистонни қўллари билан қучоқлаб турган паҳлавонга ўхшатдилар. Харитага зеҳн солиб қараган кишининг шундай тасаввурга бориши, табиий. Мен ҳам харитага боқиб унга монанд қиёс қидирганман. Менинг наздимда Орол Ўрта Осиёнинг юраги, икки дарё эса, унинг томирлари бўлиб туюларди. Юрак қўш томирининг биридан қон қуйилиб, иккинчисидан вужудга қон таралиб кетса, Оролнинг ҳар икки томиридан ҳам обиҳаёт қуйилиб, бутун минтақага жон бағишлайди, деб ўйлардим. Фазодан туширилган Орол тасвирини кузатиб, юрагим жунбишга келди. Эвоҳ, хариталар бизнинг тасаввурларимизни алдаган экан. Ҳолбуки, аллақачон Сир ҳам, Аму ҳам Оролга етиб бормас, ярим йўлда қолиб кетар экан. Харита тузганлар бундан бехабармиди?! Афсуски, улар биздан кўра яхшироқ биларди. Улар бизнинг туйғуларимизни ва тасаввурларимизнигина эмас, бутун халқнинг кўзини бўяб, ишончларини поймол қилиб келди. Бу энди барча кўзбўямачиликларнинг ашаддийсидир. Ахир миллиметрлар билан аниқ ўлчанадиган хариталар ҳам эл кўзини бўяйдиган бўлса, додимизни кимга айтайлик!..

Кўлларинг қани?

Хариталар алдади, яъни
Тўғри эмас на бўй, на энинг...
Орол, Орол, қўлларинг қани,
Ким синдирди қўлларинг
сенинг?!

Харитада тасвиринг мисол
Нетар эди қўлинг бўлса бут.
Сиру Жайҳун айлашиб висол,
Нетар эди берса сенга қут.

Афсус, элни чўллатиб чўлда
Сарсон кезар адашган Жайҳун.
Мудроқ босиб неча бир кўлда
Сиринг сени туш кўрар ҳар кун.

Қучолмайди қўлсиз вужудинг
Бурунгидек Узбекистонни.
Туз тўзони — бурқсиган дудинг
Қуритмоқда боғу бўстонни.

Хариталар алдади, яъни
Тўғри эмас на бўй, на энинг...
Орол, Орол, қўлларинг қани,
Ким синдирди қўлларинг
сенинг?!

Ярадор юрак

Орол! Орол, ярадор юрак —
Кўкайингдан қўйилдинг қирқиб.
Бардошингни синади қирқи,
Қирқ бирига чидамас керак!

Сукут этсанг қирқ бирида ҳам
Унгланишинг қийиндир кейин.
Орол, сенга нима ҳам дейин,
Кимга керак енгилган чидам!

Мен ҳам қилиб қирққача сабр,
Дўстларга ҳам ёрмай дилимни,
Ичга ютиб одил тилимни
Одилликка этганман жабр.

Иўқ, биз шундай берайлик нидо:
Бош кўтарсин адолат сўзи,
Курашларнинг очилсин кўзи,
Мутеликдан қутилсин сабот!

Дарёларга этайлик амр,
Эритайлик музликни ёки,
Тирилтириб юракни токи
Қайта бошдан улансин томир...

Ахир Орол — ярадор юрак:
Кўкайингдан қўйилдинг қирқиб.
Мутеликнинг кутдирди қирқи,
Қирқ бирига чидамас керак!..

Орол чидолмай чекинди, аммо у шўрпешона соҳилларидан қочгани сари унинг ортидан ёвуз қум ва туз кўчкинлари хуружига учраган қирғоқлари қисиб бора бошлади. Орол чекинди, бироқ балиқлар она маконидан қаёққа ҳам чекинсин — улар қирилди. Балиқчилик заводлари тўхтади. Лекин сувсизликдан қирғоқларда ўлиб ётган балиқлардек қумга ботиб КЕМАлар қолди. Балиқчилар кетди... Оролни ташлаб, балиқ овлагани бошқа ёқларга кетди. Аммо шу ерни Ватан қилган халқ қаёққа ҳам кетарди. Халқ — Ватан номли денгиз балиқлари! Халқ ҳаммасига чидади. Орол сувсизликка чидолмай қаҳри келди: туз тўзонини кўтарди. Бу қизғиш тўзон бутун уфқнинг юзига этак тутиб қуёшни тўсди, туз ёмғири бўлиб ёғилди. У етган ерларда боғу роғлар қуриди, ер-ерлигидан воз кечди — ҳосил бермай қўйди. Туз ёмғирига қўшилиб қорақалпоқ халқига мусибат ёғди. Мусибат ёмғири Бухорогача етиб келди. Бу кўринмас ёв одамлар соғлигини издан чиқариб, қонларигача кириб борди, турли касалликлар уйғотди. Ҳатто энг мусаффо ва айнимас она сутида ҳам доғ пайдо қилди. Ахир қаҳрини сочиб Орол чекинмоқда. Орол чекинар, бироқ шу ерни Ватан қилган Балиқлар, Кемалар, Халқ қаёққа ҳам чекинсин?! Уларнинг Ватани битта...

Тузга ем кемалар

Сўнгсиз эди Орол борлиқдай,
Рўй бермади бунда нималар:
Сувсиз қолган улкан балиқдай
Қумга ботиб ётар кемалар...

Йўл бошлаган буюк зотни гоҳ
Кемаларга қилардик қиёс.
Кема бунда йўл топмай, эвоҳ,
Қумга чўкиб ётар қишин-ёз.

Ишлатсак ҳам ош тузин кунда,
Ваҳший тузни биз энди билдик:
Тузга емдир кемалар бунда,
Чумолига ем бўлган филдек.

Оқ қоплаган кўз каби Орол
Туз қўйнида оқариб ётар.
Энди кўкдай чайқалмас зилол,
Ўз ўзани ўзига ботар...

Орол бутун ўзгариб кетди —
Рўй бермади бунда нималар.
Нималардир бизни тарк этди:
Қалбимизга чўкди кемалар...

Туз ёмғири

Тиззамга туз йиғилган чоғи,
Оёқ боссам зирқираб оғрир.
Туз ичида Нукуснинг боғи,
Қандай қилиб кўкарсин ахир?!

Туз тўзони қоплаб самони,
Туз ёғмоқда далага, боққа.
Бошландими шўрлаш замони:
Туз ёғмоқда белга, оёққа.

Қорақалпоқ тугул Бухоро
Туз заҳмини тотмоқда букун.
Бошин уриб шўр тупроқ аро,
Шўр юволмай шўрлади Жайҳун.

Далалардан, кўзлардан ўтиб
Туз ёмғири жигарга ёғди.
Азоб берди юракдан тутиб,
Гўдакларнинг эслари оғди...

Бу не ситам, бу қандай кадар,
Бораяпмиз тузларга увиб.
Шўрлаб кетди тақдирга қадар,
Умр ўтар энди шўр ювиб...

Она сутидаги доғ

Она эрур бизларга Орол,
Онага ҳам келтирдик биз шак.
Айб фарзандда —
Она қадди дол,
Аммо гуноҳ — дард тортар
тўшак...
Гуноҳимиз — Оролнинг тузи,
Гуноҳимиз қўймас бизни соғ.
Соғ жойимиз қолдими ўзи,
Кирди она сутига ҳам доғ.

Оналарнинг ёқалари чок,
Ўз сутидан зурёди нобуд...
Не бор энди бу дунёда пок?
Қачон тилга кирасан сукут?!

Портла, сукут!
Сенинг туфайли
Тушди она сутига ҳам доғ.
Йиғла, она, йиғлагил майли,
Сутингда доғ,
Бу энди чатоқ...

Бу фожеалар қандай содир бўлди? Мутахассисларнинг келтирган далилларига қараганда, 1917 йилдан 1960 йилгача республикамизда 800 минг гектар ер ўзлаштирилган экан. Унинг Оролга ҳеч қандай таъсири сезилмабди. Кейинги 20—25 йиллар ичида 1 миллион 200 минг гектар янги ер саҳролардан тортиб олинибди. Шу баднафслик оқибатида Орол фожеага юз тутибди. Қаранг-а, инсон нафси бепоён Орол денгизини ҳам қуритибди! Аслида одамларнинг қалбидаги ороллар қуриётганди. Кўп эзгу нарсаларни йўқотиб қўйдик. Орол фожеасини шу йўқотишларга боғлиқ деб ўйлайман.

Орол — ўзимиз

**Гўё титраб инграгандек тор
Дилим ўртар Орол ноласи:
Халқ туз ялаб, юрса сувга зор,
Қандай чидар одам боласи!
Боқдик аммо жонсиз тош мисол
Оролни илк дард тутган маҳал.
Демак, бизнинг ўзимиз — Орол,
Қутқарайлик
Биз ўзни аввал!**

**Ахир, дўстлар,
Юракни алҳол
Босиб ётар лоқайдлик тузи.
Хиёнатдан бамисли Орол
Қуриётир севги денгизи.**

**Йўқотмасак лоқайдлик тузин
Барқ уролмас жасорат боғи.
Покламаса ҳар бир зот ўзин,
Кетмас биздан «она сут» доғи.**

**Зеро, инсон Орол мисоли
Чекинмоқда дунёларидан:
Айру тушган Юрак ороли
Ҳақу поклик дарёларидан.**

**Қуриётир,
Рости, бизда ҳам
Орол янглиғ шўр босган имон.
Бўлай десанг Оролга ҳамдам,
Ўзни қутқар аввал, эй, Инсон!**

**1987 йил, 9—12 июль.
Тошкент**

МАДАД КУТМОҚДА

Юрий КОВАЛЕВ,
ЎзССР Ёзувчилар союзи қошидаги
Оролни сақлаб қолиш комитети
раисининг ўринбосари


Орол денгизи. Бир пайтлар юз минглаб одамларни ўз неъматлари билан таъминлаган, арзон транспорт йўли хизматини ўтаган, қимматбаҳо балиқлари билан донг таратган, соҳилларида ўн минглаб бош қорамол, от, қўй ва эчки, туялар боқилган денгиз қуриб бормоқда. Яқин-яқинларгача бу ер ондатра боқиш учун қулай ҳисобланиб, йилига 1 миллион донага қадар ондатра териси тайёрланар, бу мўйнанинг халқаро аукционларда бозори чаққон эди. Энг муҳими эса, табиий иқлимни ўз измига солиб турган Орол кўз ўнгимизда шамдек сўниб бормоқда.

Диёримиз истиқболини Оролсиз тасаввур этиш қийин. Аммо бу табиат инъомининг куни тугаб бораётганини инкор этиб бўлмайди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг сўнгги пленумида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Тўлапберган Қаипберганов бу ҳақда алам ва дард билан шундай деди: «Инсоният чорак аср мобайнида, бир авлод кўз ўнгида ер юзидан 6 миллион гектардан ортиқ ҳавзани эгаллаган, чуқурлиги 69 метрли денгиз қуриб бораётганидек аянчли аҳволни ҳали кўрмаган».

Таассуфки, инсоният бундай аччиқ мисол шоҳидн бўлмоқда. Нақадар оғир бўлмасин, ҳаммамиз учун қадрдон Орол денгизининг умри поёнига етиб бораётганини кўриб-билиб турибмиз.

Кейинги йигирма беш йил мобайнида одамзод ёрдамида Орол денгизи ўз соҳилидан 70—80 километр узоқлашди, унинг сатҳи 13 метрга пасайди. Башарти, 1962 йилда денгизнинг сув ҳавзаси 66 минг квад-



Чехословакия мутахассислари ёрдамида қурилган тупроқни тозалайдиган кема.

рат километрни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 40 минг квадрат километрга тенгдир. Ундаги сув ҳажми эса карийб уч баравар камайди. Орол денгизи балиқчилик учун олдинги аҳамиятини бутунлай йўқотди. Ҳолбуки, яқин-яқинларгача мамлакатимиз сув ҳавзаларида тутилган энг яхши балиқларнинг ўн бир процентидан ортиғи Орол улушига тўғри келарди.

Амударё этакларида, умуман, Орол денгизи бўйининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида шундай ҳол юзага келдики, денгиз қуриб бораётганлиги муносабати билан ондатра овлаш 70 баравар қисқарди. Бу ерда соҳилни қум босиб келишидан асраб турган тўқайларнинг 800 минг гектардан ортиғи йўқ бўлди. Денгиз соҳилида яшаган 57 хил жониворлардан ҳозирча ўн учтаси жон сақлаб турибди. Бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан доврўғ таратган соҳилбўйи қум-туздан иборат саҳрога айланиб бормоқда. Бундай чўллар икки миллион гектар ерда ястаниб ётибди. Башарти унинг олди олинмаса, 2000 йилга бориб чўл ва саҳро салтанати яна бир миллион гектар ерни ўз «мулки»га қўшиб олади.

Қум-туз аралаш бу зарарли барханлар бир жойда тинч ётмайди. Денгиз ҳалокати кучайган сари Орол бўйича эсадиган шамоллар кучига куч қўшилмоқда. Улар ҳар йили 70 миллион тоннадан ортиқ чанг-тўзон ва тузни ҳавога кўтариб, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошовуз областларининг экинзорларига (ҳар гектар ерга 600—700 килограммдан) жамики жонли мавжудотни ҳалок этувчи зарарли барханни элтиб ташламоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Автоном республика ва икки қўшни область экинзорларига бир миллиард тоннага яқин чанг-тўзон аралаш туз ёғилди. Ана шундай шароитда тупроқнинг маҳсулдорлиги нима бўларди, дейсиз?

Халқда кулфат қўшалоқлаб келади, деган нақл бор. Инсоннинг нооқил хоҳиш-иродаси билан юзага келган кулфат «бало»-ларидан бири ер ости сувларининг кўтарилишидир. Унинг касрига ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги жуда пасайиб бормоқда. Табиатнинг муқаддас қонуни — экологик мувозанатни сақлаш қонунини бузиб, билиб-билмай, нописандлик билан иш кўрилганлиги, жиноятқорона иш юритиш, ўз ҳузур-ҳаловатингигина ўйлаш оқибати шу!

Тўғри, мамлакатнинг иссиқ регионларида деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, эскидан суғориб келинган ҳамда янги ўзлаштирилган ерларни суғориш керак. Шу боис Амударё билан Сирдарё, қолаверса, Ўрта Осиёдаги бошқа катта ва кичик дарёларнинг суви яшил майдонларга оқизилади, улар мўл ҳосил олишда инсонга мададкор бўладилар. Аждодларимиздан бизгача етиб келган «сув бор жойда ҳаёт бор» деган ҳақиқатни унутиб бўладими, ахир. Ўзимизнинг ношудлигимиз, хўжалик юритишдаги бемаъни сиёсатимиз туфайли яна бир, аччиқ бўлса-да, ҳақ нақл юзага келди: «Қаерда сув кўп бўлса, у ерда ҳаёт нуқсонли, у ер — ҳалокатга маҳкум». Ўрта Осиёнинг бир пайтлар катта бўлган дарёлари пойи ва этакларидаги аҳвол бу гап нақадар адолатли эканлигидан далолат беради.


Гидроқурувчилар билан мелиораторлар Ўрта Осиёдаги дарё, сой ва жилғаларга тўғон солиб, сунъий денгизлар, шу жумладан, Чордара, Тахиатош, Туямўйин сингари «қўлбола» денгизларни кўпайтириб юбордилар. Уларнинг орзу-умидлари хайрли эди. Шу боис уларнинг дарё «оқимларини бошқариш» деган атамаси узоқ вақтгача ҳеч кимда эътироз уйғотмади. Дарҳақиқат, гап оқимни бошқариш тўғрисида борганда нима ҳам дейиш мумкин. Аммо сув хўжалиги қурилиши ва мелиорация муаммоларидан сал четроқда турган одамлар бу ҳамманинг оғзидан тушмайдиган атама заминида нималар ётганини билармиди, дейсиз. Шу хилдаги «бошқариш» оқибатида Оролга бир қултум ҳам дарё суви етиб бормаслигини, чор-атрофдаги ҳаёт учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган бу ноёб сув ҳавзаси инсоннинг ақлсизларча қилган иши туфайли ҳалокат ёқасига бориб қолишини ким ўйлабди?!

Орол денгизи, қолаверса, унинг соҳиллари насибасини маҳрум этиб сўнгги қултумигача тортиб олинган сув ишга фойда берса, одамга хизмат қилса, ҳосилдорликни оширса, баҳарнав эди. Амалда эса ҳамма жойда ҳам шундай бўлаяпти дейиш қийин. Сув омборларининг ўзи, қолаверса, зовур ҳамда оқова сувлар пастқамроқ жойларда тўпланиб, ер ости сувларининг сатҳи жадал кўтарилишига сабабчи бўлди. Бу ҳол тупроқнинг иккиламчи шўрланишига, каттакатта экинзорларнинг қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқиб қолишига олиб келди. Ўрта Осиё республикалари бўйича ҳозирги кунда икки миллион гектардан ортиқ экинзор мелиоратив жиҳатдан зудлик билан яхшиланиши керак. Бунинг бир миллион 200 минг гектардан ортиғи Ўзбекистонда эканлиги ҳам эндиликда сир эмас.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг кўпгина районларида, Мирзачўл ва Жиззах даштининг шимоли-ғарбий қисмидаги аҳвол ҳақли равишда ташвиш уйғотади. Эндиликда Орол ва денгизбўйи районларигина эмас, соҳилдан анча олисда жойлашган ерлар ҳам одамлардан ёрдам кутмоқда. Оролни бебаҳра қилиб Амударё ва Сирдарёдан тортиб олинган сув ҳозирги кунда Сариқамиш ва Арнасой чўкмасида «қўлбола» денгизга айланиб, ён-атрофдаги маданий экинзорларнинг шўр босиши, ботқоққа айланишига сабабчи бўлмоқда. Сувнинг экинзорларга, бободеҳқоннинг заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилга бу хилдаги ҳужум зўрайгандан зўрайиб бормоқда. Ҳолбуки, ҳаёт мантиқи ва соғлом ақл-идрокка кўра, у Орол денгизида мавжланиши керак эди.

Спортчиларда нокаут қилиш деган атама бор. Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёси — Амударёнинг йиллик суви тенг ярмисини «ямлаётган» Қорақум канали ишга тушиши Орол учун ҳам, унинг соҳилбўйи районлари учун ҳам «нокаут» бўлди, дейиш мумкин.


Хўш, нима бўлди аслида? Амударёнинг суви чўлни бўстонларга айлантиришдек кишиларнинг асрий орзуси рўёбга чиқишига тўла-тўкис сарф бўлдими? Қанчалик аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни айтган маъқул. Денгиздан тортиб олинган бу «луқма»нинг катта қисми чўлни ботқоққа айлантиришга сарф бўлди. «Правда», «Известия» газеталарида эълон қилинган қатор материалларда муаллифлар гидротехника ва мелиорация бобидаги «мўъжизалар»нинг авра-астарини очиб ташладилар, бу тадбирни ўта масъулиятсизлик ва ношудлик деб атадилар. Туркманистонда, масалан, янги ерларни ўзлаштиришга шу даражада берилиб кетдиларки, эндиликда қониқарсиз мелиоратив ҳолати туфайли



Кемалар қум барханлари орасида қолдилар.

қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқиб қолаётган ерлар майдони янги ўзлаштирилган майдонлардан кўпроқдир. Ер ости сувлари яқинлиги туфайли асрлар мобайнида сувга чанқоқ Ашхобод шаҳри зах устида «сузиб юрибди», дейиш мумкин. Энди Туркманистон пойтахтини ер ости сувлари босиб кетишидан асраш учун 150 насос узоқ-кун ишлаб турибди. Ер ости сувларининг бу хилда «ғимирлаб қолиши»га эса Қорақум канали сабаб бўлди.

Бошқа бир мисол. Қорақум канали зонасидаги юз минглаб гектар ер ҳозирнинг ўзидаёқ мелиорация жиҳатидан капитал яхшилаш ишларини талаб этади. Устига-устак канал орқали Амударёдан олинаётган сувнинг тенг ярми «ноишлаб чиқариш» мақсадларига сарф бўлаётгани, аниқроғи, ерга сингиб ва буғланиб кетаётганини қўшсак,



Илгари шу ердан Амударё оқар эди... (ЎзТАГ фотолари)

Оролнинг ҳалокати олижаноб мақсадлар учун керак бўлди, деган гаплар асоссиз эканлиги билиниб қолади.

Юқорида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқиб қолиш эҳтимоли бор экинзорлари майдони айтиб ўтилди. Республикамизда ҳам илгари ўзлаштирилган ва ҳозирги кунда жадал суръатлар билан ўзлаштирилаётган ерларда аҳвол яхши эмас. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидаги сув хўжалиги қурилиши муаммолари устида иш олиб бораётган ходимлар афтидан мелиорация ишлари қанча кўп бўлса, шунча яхши,деган яроқсиз йўлдан воз кечмаётган кўринадилар. Магистрал ва ташлама каналлар қанча кўп бўлса, янги-янги «ғалаба рапортлари», ўзлаштирилган гектарлар қанча кўп бўлса, ўзининг қанчадан-қанча одами ва кўплаб бўлинмалари бўлган министрлик шунча яхши ишлаган ҳисобланармиш. Ҳолбуки, ҳаммадан ҳам кўра худди шу министрлик фаолиятида ана шунга асло ўрин бўлмаслиги керак эди. Негаки, бошқа идораларга нисбатан бу министрлик табиат билан, экология билан, ер ва сув билан кўпроқ мулоқотда бўлади, иш олиб боради. Бинобарин ундаги хато ва нуқсонлар, воқеаларни тўғри баҳолай билмаслик ёки ортиқча баҳолаб юбориш оғир оқибатларга олиб келади.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги барибир бунга парво қилмаяпти. Туямўйин сув омборидан 150 километр узунликдаги ташлама канал — «Тошовуз» шохобчаси» жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Бу шохобчанинг аслида кераги ҳам йўқ: мавжуд ташлама каналларнинг сув ўтказиш имкониятини кўпайтириш билан бунинг иложини қилиш мумкин. Тўғри, бу ҳақда турли соҳа мутахассисларининг фикри ҳар хил. Менинг назаримда, эътиборни асосан бир нарсага қаратиш керак. Шохобча Шарқ меъморчилигининг жаҳонга машҳур обидалари, курраи заминдаги ҳар бир кишига яхши маълум бўлган Хева шаҳрининг яқинидан, бор-йўғи ўн километрча беридан ўтади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ичанқалъага туз-қум бўронлари тобора қутуриброқ ҳужум қилмоқда. Бунинг оқибати нима билан тугашини ўйлашнинг ўзи оғир. Наҳотки, музей шаҳар ер ости сувлари асирлигига ҳам мубтало этилса? Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги раҳбарлари наҳотки бу ҳақда ўйлаб кўрмасалар? План кўрсаткичлари кетидан қувишга чек қўйиш фурсати келмадимикан? Кўҳна обидаларни сақлаб қолиш, экология муаммоси, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, наҳотки, уларни ташвишлантирмаса? Матбуот хабарлари, кенгаш ва йиғилишлар ҳисоботларига қараганда, министрлик раҳбарлари Васильев ва Пўлатзода ўртоқларни бу нарса ташвишлантирмаётган кўринади.

Ўзига бунчалик бино қўйиш, давлат ичида давлат қабилида, кенг ваколатли ҳукмдор сифатида иш юритиш нечун? Министрликка ким бундай ҳуқуқ берди? Министрлик ходимлари, унга бўйсунувчи ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари ўзлари лойиҳа тузадилар, ўзлари барпо этадилар, ўзлари қабул қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, ўз фаолиятларига ўзлари баҳо берадилар. Бунақада фаолиятдаги хато ва қусурларни ким аниқлайдию, ким уларни ошкора айтиб беради?

Амударё билан Сирдарё сувидан тўртта қардош иттифоқдош республика фойдаланади. Лекин Ўрта Осиёнинг ана шу асосий сув ҳавзаларидан фойдаланишни бошқариб турадиган ягона давлат идораси йўқ. Бу идора дарёларнинг ўзини, қолаверса, улардан таъминланиб турадиган Орол денгизини қутқариб қолиш юзасидан комплекс муҳофаза тадбирларини изчил ўтказган бўлур эди. Орол ҳамда денгизбўйи районлари қисматига тушган кулфатларнинг асосий сабабларидан бири ҳам аслида шу эмасмикан?!

Табиат миллион йиллар мобайнида диёримизда бир мўъжиза — Орол денгизини яратди. Инсон эса тарихан қисқагина муддат ичида — чорак аср мобайнида шу денгизни ҳалокат ёқасига элтиб қўйди. Энди бутун кучни бирлаштириб, бор имкониятдан фойдаланиб аҳволни ўнглаш чорасини қилиш керак. Орол йўқ бўлмаслиги керак. Халқнинг хоҳиш-иродаси, ўй-фикри шу. Кенг жамоатчилик бу борада дастлабки одимларни қўйди. Инсоният томонидан ҳалокатга маҳкум этилган денгизга ёрдам қўли чўзилмоқда. Оролни қутқариб қолиш юзасидан жамоатчи комитет тузилди, Давлат банкининг Тошкент шаҳар Куйбишев район бўлимида махсус «Орол фонди» счёти очилди. 000700778 номерли ана шу счётга пуллар пайдар-пай тушиб турибди. Орол денгизини, соҳил бўйи районларини қутқариб қолиш чинакамига умумхалқ иши бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Орол муаммосининг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик юритишнинг эскирган, экстенсив системасидан, янги ерларни ўзлаштиришга ҳаддан ташқари зўр беришдан воз кечишни, «монокультура» (бир хил экин экиш) ҳокимлигига чек қўйиш сингари муаммоларни ҳал этишни, республикамизнинг айрим районларида деҳқончилик ва чорвачилик структурасини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ерни, табиатни, инсоннинг талаб-эҳтиёжларини, истиқболини кўзлаб амалга ошириладиган жамики олижаноб ишлар йўлида ҳеч қанақа ғов бўлмаслиги керак.

ГЎЗАЛЛИК ИШТИЁҚИ

Инсонни ўзи туғилиб ўсган жойига, ватанига бир муқаддас туйғу боғлаб туради. Бу туйғулар қалбнинг қайсидир бурчида ардоқланади. Баъзан у оппоқ қоғозларга шеър бўлиб тўкилади ёхуд ўша мафтункор ўлка табиатини шундайлигича полотноларга кўчириш истаги пайдо бўлади кишида. Қадрдон жойларнинг табиати, одамларнинг характери, шижоати у яратган асарларда алоҳида бўртиб кўринади. Сурхондарёлик ҳаваскор рассом Тоштемир Алиёров машқларида худди шу ҳолни кўрамиз. У шу йилнинг июнь ойида бўлган республика ҳаваскор рассомларининг кўргазмасида ўз асарлари билан иштирок этди. «Биринчи муаллим», «Ҳуррият», «Уста», «Осудалик», «Абдулла Набиев портрети», «Ҳордиқ», «Чўлда терим қизғин» расмлари ҳамда учта натюрморти кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кўргазмада Тоштемирга биринчи соврин тақдим этилди. Юқори баҳо олган «Ҳуррият», «Биринчи муаллим», «Уста», «Чўлда терим қизғин» асарлари эса Москвада бўладиган Бутуниттифоқ халқ бадиий ижоди кўргазмасига тавсия қилинди.

Тоштемирнинг ранглардан ўз ўрнида фойдалана олиши, айтмоқчи бўлган гапини ёркин, тиниқ бўёқларда тасвирлаши томошабинлар билан бир қаторда профессионал рассомлар эътиборини ҳам жалб этди. Чунончи, журналимизнинг шу сон зарварақларида эълон қилинаётган «Ҳуррият» асарига разм солайлик. Асарда революцион давр акс эттирилган. Олдинги планда бир гуруҳ одамлар қиёфаси — янги замонга хайрихоҳлик, баъзи кишилар қиёфасида эса норозилик кайфиятлари зоҳирлигини кузатиш мумкин. Бу ўша давр учун табиий ҳол: камбағал ишчи-деҳқонлар юзида қувонч балқиган, дин пешволари, уламо ва бойлар юзида ташвишу ғам. Расмнинг юқори қисмида қишлоқ манзараси, қишлоқ яқинида отлиқ қизил аскарлар, асар марказида саф тортган соқчилар тасвирланган. Буларнинг ҳаммаси асарда айлана шаклда олинган бўлиб, ўртада кенг майдон ичра аланга ва унга паранжисини шаҳд билан улоқтираётган ўзбек аёлининг тасвири ўрин олган. Аёл теварагидаги кенг майдон томошабин диққатини воқеа марказига тортиши жуда муваффақиятли амалга оширилган. Шунингдек, асосан қизил, жигарранг, зарғалдоқ ранглар иштирокида ишланган расм колорити бир томондан воқеа қуёшли кунда содир бўлаётганлигини ифодаласа, иккинчи томондан, ўша оловли йиллар драматизмини янада кучайтиради.

Т. Алиёровнинг «Биринчи муаллим», «Уста» каби асарлари ҳам иншо ва ранг жиҳатидан ўз мазмунига уйғун бўлиб, бир қарашда асарда деталлар кўп ишлатилгандек бўлса-да, улар аслида композиция моҳиятини тўлиқ очишга хизмат қилади.

Умуман, бу рассом асарлари самимийлиги, соддалиги ва лирик кечинмаларнинг теран ифодаланиши билан ажралиб туради. Мўйқалами шаклланиб, ўз йўлини излаётган ёш рассомнинг ижоди ҳам рангларидай ёркин бўлишига тилакдошмиз.

Комил ЖУМАЕВ

«ЧЕКИСТНИНГ ҚАЛБИ ЖУШҚИН, АҚЛИ ВАЗМИН ВА ҚЎЛИ ТОЗА БЎЛИШИ КЕРАК».

Ф. Э. ДЗЕРЖИНСКИЙ



С. ИКРОМОВ. ДЗЕРЖИНСКИЙ.




Т. АЛИЕРОВ. ҲУРРИЯТ.



Т. АЛИЕРОВ. ПАХТА ТЕРИМИ АЙНИ АВЖИДА.



Р. РИЗАМУҲАМЕДОВ. ОСУДА КУНЛАР.




Р. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
МИЛИЦИОНЕР ҚИЗ.

Г. ЧЕРНУХИН.
ҚОВУН БОЗОРИ.



Г. ЧЕРНУХИН. САНДИҚ БОЗОРИ.





ТАНҚИДЧИ ТАБАССУМИ.

Таникли адабиётшунос олим, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Озод Шарафиддинов.

В. Жирнов фотоси

ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ПАҲЛАВОНИ

Ф. Э. ДЗЕРЖИНСКИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

КОММУНИСТИК партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, доҳиймиз В. И. Ленининг содиқ сафдошларидан бири, пролетар революциясининг толмас курашчиси Феликс Эдмундович Дзержинский ўзининг бутун онгли ҳаётини пролетар революцияси ишига, биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бағишлади. У янги жамиятнинг пойдеворини барпо этишга бутун куч-қуввати, ақл-заковати ва истеъдодини сафарбар этди. Феликс Эдмундовичга хос революцион талабчанлик, ўта ҳушёрлик, муросасизлик, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжига ғамхўрлик хислатлари уни халқ оммасига севимли раҳбар сифатида танитди.

Ф. Э. Дзержинский 1877 йилнинг 11 сентябрида Виленский губернасининг Ошмянский уезди (ҳозирги Минск области, Столбцовский райони)да майда ер эгаси, поляк дворян оиласида таваллуд топди. Атрофида содир бўлаётган тенгсизлик, ночорликдан ранжиган Феликс: «Сўнги нафасимгача буржуазияга қарши курашаман», деб қасамёд қилганида ўн етти ёшга тўлган эди. У жўшқин, онгли ҳаётини ишчилар синфини озод қилиш ҳаракати билан чамбарчас боғлади. 1895 йилда Литва социал-демократиясининг Вильно ташкилотига аъзо бўлди. Ҳунарманд ишчилар орасида ташвиқот, тарғибот ишлари олиб борди. Бир йилдан сўнг гимназияни тарк этиб, революционерлар сафига қўшилди.

1906 йил РСДРПнинг Стокгольмда бўлиб ўтган IV (бирлаштирувчи) съездида қатнашиши унинг революцион фаолиятида муҳим роль ўйнади. Съездда у В. И. Ленин билан танишди. Ф. Э. Дзержинскийнинг ташаббуси билан Польша ва Литва социал-демократик ташкилоти ҳам РСДРПга бирлаштирилди. Съездда Ф. Э. Дзержинский Польша ва Литва социал-демократларининг вакили сифатида РСДРП Марказий Комитети составига киритилди. Петроград ва Варшавада у муҳим партиявий-ташкилий топшириқларни бажарди ва меньшевикларга қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Давлат думасига сайловлар кампанияси қизиб кетган даврда олиб борган революцион иши учун 1906 йилнинг 31 декабрида Ф. Э. Дзержинский яна қамоққа олинди. У жами 11 йил қамоқ ва сургунларда бўлди. Ф. Э. Дзержинский қамоқдалигида РСДРП Марказий Комитети уни сиртдан ўзининг V съездига делегат қилиб сайлади. Қамоқ ва сургундаги оғир шароитлар унинг соғлигига путур етказди. 1910 йилнинг январида ўртоқларининг қистови билан даволаниш учун Италияга борди. У ерда — Капри оролида даволанаётган машҳур пролетар ёзувчиси Максим Горький билан учрашди.

Ф. Э. Дзержинский чет элдалик даврида ҳам революцион фаолиятини сира сусайтирмади. 1917 йилнинг 10 октябрида партиянинг қуролли қўзғолонни ўтказишга доир кенгашида у Ҳарбий Революцион Комитетга сайланди. В. И. Ленин бошчилигидаги партия Марказий Комитети Феликс Эдмундовични қуролли қўзғолоннинг энг муҳим участкаларига юборди. У қуролли қўзғолон кунлари партия Марказий Комитетининг муҳим топшириқларини бажариш билан бирга қўзғолончи отрядларнинг Смольний билан алоқасини бошқариб турди.

Ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, чет эллар ва мамлакат ичкарисидаги аксилинқилобий кучлар ёш Совет республикасига қарши душманлик ҳаракатларини авж олдириб юбордилар. Эндиги асосий вазифа ёш Совет республикасини аксилинқилобий хуружлардан ҳимоя қилишдан иборат эди. Халқ Комиссарлар Совети контрреволюционерларнинг фитна, исён, душманлик ҳаракатларининг олдини олиш, уни ўз вақтида таг-томири билан тугатиш ва бундан сўнг уларга йўл қўймаслик мақсадида Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясини (ВЧК) тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. ВЧК раислигига В. И. Ленин «...яхши пролетар якобинчиси» керак деб, мазкур масъул лавозимга Ф. Э. Дзержинский номзодини таклиф этди. Ана шундан эътиборан у ўзининг бутун куч-ғайратини оғир, лекин шарафли ишга бағишлади. ВЧК Ф. Э. Дзержинский раҳбарлигида Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ички ва ташқи душманларнинг яширин ва ошкора хуружларига қарши мардона курашди. Феликс Эдмундович таъкидлаганидек, «ВЧК меҳнаткашлар қўлга киритган ғалабаларни кўролмайдиган, эски тузумни қайта тиклашни қўмсаган ва ишчи-деҳқонларга қарши сиртмоқ тайёрлаётганларга қарши даҳшат символига айланди». Ф. Э. Дзержинский давлат хавфсизлиги органларидаги қаҳрамонона хизматлари учун 1920 йилнинг январида Совет ҳукуматининг Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданлар уруши йилларида Феликс Эдмундович ВЧКга раҳбарлик қилиш билан бирга партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қатор топшириқларини ҳам революционерларга хос матонат билан бажарди. У партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш учун, унинг сафларини жипслаштиришга, социалистик қурилиш душманларига қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Хусусан, ВКП(б) Марказий Комитети ва Марказий Контроль Комиссиясининг 1926 йилнинг 20 июлида бўлиб ўтган қўшма пленумида Ф. Э. Дзержинскийнинг мамлакат халқ хўжалиги истиқболлари ва партия йўлига троцкийчиларнинг ҳужуми масаласига доир докладида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Мазкур докладда партиянинг ашаддий душмани бўлган троцкийчилар ва бошқа таслимчиларнинг ҳақиқий башараси далиллар асосида фош қилиб ташланди. Бу Феликс Эдмундовичнинг сўнгги чиқиши эди. Ана шу докладдан сўнг уч соат ўтгач, содиқ ленинчи, жасур революционер Феликс Эдмундовичнинг юраги уришдан тўхтади.

Мамлакатимизда КПСС XXVII съезди кўрсатмалари асосида қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни изчил давом этаётган ҳозирги шароитда Ф. Э. Дзержинскийнинг революцион меросига қайта-қайта мурожаат этилаётганлиги табиий ҳолдир. Унинг: «Чекистнинг қалби жўшқин, ақли вазмин ва қўли тоза бўлиши керак», деган пурҳикмат сўзлари теран маъно касб этиб, баралла жаранглamoқда. Оташин революционернинг сермазмун ҳаёт йўли мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида жамиятшунослик дарсларида ўрганилмоқда, у ҳақда кўплаб китоблар, кинофильмлар яратилган.

Инқилоб шоири Владимир Маяковский пролетар революциясининг жўшқин курашчиси Феликс Эдмундовичнинг ҳаёт йўли ҳамма учун ибратли эканлигини шундай таърифлаган эди.

— Ҳаётда ибрат олай
қайси кўзгудан?—
деб ўйлаган
ўсмирга
айтаман қатъий
— Намуна ол,
сен,
ўртоқ Дзержинскийдан.

Зеро, Феликс Эдмундович Дзержинский бутун ҳаётини, жўшқин фаолиятини партия ишига, пролетар революциясининг амалга ошишига, ишчи ва деҳқонлар давлатини ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга, ривожлантиришга сафарбар этган содиқ ленинчи эди ва халқ ёдида ҳамиша шундай яшаб қолади.

Нарзулла АҲМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати,
доцент

Яқин-яқинларгача Ҳамид Олимжон номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд область Ўзбек Давлат драма театри республикамизнинг пешқадам ижодий коллективларидан бири саналарди. Ҳатто уни, Ҳамза номидаги Академик драма театридан кейинги иккинчи драма театри, деб эътироф этишарди.

Бунинг сабаби шунда эдики, театр коллективи бундан ўн беш-йигирма йил муқаддам Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарлари билан бир қаторда В. Шекспир («Отелло»), А. Островский («Сепсиз қиз»), Н. Гоголь («Ревизор»), М. Горький («Мешчанлар»), К. Чапек («Офат»), Нозим Ҳикмат («Сигир») сингари классик санъаткорларнинг асарларини ҳам саҳналаштириб, узоқ йиллар давомида томошабинга манзур этиб келди. Бу спектаклларнинг аксариятини ўша даврда театрга режиссёрлик қилган Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Содиқова, истеъдодли ёш ижодкор М. Толипов саҳналаштирган эдилар. Таъбир жоиз бўлса, ўша йиллар театрнинг гуллаб-яшнаган даврлари бўлган эди.

Санъатга, саҳнага бўлган муҳаббат, садоқат туфайли шароитнинг оғирлиги ҳам билинмади. Гап шундаки, мана йигирма беш йил бўлаяпти, театр ўзининг муқим биносига эга эмас. Илгарилари ҳам ҳозиргидагидек спектакль кўрсатиш учун махсус саҳна йўқ эди. Аммо театр коллективи нолимасдан, аксинча фаоллик билан Самарқанд Опера ва балет театрида, А. П. Чехов номидаги Рус драма театрида, шунингдек, шаҳар ва областнинг йирик маданият саройлари саҳналарида ўз спектаклларини мунтазам кўрсатиб келди. Ўзининг мавжуд имкониятларидан фойдаланиб, йирик, ғоявий ва бадиий етук саҳна асарлари яратди, ижодий ҳамда молиявий планларини доимо бажарди. Шароитнинг нобоплигига қарамай, З. Содиқова драматургларни театрга жалб этиш, улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш, репертуарга янги, оригинал асарлар олиб кириш, истеъдодли ёш актёрларга устозлик қилиш, уларнинг профессионал маҳоратини ошириш, истеъдодининг янги қирраларини очишдек муҳим масалаларга алоҳида эътибор бериб келди. Натижада «Кўнгли ёш қариялар» (Шуҳрат), «Ўттиз ёшлилар» (М. Бобоев) сингари асарлар дастлаб шу театр саҳнасида пайдо бўлди. Уларда Т. Қурбонов, К. Муслимова, Б. Тожиев, Р. Мукимов, Г. Нурхонов, Р. Жўрақулова, Ш. Самандаров, Т. Пардаев, А. Каримов каби санъаткорларнинг ижрочилик маҳорати янада такомиллашди...

1979 йилнинг бошларида театрга Т. Исроилов бош режиссёр, Ҳ. Акбарова эса навбатчи режиссёр қилиб тайинланди.

Янги бош режиссёр ўз фаолиятини аввало коллективни «истеъдодсиз» шахслардан «тозалаш»дан бошлади. Олти йил давомида йигирмага яқин киши маъмуриятнинг буйруқбозлиги, тазйиқидан безиб театрдан кетди ёки кетказилди. Улар орасида Т. Қурбонов, З. Содиқова, К. Муслимова сингари талантли санъаткорлар, М. Орзиева, Т. Усмонов, Ҳ. Мингноров, А. Орзиев каби истеъдодли ёшлар бор эди. Республикада хизмат кўрсатган артист Г. Нурхонов сингари етакчи актёрлар эса, бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлдилар. Ачинарлиси шундаки, театрдан кетиб қолганлар орасида маҳорат палласига етишган, томошабин эътирофи ва ҳурматини қозонган ёркин истеъдодлар бор. Шулардан бири Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Қурбоновдир. У театрдан кетганида (1982 йилда) қирқ беш ёшда эди. Ҳозир ҳам қаҳрамонона романтик руҳдаги образларни яратишда театрда унга тенг келадиган актёр йўқ, десак, муболаға бўлмайди. Карл Моор, Эзоп, Отелло, Улуғбек каби ўнлаб ажойиб образлар яратган шундай актёр беш йил театрдан четда юрди. Унинг театрдан нима сабабдан кетиб қолгани билан ҳеч ким қизиқмади ҳам.

Табиийки, театр ана шундай «истеъдодсиз» актёрлардан «тозаланган»дан кейин, репертуардаги деярли ҳамма спектакллар ўз-ўзидан саҳнадан тушиб кетди. Театрда «янги» репертуар «сиёсати» бошланди. Аввало театр илгаригидек йилига беш-олти асарни эмас, икки-уч асарни саҳналаштирадиган бўлди. Саҳналаштирилган спектаклларнинг асосий қисмини комедиялар ташкил этди. М. Раҳматуллиннинг «Ажал қувлаганда», А. Иброҳимовнинг «Соқчи» ва «Тусмол», А. Папаяннинг «Чет эллик куёв», Исфандиёрнинг «Ишонмасанг, ўламан» ва «Отасининг қизи» И. Султоннинг «Оилавий сир», А. Арбузовнинг «Бечора Марат», И. Отақуловнинг «Қамашган кўзлар», Т. Мирзанинг «Сочидан салом» каби комедиялари шулар жумласидандир. Улар қайта-қайта қўйилиб, молия плани ва актёрларнинг нормаси бажарилишига ҳаракат қилинди. Шу давр ичида Б. Брехтнинг «Кураж момо ва унинг болалари», «Сичуанлик одам», Н. Ҳикматнинг «Сигир», М. Шайхзоданинг «Улуғбек» асарлари ҳам репертуардан ўрин олди. Бу асарлар Т. Исроиловнинг ижодий биографиясини безаш учунгина хизмат қилди, десак, хато бўлмайди. Чунки, бу асарларнинг постановкаси томошабинни қониқтирмади, режиссурасининг ночорлигидан актёрларнинг профессионал маҳоратини оширишга ҳам айтарли хизмат қилмади. Томошабин келмагани учун бор-йўғи икки-уч мартадан кўрсатилди-да, репертуардан тушиб кетди.

Юқорида зикр этилган спектаклларнинг бирортасида ҳам бадиий яхлитликка эришилмади, кўпчилик образларга чуқур психологик ҳолат етишмади. Масалан, Б. Брехтнинг умуминсоний фалсафаси ҳар иккала спектаклда ҳам юзаки ҳал этилди. Натижада мазкур спектаклларнинг ҳар бирига давлатнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланганига қарамай, саҳнада узоқ яшай олмади, томошабиннинг диққатини тортмади.

Комедиялар театрнинг асосий «прокат фондига» айланиб қолди. «Даромадли» спектакллар репертуар сиёсатини белгилайдиган бўлди. Улар кўчма кино сингари тўғри келган жойда кўрсатиларди. Даромад келтирса бас эди. Спектаклларнинг ғоявий ва бадиий савияси билан ҳеч ким қизиқмади. Комедиялар ҳам биринкетин саҳнадан туша бошлади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, театр кейинги уч йил давомида бирор марта ҳам ўз мавсумини расмий очолмади.

Репертуарга путур етгани молиявий ишларга ҳам сезиларли таъсир қилди: йилдан-йилга планларнинг бажарилиши қийинлашди. Оқибатда Самарқанд область маданият бошқармаси, шахсан Н. Ербобоевнинг ўзи гўё қиладиган бошқа иши йўқдек, мавжуд спектаклларга билет тарқатиш билан шуғулланишга мажбур бўлди. Чунки, уни раҳбар сифатида театрнинг ижодий тақдири, кундалик ҳаёти эмас, молиявий планнинг бажарилишигина қизиқтирарди, холос.

Ҳозирги даврда мазкур театр репертуарида атиги уч-тўрт спектакль қолди, холос. Улар ҳам қайта-қайта кўрсатилавериб, томошабинларнинг меъдасига тегди. Мавжуд спектаклларнинг ҳаммаси комедия. Ҳатто Ш. Бошбековнинг «Тақдир эшиги» лирик драмаси ҳам енгил комедияга айлантирилиб, саҳналаштирилди.

Репертуар йўналишининг бирёқламалиги, яъни театрнинг фақат комедия жанрига берилгани коллективнинг ижодий имкониятини чеклаб қўйди. Театр шундай аҳволга тушдики, бир вақтлар жаҳон классик драматургиясининг нодир асарларини ўз саҳнасида муваффақиятли қўйган коллектив эндиликда бир пардали асарни зўрға уддалайдиган бўлиб қолди.

Гап жанрда эмас, албатта, аммо репертуарда сақланиб қолган бу спектаклларнинг бадиий савияси, режиссёрлик талқини томошабин талабига мутлақо жавоб бермайди. Масалан, И. Отақуловнинг «Қамашган кўзлар» спектакли (режиссёр Ҳ. Акбарова) ўтакетган ҳаёсизликдан бошқа нарса эмас. Ахлоқсиз аёл ва унинг найранглари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асарда ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат ўртасида ҳеч қандай уйғунлик йўқ. Томошабин кулади-ю, лекин ҳеч қандай маънавий озуқ, таълимий фикр ололмайди.

«Сочидан салом» комедиясида эса (режиссёр М. Исроилов) социалистик турмушимизга ёт салбий типларга қарама-қарши турган бирорта ижобий фактор йўқ. Асарда бир гуруҳ савдо ходимларининг ярамас кирдикорлари кўрсатилади. Воқеа туш шаклида берилган. Асар қаҳрамони Мурод уйқусидан қўрқиб уйғонади. «Борди-ю тушим ўнгидан келса, унда нима бўлади?» — дейди у. Ўнгидан келмаса-чи? Демак, унга ўхшаган ўғрилар сояда қолиб кетаверар экан-да, деган фикр туғилади кишида. Образлар ўзига хосликдан маҳрум, уларнинг маънавий қиёфаси, характери индивидуаллаштирилмаган. Ташқи кўринишдан фарқ қилса ҳам, бироқ мазмунан бир қолипда берилган. Мурод сингари юлғичларнинг жамиятимизда уни чиқишининг ижтимоий сабаблари очиб ташланмаган.

Театр бу хилдаги спектакллар билан қандай ғояни олдинга сурмоқчи, нима демоқчи? Аниқлаш мушкул. Улар социалистик реализм санъатидан, партиявийлик ва халқчиллик принципларидан узоқ, уларда типик характер ва типик муҳит тушунчаси умуман йўқ.

Ўз вақтида бу асарлар жиддий танқидга учради. Лекин театр ундан тегишли хулосалар чиқармади. Ҳозирга қадар репертуарда замонамиз руҳига ҳамоҳанг, кенг кўламли, катта муаммолар-

ЭГАСИ БОРМИ?

Театр

ни ўз ичига олган, ғоявий ва бадиий жиҳатдан мукаммал ишланган асар пайдо бўлмади.

Яқинда КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашувда М. С. Горбачев бундай деди: «Яна бир муҳим масала — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги тўғрисидаги масаладир. Турмушимиздаги мана шу жуда катта воқеани ёритишни яхшилаш керак. Октябрь фарзандларимиз, бугунги жамиятимиз эса Октябрдан кейинги 70 йиллик ривожланиш самарасидир. Бу — бизнинг муштарак мулкимиз, бу — инсоният тарихида бурилиш нуқтаси, янги дунё сари олиб борувчи йўлдир».

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини нишонлашга шундай катта эътибор берилаётган бир пайтда театр бу муқаддас санага бағишлаб ҳозирга қадар бирорта муносиб спектакль ярата олмади.

Хўш, театрнинг ижодий фаолияти шундай аҳволга тушиб, инқирозга юз тутди, нега энди театр партия ташкилоти, бадиий совети томошабиндек четда қўл қовуштириб ўтирибди? Ахир, театрнинг тақдири учун ҳар бир коммунист, ҳар бир коллектив аъзоси қайғуриши, жонбозлик кўрсатиши керак-ку! Ижодий коллективнинг умумий мажлисида репертуар, уни бойитиш, спектакларнинг ғоявий ва бадиий савиясини ошириш, режиссура ва актёрлик маҳоратига доир муаммолар муҳокама қилинмади, театр раҳбарлари, цех бошлиқлари, айрим коммунист ёки санъаткорнинг ҳисоботини тинглаш, шунингдек, театрнинг кундалик ижодий фаолиятига боғлиқ муҳим масалалар кейинги йилларда бирон марта атрофлича, жиддий кўриб чиқилмади. Онда-сонда муҳокама қилинганлари ҳам амалда бирор чора кўрилмай қоғозда қолиб кетди.

Самарқанд область маданият бошқармасининг бадиий совети ойма-ой ўтказиб туриларди. Лекин бу йиғилишларда ижодий проблемалар четлаб ўтилиб, асосан театрларда молиявий планларнинг бажарилиши ҳақида гап борарди. Бошқармага театр ходимларидан тушган хатларнинг аксарияти чуқур текширилмай хаспўшланган ёки театр маъмурияти ихтиёрига йўлланган. Натижада мактуб ёки аризада кўтарилган масалалар амалга ошмай осилиб қоларверди. Бу ҳолни қарийб бундан бир йил муқаддам Самарқанд область театр жамияти бўлимининг ижодий конференциясида қатнашган Р. Жўрақулова, Т. Пардаев ва бошқа актёрлар сўзга чиқиб, тасдиқладилар. Нотиқларнинг айтишларича, театрнинг оғир аҳволга тушиб қолгани ҳақида ўз вақтида Самарқанд область ва шаҳар партия комитетлари, шунингдек, республика Маданият министрлигига мактублар йўлланган, лекин улар эътиборсиз қолдирилган.

Ўтган йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Театр арбоблари союзининг пленумида ҳам театрнинг аянчли аҳволи ҳақида жиддий гапирилган эди. Сўзга чиққан Т. Қурбоновнинг айтганларидан шу нарса аён бўлдики, яқин орада Самарқанд область ва шаҳар партия комитетлари театр фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганмаганлар, махсус масала сифатида бирор марта бюрода жиддий муҳокама қилмаганлар, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг коллегиясида ҳам театр аҳволи атрофлича кўриб чиқилмаган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1978 йилда «Самарқанд область партия комитетининг маданият ва санъат муассасаларини бошқариш тўғрисида» қабул қилган қарори эса унутилди. Ҳолбуки, унда Самарқанд областидаги ижодий ташкилотлар, жумладан, театр коллективларининг фаолиятини яхшилаш борасида аниқ ва амалий кўрсатмалар берилган эди. Афсуски, ана шундай эътиборсизлик, лоқайдлик ҳам театрнинг чўкиб қолишига сабаб бўлди.

Кўпчилик актёрларнинг изоҳича, Т. Исроилов билан Ҳ. Акбарова театр оғир аҳволга тушиб қолганидан кейин Самарқанддан кетдилар.

Умрида бирорта яхши спектакль қўйлмаган Ҳ. Акбарова ҳозир Тошкентда А. Н. Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтида талабаларга актёрлик маҳоратидан дарс бераяпти. Т. Исроилов эса Ҳамза номли Академик драма театрига постановкачи режиссёр қилиб тайинланган. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг бу сахийлигига ҳайрон қоласан киши. Бу манзара ҳозирги даврда кадрларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва улардан тўғри фойдаланиш хусусидаги партиявий принципга тўғри келармикин? КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми, партиямиз XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шу йилги Январь ва Июнь пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорларида меҳнат коллективларининг ишини яхшилаш масаласи алоҳида таъкидланди. Республика Маданият министрлигига етук бир театр коллективини тушкун аҳволга солиб қўйган раҳбарни жиддий тартибга чақириб, театрнинг аввалги мавқеини тиклаш вазифасини зиммасига юклаш ўрнига Т. Исроиловни рағбатлантирганини қандай тушунмоқ керак? Мана, қарийб бир йилдирки, Самарқанд область театри коллективининг бош режиссёрсиз ишлаётгани ҳеч кимни ташвишлантираётгани йўқ.

Сўнгги йилларда бу санъат даргоҳида беш марта директор ўзгартирилди. Маълумки, Коммунистик партиямиз ҳар бир меҳнат коллективини ташкилотчилик қобилиятига эга, маъмурий ва молиявий ишларни яхши биладиган, шу соҳанинг малакали мутахассиси бошқариши зарурлигини доимо уқтириб келади. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Январь ва Июнь пленумларидан кейин бу масалага янада жиддийроқ эътибор берилмоқда. Аммо театрнинг директорлик лавозимига кўп ҳолларда театр санъатидан мутлақо йироқ кишилар тайинланаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Шунинг учун ҳам улар фақат театрнинг молиявий плани ҳақида бош қотирадилар-у, асосий масала, яъни ижодий проблемаларни ҳал этишга эътибор бермайдилар. Ҳолбуки, театрнинг ўзида коллективни бошқара оладиган тайёр кадрлар мавжуд. Шулардан бири — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Нурхоновдир. У шу коллективда ўсиб-улғайди, истеъдодли актёр ва режиссёр бўлиб етишди, неча йиллар давомида шу театрнинг партия ташкилотини бошқарди, театр санъати ва молия соҳасида махсус олий маълумотга эга, ташкилотчилик қобилияти ҳам бор. Фикримизча, театрга ана шундай ҳар томонлама етук кишилар раҳбарлик қилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг шу йилги Январь пленуми, шунингдек, М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари ва ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашувида сўзлаган нутқи барча ижодкорлар олдига катта вазифалар қўйди, мавжуд камчиликларимизни очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Жумладан, театр маданиятимизни янада юксалтиришга даъват этди. Бу эса партия ва совет ташкилотларидан театр ишига, шу мўътабар анжуманда қайд этилганидек, қоғозбозлик, қуруқ рақамлар ва ортиқча фармойишлар билан қарашни эмас, кўпроқ кундалик ғамхўрликни, доимий раҳбарликни тақозо этади. Республика маданият министрлиги, Самарқанд область ва шаҳар партия комитетлари ҳам бундан воқиф бўлсалар керак, албатта.

Фрунзе ЖЎРАЕВ,
санъатшунослик кандидати

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

БАЛИҚЧИНИНГ ОМАДИ

Одатда, балиқ овидан қайтиб келган ҳар бир балиқчи болаларига ва таниш-билишларига қўлларини кенг ёзганича улкан балиқни тутишига оз қолганини айтиб мақтанади. Бу гал аляскалик Роюю Гоулднинг ҳақиқатан ҳам омади келган экан. У 168 килограммлик оқ қанотли палтус (камбаланинг бир тури)ни тутишга муваффақ бўлди. Бу воқеа балиқ тутиш бўйича ўтказиладиган йиллик мусобақа пайтида содир бўлди. Баҳайбат палтуснинг узунлиги 2,5 метрдан иборат. Маълум бўлишича, бу ҳам рекорд ҳисобланмас экан. Бундан бир неча йил аввал худди мана шундай мусобақа пайтида балиқчилардан бири 200 килограммлик улкан балиқни тутишга муваффақ бўлган экан!

ҚЎРҒОНДАГИ ТОПИЛМА

Азов ўлкани ўрганиш музейининг археологик экспедицияси қатнашчиларига омад кулиб боқди.

Олимлар жуда ҳам бой қадимий хазинани очишга муваффақ бўлдилар: Тилладан ясалган 1.300 та кўкрак нишони, Гераклнинг расми туширилган тўртта узук, Артемида маъбудалари, сердолик (ярим қимматбаҳо тош), маржон, халцедон (кварц ёки чақмоқтошнинг бир тури бўлган қимматбаҳо тош) ва Миср чиннисидан ясалган тақинчоқлар... археологларни хурсанд қилди.

Қизиғи шундаки, бу буюмлар дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган экан. Топилмалар орасида Болтиқбўйи каҳрабоси, Ҳинд океанидан терилган маржонлар ва бронзадан ясалган юнон идишлари мавжуд.

НЕФЕРТАРИ ҚАБРИДА

Фиръавн Рамзес иккинчининг хотини — қадимги миср маликаси Нефертари қабрини тиклаш ишларининг биринчи босқичи якунланди. Усталар мақбаранинг ички қисмини мустаҳкамладилар ва ундаги ўта санъаткорлик ҳамда ёркин бўёқларда ишланган ёзув-чизувларни тиклашга киришдилар. Сағана қулаб кетиш хавфи туғилганлиги сабабли 1945 йилдан то тўла-тўкис таъмир қилингунга қадар ёпиб қўйилган эди.



Суратда: таъмирчилар малика Нефертари мақбарасидаги нодир суратларни тикламоқдалар.



Тўй кечаси

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

ҲИКОЯ

Кечки соат ўнларга яқин қўнолға уйда «маишат» қилиб ўтирган йигитлар ўринларидан қўзғолишди, Сафарни ўртага олишиб, келин тарафга жўнашди... Келиннинг уйи пастда, сойнинг нариги бетида. Тўйхонага яқинлашган сари Сафарнинг тиззаларидан дармон кетиб, ҳаяжон оғушида титрарди. Ўнг ёнида келаётган Латиф буни сезиб, бардам бўл, деган маънода билагини қисиб қўйди.

Дарвозадан киришгач, йигитлар ҳовлида қолишди. Сафар уч нафар куёв жўраси ҳамроҳлигида чимилдиқли уй томон юрди. Уй тўла хотин-халаж. Ҳаммани кўзи уларда. Йигитлар қимтинишиб тўрга ўтишди-да, қаддиларини таъзимга эгиб, қатор туриб қолишди. Таомилга кўра ўтириш мумкин эмас. Ҳаял ўтмасдан ўртадаги дастурхонда турли мева-чева тўлдирилган тўққиз товоқ пайдо бўлди. Куёвжўралар чўнтак кавлаб, товоқларга пул ташлашди. Шундан сўнг қандайдир бир эпчил хотин, келиннинг совғаси, дея йигитларга каштали рўмолча улашиб чиқди. Товоқдаги нарсалар белбоққа тугилгач, куёвжўралар Сафарни холи қолдиришди.

Сафар тўй ташвишлари билан бўлиб анча толиққан эди, бу ишларни хира туман ичида кўрарди. Бир пайт туман орасида келин пайдо бўлди. Уни тўрт қиз кўрпачага солиб келарди. Сафар довдираб қолди. Шунда аёллардан бири қулоғига шивирлади: «Кўп анқаймай, келинни кўтариб олинг, куёвтўра!» У шошқалоқлик билан қизни ердан узаркан, қўнолға уйда йигитлар роса қулоғига кўйган гапга амал қилиб, қизнинг оёғини босди. Қаттиқроқ босди шекилли, қиз оҳиста «вой» деб юборди. Бу орада очиқ деразалардан сочқилар сочилиб, уй ичи тўполон бўлиб кетди. Сўнгра келин-куёвга икки кампир рўбарў бўлди. Улар нима деди, Сафар эшитмади, эшитадиган ҳолда эмасди у... Бир оздан сўнг «кўрпа ёпди» маросими бошланди: кампирлар ёстиққа бош қўйиб уйқуга кетган бўлдилар. Келиннинг янгаси уларни қарама-қарши ўтирғизиб қўйиб, устларига янги атлас кўрпа ташлади.

Қоронғида Сафар сархуш ҳолатда қизнинг қўлидан тутди. Бир бўса олмоқни чандон истаса ҳам ўзини тийди, қизнинг соч-ларини авайлаб силаб қўйиш билан чекланди. Зеро, у тўйгача худди шу нарсани жуда-жуда орзу қилган эди. Мана, маҳбубаси шундоқ қаршисида, лекин ўртада ҳаё деган нарса девор бўлиб турарди. Ундан ошиб ўтишга Сафар ўзида журъат топмади. Аммо ҳазил гап қилишдан ўзини тиёлмади.

— Қочиб юриб-юриб, охири қўлга тушдинг-ку, Адолат?! — деди кулиб.

Бу тўйгача қизнинг учрашувга чиқмай, қочиб юришига шаъма эди.

Қиз уялиб, баттар бошини эгди.

У Адолатга тўсатдан ошиқ бўлиб қолганди...

Ёзнинг бошлари эди. Сафар ҳовлисида машинасини тузатиб бўлиб, чўмилгани сойга тушди. Икки чети тоғолча ва мажнунтол билан қопланган жўшқин сой қишлоқни қоқ иккига бўлиб оқарди. У сувга энгашаётиб, нариги қирғоқда, катта тош устида хаёлчан ҳолатда соч ўриб ўтирган Адолатга кўзи тушди. Қиз тўлқинларга маҳлиё бўлгандай ўтирарди, бир ўрим сочи кўкси оша сувга тушиб турарди. Эгнидаги қизғиш чит кўйлаги қоя чўққисига тегиб тебранар эди, офтоб нурида қирмизи тусда товланар эди. Қизғиш ранг чеҳрасига ҳам урганди. Қиз ғоятда кўҳлик эди. Сафар буни илк бор пайқади. Сувга қўлини узатган кўйи ундан кўзини узолмай қолди.

Шу пайт Адолат илкис бошини кўтарди. Йигитга кўзи тушиб, қизаринди. Қўлидаги соч ўримини ошиғич ортига ташлади, тезгина ёқасини тузатди. Бу аснода қизнинг юзидан иффатли табассум аримади. Адолат тошдан сирғалиб тушаётиб, Сафарга бир лаҳза сирли ва хумор қараб қўйди. Мана шу нигоҳ йигитни адойи тамом қилди... Қиз сув тўла челакларини кўтариб, ёлғизоёқ сўқмоқдан тепага ўрлади. Узун ва кенг кўйлаги бўлиқ қоматини йигитнинг кўзларидан яширолмади. Қизнинг икки ўрим сочи сўқмоқ бўйидаги янтоқларни сийпалаб борарди...

Сафар уйга ғалати кайфиятда қайтди. Ҳовли супураётган синглиси ёнида тўхтаб, хийла вақт сукутда турди. Кейин йўталиб деди: «Ойша, бу... Адолат дугонанг катта қиз бўп қоптими?!» Синглисининг кўзларида сирли кулги пайдо бўлди. Сафар хижолат тортиб чекинди.

Синглиси — фаросатли қиз, ниманидир баҳона қилиб, шу заҳотиёқ дугонасининг олдига жўнади...

Синглиси ўртада қанчалик воситачилик қилмасин, у Адолат билан холи учрашолмади, худди кинолардагидек, сой бўйларида қўлтиқлашиб юролмади, кўзларига тикилиб, севаман, деб айтолмади. Бундан баъзан қаттиқ жаҳли чиқди: «Раз, кўнгли бор экан, ноз қилмай чиқавермайдими?» Охири анчадан буён бошини гаранг қилиб юрган онасига муддаосини айтди. Онаси амакисига етказди. Кўп ўтмай, тўй куни ҳам белгиланди.

Мана энди севгани шундоқ қаршисида... Сафар Адолатнинг иккинчи қўлини тутганча бўлмай, «кўрпа ёпди» маросими ниҳоясига етди. Ҳалиги икки кампир кўзларини уқалай-уқалай «уйқу»дан туришди. Бири кўрган тушини таъриф этишга тушди:

— Кечаси ухлаб бир туш кўрибман, бошимда бир қуш кўрибман. Кечаси кўрган тушларим тўй-томоша бўлсин, бошимда кўрган қушим куёвга тожи-давлат бўлсин.

Иккинчи кампир ҳам, минғирлаб, худди шундай туш кўрганини айтди. Ўтирганлар жўр овозда куёв-келинга бахт-саодат тилади. Шаддодроқ бир хотин ҳазил-ҳузил билан Сафарни эшиккача кузатиб қўйди.

Сафар энди куёвжўралари билан уйга қайтмоғи ва ўша ерда келинни кутиб олмоғи лозим эди. У эшикдан чиқиб, кўчада Латифга дуч келди.

— Жўра, иш чатоқ, — деди Латиф.

— Нима гап?

— Соли кетиб қопти.

— Бўлиши мумкин эмас, — деди Сафар ишонгиси келмай, — ахир, ваъда берган эди-ку.


— Пул чиқадиган бўлса, ҳар қандай ваъдага тупуради у, — деди Латиф сўкиниб. — Ишонмасанг, ана Аҳмад калладан сўра. — У ортига ўгирилиб қичқирди. — Аҳмад, бу ёққа ке!

Нарида тўда бўлиб туришган йигитлар тўпидан бир ўсмир ажралиб, уларнинг ёнига келди.

— Мана бунга ўзинг айт! — деди Латиф куйиниб. — Менга ишонмаяпти.

— Соли ака Тўра бовонинг ёнғоғини шаҳарга олиб кетди.

Сафар атрофга бесаранжом аланглаб, ёмон сўкинди. Бу орада йигитлар келиннинг сепини ташиб чиқишаётган эди. Келин-



Ҳ. Лутфуллаев чизган расм.

нинг янгаси ҳовлиқиб келди.

— Машина қани?

— Ҳозир бўлади, — деди Латиф.

— Хай, бўлар иш бўпти, — деди Сафар. — Бориб машинани опкелай.

— Нима? — Латифнинг кўзлари олайиб кетди. — Ўз тўйингга ўзинг... нима, дўстларинг йўқми ё ўлиб кетганми? Қани, калитни бу ёққа чўз! Машинани ўзим олиб келаман.

— Ҳайдашни билмайсан, Латиф, — дея эътироз билдирди Сафар.

— Хотиржам бўл, бир амаллайман.

— Эҳтиёт бўл, йўл ёмон-а.

— Э, кўп гапирма! — Латиф унинг машинасини ҳайдаб келгани чопқиллаб кетди.

Сафар йигитлар даврасида йўлга тушди. Унинг бояги сархуш кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. Эҳ, аттанг, Солидан бу қадар номардликни кутмаган эди. Ич-ичидан аламга ўхшаш нимадир хуруж қилиб кела бошлади. Шунда беихтиёр, ғоят азият чеккан кезларда айтадиган гапини айтиб юборди:

— Ҳаммамиз бир элатнинг боласи... унинг қилган қилиғини қаранглар-а, ув-в, номард!

У бу гапни отасидан хотира қилиб олган эди.

Отаси қишлоқ юқорисидаги тегирмонни юритарди. Еноқ суяклари туртиб чиққан, чўққисоқол, қотма, новча киши эди у. «Тегирмон навбати билан», деган ибора отасининг иш тартибида аниқ маъносини топганди. «Тегирмон шундай жойки, — деярди у, — бу ерда кимнинг қанақалиги дарҳол маълум бўлади». Отаси кундузлари тегирмон дўлини бугдойга тўлдириб қўйиб, эшик ёнидаги супада келувчиларни кутиб, кузатиб ўтиришни яхши кўрарди. Тегирмонга ён атрофдаги барча қишлоқ одамлари келарди. Тоғда бундан бошқа тегирмон йўқ эди.

Мана, узун сўқмоқ бошида қоп ортилган эшагини олдига солиб келаётган кимса кўринди. Отасининг кўзаларида қизиқиш пайдо бўлди: «Ким бўлди экан бу мардум?» Эшакли яқин келиб салом бермагунча, у ўрнидан жилмайди. Кейин илдам туриб, қопни туширишга кўмаклашадида, маънодор оҳангда, хўш, деди. Агар келувчи, қачон келай, деб сўраса, отасининг юзлари яшнаб кетади: «Бир пиёла чой ичиб, тўрт оғиз гурунг бериб кет», деб қўярда-қўймай супага таклиф этади. Бордию ҳалиги одам донини навбатдан ташқари тортиб беришни илтимос қилса, отасининг жаҳли чиқиб, кўзлари истеҳзоли қисилади: «Тегирмон навбати билан» деган гапни эшитмаганмисан, отанг айлангур, — дейди. — Е сенинг бошингда бўртиб чиққан шохинг борми? Бўлса, кўрсат! Ҳаммамиз бир элатнинг боласи... гапирган гапингни қара-я!» Албатта, ҳалиги одам ҳам бўш келмайди, ниманидир баҳона қилади. Шунда отаси тегирмондаги қопларга ишора қилади: «Шунча одамни назар-писанд қилмай босиб ўтмоқчимисан, ноинсоф? Қайси виждонинг билан шу гапни гапираяпсан?! Бор, жўна! Бир ҳафтадан кейин келасан».

Отаси бошқалардан ўзини устун қўювчи ўша ноинсофни шу тарзда тузлаб жўнатгач, ёнида ўралашиб юрган Сафарга дерди: «Ўғлим, кўриб қўй, дунёни мана шунақалар бузади! Булар фақат ўзим бўлай дейди. Тегирмонга навбатсиз суқилмоқчи бўлган одамнинг ё диёнати кертилган бўлади, ё пули кўпайган. Диёнатсиз одам... э-э, бу ёғини, улғайсанг, ўзинг тушуниб олаверасан. Лекин ҳеч маҳал буларга бўш келма, болам! Бўш келсанг бўлмайди, дунё бузилиб кетади!»

Сафар — бола, аллақандай бир одамни дунёнинг буза олишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмасди. Бу ҳақда суриштириб ҳам ўтирмасди. «Тегирмончи бўлсам, мен ҳам буларни қўймайман», деб ўйларди. Аммо отасининг касби унга насиб этмади. Отасининг ўлимидан кейин тоққа йўл тушиб, одамлар магазин унини ейдиган бўлишди. Тегирмон бузилиб кетди.

Сафар, одамларга нафи тега бошлагач, отаси айтмишли, диёнати кертилган одамларнинг қанчалик даҳшатли бўлишини баъзи бир кишиларнинг хуфия ишларида кўра бошлади. У — қишлоқнинг қўл-оёғи: кимга ўтин керак, кимга бошқа нарса — илтимос қилиб келган кишидан ёрдамини аямайди. Лекин кимдир шуни ҳам кўролмай, Сафар шофёр ҳар куни кира қилади, деб юқорига ёзиб берибди. Совхоз раҳбарлари Сафардан машинани олиб қўйишди. Бироқ унчамунча машина чидаш беролмайдиган тоғ йўлларида юрак ҳовучлаб юришга, вақт-бевақт одамларнинг ҳожатини чиқариб туришга кимда тоқат бор дейсиз. Кўп ўтмай машинани унга қайтариб беришди. Шу-шу, яна одамларнинг ҳожатини чиқариб юради...

У ҳозир Соли шофёрнинг бугунги қилиғини одамийликнинг ҳеч қайси ўлчов-андазасига сиғдиролмай, газабдан бўғриқиб борарди: «Тааққуб, бунақа нокаслар қайси гўрдан пайдо бўлади?! Наҳотки, нафс деган бало одамгарчиликдан шу қадар устун турса?! Эҳ-ҳ, қани энди иложи бўлса-ю, ўшалар ўрмалаб чиқадиган уянинг оғзини бир чангал лой билан суваб ташласанг!»

Уйига етганида унинг хаёли чалғиди. Кўча бўйида тўхтаб, пастга назар ташлади. Латиф ҳайдаб тушган машина тўйхона эшигида турар, ёш-яланглар унга келиннинг сепини юклашмоқда эди. Ана ҳамма иш саранжом топиб, келин янгаси кўмагида кабинага чиқди. Машина оғир гуриллаганча, биринчи тезликда йўлга тушди. Латиф ўргамчик шофёр, бундан ортиқ тезликда ҳайдаёлмайди.

Машина айланма йўлдан тепага чиқиб келгунча, Сафар юрагини ҳовучлаб ўтирди. Бир хаёли югуриб бориб, Латифдан рулни тортиб олмоқчи ҳам бўлди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Негаки, қишлоқ одатига кўра: келин олиб келарга куёвнинг ўзи иштирок этса, у дўстсиз, нотавон кимса ҳисобланади.

Машина дарвоза қаршисида тўхташи ҳамон ёшлар келиннинг бўҳча ва тугунларини уйга ташимоққа тушдилар. Кўча юзида катта гулхан қилиниб, қўй сўйилди.

Сафар одамларнинг кузатуви ва шовқини остида кабина эшигига яқинлашди. Аммо Латиф эшикларни қулфлаб қўйган эди.

— Тўн қани?.. — деди у кулиб. — Тўн кийдирмасанг, келинни бериш йўқ, жўра.

— Тўн сендан айлансин, жоним!

Аллақачон ҳозиру нозир бўлиб турган амма қўлидаги бекасам тўнни унинг елкасига ташлади. Латиф четга чиқди. Сафар эшикни очиб, келинни даст кўтариб олди-да, оловда гир айлантириб, оҳиста ерга қўйди. Келин ҳар қадамда таъзим бажо келтириб, қиз-жувонлар етагида уйга йўналди.

Сафар йигитлар қуршовида қўшниникига — қўнолга уйга ўтди. Оқшомги зиёфат қайта давом этди. Дастурхонга зира қўшиб пиширилган турли неъматлар тортилди... Сафар тўрдан, Латифнинг қаватидан жой олди.

— Сен шўрликка қийин энди, — деб тегишди Латиф. — Бирор соатлар маҳтал бўлиб ўтиришингга тўғри келади. Куёвжўра сифатида бир гапни тайинлаб қўйишга ҳаққим бор, чимилдиққа кирганингда зинҳор қўполлик қила кўрма...

Уй кулгига тўлди.

Сафарнинг томоғидан таом ўтмасди, у бўлғуси висол дақиқаларини зўр тоқат билан кутмоқда эди. Орадан бирон соатлар ўтгач, эшикда аммаси пайдо бўлди. Сирли кулимсираб, юр, дея боши билан ишора қилди. Сафар йигитларнинг беозор қочириқлари остида унга эргашди.

Деразаларидан нур порлаб турган уй эшигига етганда, бир кампир унинг йўлини тўсди.

— Куёв болам, бирпас сабр қип турасиз энди, — деди у лаблунжини йиғолмай.

Сафар уялиб нари кетди. Кейин енгил тортгани кўчага чиқди. Холи жой қидириб атрофга алангларкан, пастдан ошириғ чиқиб келаётган қорага кўзи тушди. Зеҳн солди: Расул олим.

Расул олим асли шаҳарлик бўлиб, совхознинг беш гектарча ерига аллақандай картошка навини экиб, илмий иш қилади. Шу боис қишлоқ уни «олим» деб атаяди. У қишлоққа ёшгина хотини билан келган. Ёқуб чавандознинг ҳарбийга кетган ўғли учун қурилган уйда туришади. Сафар уни самимийлиги учун ҳурмат қилади.

— Ҳа, Расул ака! — деб овоз берди.

Расул олим тўхтаб, тевараккa аланглади.

— Э, Сафаржон... тўйлар муборак! — деди унга кўзи тушиб. Овози ташвишли эди. Сафар унинг ёнига борди.

— Буйтиб бемаҳалда юрибсиз, тинчликми, ака?

— Янгангиз... янгангизни туғруқхонага олиб бориш керак... районга.

— Шунга шунча ташвишми, ака, — деди у. — Ана, олиб боринг, тўрт-беш момони олдингизга солиб.

— Кампирларга ишониб бўлмайди, Сафаржон.

— Ғани дўхтир-чи? Нима, унгаям ишонмайсизми?

— Унингиз бош оғриққа анальгин беришдан бошқани билмайди...

— Хай, унда йўл бўлсин?

— Солижоннинг олдига... Йўқ демас.

— Солиникига? — Сафар оғир ўйга тушиб қолди. Чунки қишлоқда бор-йўғи иккита машина бор. Бири — унда, бири — Солида. Соли пул ишлагани шаҳар тушиб кетган. Сафар бошини қашиб, Расул олимга ночор қиёфада қаради. — Соли йўқ, ака...

— А?

— Соли йўқ дейман. Бориб ўтирманг.

— Энди нима қилдим, ука? — деди Расул олим довдираб.

Сафар бир зум ўйга толиб турди-да, сўнг хушхол оҳангда деди:

— Э-э, шуниям ўйлаб ўтирибсизми, ака! Мана биз бормиз!

— Нима деяпсиз, Сафаржон? — Расул олим ҳайратдан бир одим ортига чекинди. — Сизга... кейин нима бўлишини биласизми? Ҳар ҳолда биринчи кеча... Одатларингизни биламан... Сизни кечиришмайди.

— Кетдик, ака!

— Қўйинг, тентаклик қилманг.

— Ака, хафа бўлмайсиз, ёмон чучмал одам экансиз! — Сафарнинг ғаши келди. — Кетдик дегандан кейин, кетдик-да! — Бир одам ёрдамга муҳтож бўлиб турса-ю, биз хотинди қўйнида ётсак яхши бўлмайди-да... Бу бизнинг ақидага тўғри келмайди.

Улар бошлашиб машина ёнига боришди.

Куёвнинг тўсатдан ғойиб бўлиши уйдагиларни хавотирга солиб қўйди. Ҳар ким ҳар хил хаёлга борди. Йигитларнинг еган-ичгани бурнидан чиқди...

Бу пайтда Сафар қаватига Расул олим билан хотинини ўтказиб эгри-бугри тоғ йўлидан район марказига елиб бормоқда эди. Кўнгли батамом хотиржам тортган Расул олим уни алқарди.

— Сафаржон, чин сўзим, сиз дунёдаги энг соф одамсиз!

— Қўйинг, ака, янганинг олдида одамни уялтирманг, — деди у ўнғайсизланиб аёлга қараб қўяркан.

Аёл қўлларини қорни устига қўйганча миқ этмай ўтирарди.

— Рост, ука! — деди Расул олим овози товланиб. — Бу яхшилигингизни бутун умр унутмайман.

— Э!

— Яхшиям ўзингиз учраб қолдингиз. Солижон йўқ... Ҳар ҳолда эшигингизни қоқолмасдим. Ғани дўхтирга ишонишдан бошқа илож қолмасди.

Соли шофёрнинг номини эшитиб, Сафарнинг кайфияти бузилди.

— Мана сиз олим одамсиз, — дея салмоқ билан гап бошлади. — Икки йилдан бери янги картошка топаман деб, ер чўқилаб ётибсиз. Ўша топган картошкангизни яхшиям ейди, ёмон ҳам, тўғримми?

Босилган материалларимиз изидан

* * *

«Гулистон» журналининг 7-сонидаги «Қотилликка ёлланган врач» суд очеркига Ўзбекистон ССР Олий судидан жавоб олинди. Олий суд раиси ўртоқ С. Иигиталиевнинг жавобида шундай дейилади: «Суд очеркида Шоймардон Тўхтамишев ва Юсуф Ражабовларнинг ғараз ниятлар билан Ражабова Насибани ёвузларча ўлдириш ҳолатлари тўғри баён этилган. Жиззах область суди мазкур жиноят ишини кўриб чиқиб, ҳар иккала айбдорга нисбатан ҳам бирмунча енгил жазо белгиланганлиги тан олинди.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг назорат тартибида келтирган норозилиги (протест) бўйича Олий суд Президиуми ўзининг 1987 йил 7 июлдаги қарори билан Жиззах область судининг ҳукмини ва Олий суд коллегиясининг ажримини жазо енгиллиги сабабли бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўришга юборди. Мақолада билдирилган айрим мулоҳазалар ишни янгидан кўриб чиқиш пайтида назарда тутилади».

* * *

Мазкур мақола кенг журналхонларнинг эътиборини ўзига тортиб, уларда турли мулоҳазалар туғдирмоқда. Редакциямизга келаётган хатлар оқими ана шундан далолат беради.

«Қотилликка ёлланган врач» мақоласини ўқиб, юракларимиз ларзага келди, — деб ёзади Андижон областининг Пахтаобод шаҳрида истиқомат қилувчи шахсий пенсионер Б. Сиддиқов. — Ҳозирги адолатли замонамизда пули кўп бойваччаларнинг ҳар қандай қабиҳ ҳаракатларини тийиб қўйишга қонунларимизнинг кучи етади. Лекин, афсуски, баъзан инсонлик қиёфасини йўқотган, жамиятимизга номуносиб унсурларга ҳомийлик қиладиган кишилар ҳам учраб туради. Акс ҳолда ёвуз қотиллар Шоймардон Тўхтамишев ва Юсуф Ражабовларга расмий ташкилотлардан ижобий характеристикаларнинг берилишини ва бу сохта, ёлғон ҳужжатларнинг тегишли судлов органларига тақдим этилишини қандай изоҳлаш мумкин?! Очиғини айтганда, бу қабиҳ жиноят ишини кўриб чиққан судьялар ҳам назаримда ҳалол иш тутмаганлар. Қалбаки характеристикалар бериб, қотилларга «ёрдам қўли»ни чўзмоқчи бўлган ўша идораларнинг бошлиқлари тегишли ташкилотлар олдида жавоб бериши лозим. Ана шундагина уларнинг номуносиб ҳаракатлари бошқалар учун сабоқ бўлади».

Жиззахлик ўқитувчи Норхол Қураматова эса суд очерки бўйича қуйидаги фикрларни билдиради: «Врач Юсуф Ражабов ва пулдор «бойвачча» Шоймардон Тўхтамишевнинг разил қотиллиги ҳар бир софдил инсоннинг нафратини қўзғайди. Орамизда ўшанақа қабиҳ одамлар борлиги бизни ҳушёрликка ундайди. Шу топда Насиба сингари бўй кўрсатган қизларимизга асло пулдор бойваччаларнинг тузоғига илинишдан эҳтиёт бўлингизлар, уларнинг тилёғламаликларига сира-сира ишонмангизлар, ҳаётда авайлаб қадам босингизлар, дегим келади. Ахир, аёл кишининг шаъни, номуси пул билан, зеби-зийнат билан ўлчанмайди. Насибанинг фожиали қисмати, оқ халатини қотиллик қонига ботирган Юсуф Ражабовнинг мудҳиш қилмиши ўзгалар учун аччиқ сабоқ бўлиши керак».

— Хўш-хўш? — деди Расул олим қизиқсиниб.

— Энди-и, буям битта гап-да, ака, — Сафар муюлишда машина тезлигини камайтирди. — Шу дейман, янги картошканинг ўрнига баъзи бир одамларни инсофга келтирадиган дори ўйлаб топсангиз бўлмайдими, а? Чойигами, овқатигами озгина қўшиб берсанг, бирдан яхши одамга айланиб қолишса...

Расул олим кулиб юборди. Хотини ҳам мийиғида жилмайиб қўйди.

— Тўғри-да, — деди Сафар қизишиб, — шу баъзи бировлар қорни тўйган сайин... нима эди... одамгарчиликни, оқибатни унутиб қўяяпти...

— Оббо сизи-ий, дори денг? — деди Расул олим кула-кула.

— Ҳа, шундай дори керак, ака, — деди Сафар жиддий. — Бўлмаса, ёмонлар кўпайиб, дунё бузилиб кетади.

— Ташвишланманг, сиздай қалби пок одамлар бор экан, дунё ҳеч қачон бузилмайди!

Шу пайт машина тўсатдан пиқиллаб ўчиб қолди. Сафар ҳарчанд уринмасин, қайта ўт олмади. У рулни асабий чангаллаб, бир зум ўйга ботиб турди-да, сўнг сакраб пастга тушди. Енилғи бакини тепиб кўрди.

— Куни кеча тўлдириб қўйгандим-ку, — дея пўнғиллаб сўкинди.

Улар йўл ўртасида, тоғлар қуршовида ночор туриб қолишди. Катта йўлгача яна икки чақирим бор. Бу ерда ўткинчи машина кутиш бефойда. Устига-устак, кабинада ўтирган хотин тишлари орасидан инграшга тушди.

— Нима қилдик, Сафаржон?! — деб сўради Расул олим тўлғаниб.

— Билмадим, ака, — Сафар атрофга олазарак қаради. — Прибор ишламагач, шу-да, бензин бор-йўқлигини ҳам билмайсан.

— Приборни қўя туринг! — Расул олим унинг билагидан қаттиқ чангаллади. — Бирор йўлини топинг!

Хотин баралла қичқира бошлади. Сафар кабина томонга даҳшат билан қараркан, ботинмайроқ сўради:

— Ҳеч доялик қилганмисиз, ака?

— Нима бало, эсингизни едингизми?! — Расул олим бақириб юборди.

Бир пайт қаршидаги тик қоя юзига нур тушди. Кўп ўтмай дара тубидан машина овози эшитилди. Улар бараварига қийқириб юборди. Сафар югуриб бориб кузовдан челакни олди-да, йўл ўртасига чиқди.

Орадан бир неча дақиқа ўтмай, геологларнинг қудратли машинаси етиб келди. Тўхтади. Сафар кабинага тирмашиб, соч-соқоли ўсиб кетган шофёрнинг юзини ялагудай бўлиб, воқеани тушунтирди.

— Бензиним оз, — деди шофёр, — марказгача аранг етади. Яхшиси, булар мен билан кета қолишсин.

— Соқолингиздан айланай, шундай қилинг, — деди Сафар қувониб.

Машина жўнаб кетгач, Сафар челакни кўтариб катта йўл сари юрди. Боя машинага чиқа қолмаганидан ажабланди, ўзини, галварс деб сўкди.

Катта йўлда роса машина пойлади. Ниҳоят, ўткинчи бир машинадан бензин олиб, изига қайтди. Машинани ўт олдириб, тўғри район марказига ҳайдади.

Туғруқхонага етиб келганида соат учдан ошган эди. Машинани дарвоза олдида қолдириб, қоровулни тўнғиллатиб, ҳовлига кирди. Расул олим эшик қаршисидаги скамейкада букчайиб ўтирган экан, ёнига борди. Расул олим уни кўриб жилмайди.

— Ҳали ҳеч гапдан дарак йўқми, ака?

— Йўқ.

Шу билан жим қолишди.

Бир пайт эшик ғийқ очилиб, остонада чиройли ҳамшира пайдо бўлди.

— Жалолов! — деб чақирди у.

Расул олим шоша-пиша ўрнидан турди.

— Табриклайман, ўғил! — деди ҳамшира кулиб.

— Ўғил! — Расул олим титроқ қўллари билан чўнтак кавлай бошлади. — Ўғил денг!

Ҳамшира кириб кетгач, Сафар табриклагани унинг ёнига борганди, Расул олим бурила солиб, шартта уни қучоқлаб олди.

— Эшитдингизми, ўғил! — дея қийқирди.

— Табриклайман, ака!

— Исмини Сафар қўяман, укажон!

— Сафар? — Сафарнинг афти буришди. — И-и, шундан бошқа исм қуриб қоптими, ака. Исмим ўзимга ёқмайди...

— Бекор айтибсиз, дунёда сизнинг исмингиздан гўзал исм йўқ!

Улар ўзларида йўқ бахтиёр эдилар.

Сафар ҳориб-толиб қишлоққа қайтганида, тоғ боши оқара бошлаган эди. Машина овозини эшитиб, ичкарида эрталабки ошга сабзи тўғраб ўтиришган бир гуруҳ йигит югуриб чиқди. Ҳаммаси аламзада қиёфада, қўйиб берса, ургудек.

— Бир оғиз айтиб кетсанг, ўласанми, аҳмоқ.

— Қаёққа гум бўлганингдан боягина хабардор бўлдик.

— Яхши иш қилмадинг, жўра.

— Зиёфатнинг белига тепдинг.

— Ов, нима иш қилиб қўйганингни биласанми, ўзи?

— Ҳа, бунақаси ҳали қишлоқда бўлмаган.


— Айлантириб солсанг жағига!

Сафар ҳамма сўкиб ҳуморидан чиққанига қадар сукут сақлаб турди-да, сўнг тантанавор оҳангда эълон қилди:

— Расул олим ўғил кўрди!

Қаёқдандир амакиси келиб қолиб, тутақиб қичқира бошлаганди, Сафар унга ҳам ушбу хабарни айтди-да, ҳовлига кирди. Девор тагига ўрнатилган самовар ёнидаги тўнкага бориб ўтирди. Уйқусизликдан киртайган кўзларини келин тушган уйга тикди. Дераза пардаси хиёл очилганини пайқаб, хушнуд жилмайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллигига



Ҳажв устаси

АБДУЛЛА Қаҳҳор ўз ижодини ҳажвий асарлар ёзишдан бошлади. 20-йилларнинг ўрталаридаёқ у дин, хурофот ва унинг салбий урф-одатларини танқид қилишга киришди. Инқилобдан аввал рўзасини бузиб қўйган киши устидан гавғо кўтарилар, ўшаларга ўхшаш одамлар ой тутилганидан ваҳимага тушишар эди. Ой куйган чоғда томга чиқиб азон айтишади, занг чалишади, идиш-товоқ синдиришади. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган ёш Абдулла Қаҳҳор «Ой куйганда» номли юмористик шеър ёзади-ю, «Муштум»га йўллайди. Кўп ўтмай, бу кулги шеър журналда босилиб чиқади.

Абдулла Қаҳҳор ҳали ёш бўлишига қарамай, ой нимадан тутилишини яхши билади, бу ҳодисадан одамларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигига унинг ишончи комил, шу сабабли одамларнинг ваҳималари унга жуда кулгили туюлади. Адибга эски турмуш қолдиқларидан шундай ғолибона кулиш имкониятини янги ҳаёт беради.

Муаллиф асарларида қаҳрамоннинг таржимаи ҳолини, унинг тўла характерини сўзлаб ўтирмайди, мавзуни тўппа-тўғри воқеадан бошлаб, равшан характерли, типик деталлар яратади. Шунингдек, унинг тил воситаларидан усталик билан фойдаланиши характерни янада ихчам қилиб тасвирлашга хизмат этади. У бир неча сўз билан ҳодиса ё образни китобхоннинг кўз ўнгида кулгили гавдалантиради. Ҳар бир социал гуруҳнинг ўзига хос махсус ифодалар ишлатади, уларни ўз тили билан гапиртиради ва шу орқали характерни тўлиқ очиб беради. Жумлаларни содда тузади, мураккаб гап тузилишларидан ортиқча чийралган сўз ва оғир ифодалардан қочади. Унинг ҳикояларида сўзлар жой-жойига тушади, тасвирий воситалар енгил, содда, айни чоқда оригинал: «Ақл каллани бундай катта қилса ва бундай оғир бўлса,— дер эди у ичида,— Афлотуннинг ўз ажали билан ўлганига ишонмайман, уни албатта калласи босиб ўлдирган» («Башорат»). «Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас; боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди, холос» («Қизлар»). «Стендинг деган аллақандай бир драматург ўлар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: «Агар бутун жонивор-ларни худо яратган бўлса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдими» деган...» («Адабиёт муаллими»), «Фахриддин йўлда кетаётиб негадир дам кулар, дам бурнини артиб йўталарди» («Бошсиз одам»). Бу оддий сўзлар объектнинг характеристик чизгиларини тасвирий кўрсатади.

Китобхон Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг объективлигидан ҳайратланади. У ўқувчини насиҳат қилиш, уқтириш йўли билан эмас, балки бадиий образ орқали қулдиради. Ҳар бир ҳикояда қўйилган масаланинг ҳал қилинишини китобхонларнинг ўз ихтиёрига ташлайди. Ёзувчи тасвирлаётган персонажлари устидан ҳукм чиқармайди, воқеаларни ўзи кўрган холис гувоҳдек сўзлайди. Айни пайтда ҳар бир ҳикояда ёзувчининг муайян фикри, қараши, воқеаларга бўлган муносабати аниқ. Ундаги бадиий ният тўқималар ичидан туртиб чиқмайди.

«Тўйда аза» асарини олайлик. Ёзувчининг Мухторхон домлага берган характеристикасини қаранг:

— Мухторхон домла «ниҳоятда истараси иссиқ, ниҳоятда дилкаш чол, шу қадар дилкашки, уни кўрган киши ҳар фаслнинг ўз ҳусн-латофати бор деган гапни йил фасллари тўғрисидагина эмас, умр фасллари тўғрисида ҳам айтса бўлар экан деб қолади. Унинг битта-иккита қора тук чап бериб қолган оппоқ, чўққи соқоли... Ёпирим-ай, соқол ҳам одамга шунақа ярашадими-я!» Бу парчаларда ёзувчининг домлага берган баҳоси салбий эмас, ижобийдир. Бироқ воқеалар ривожи асосида китобхон тамоман бошқача ҳолни кўради. Бу ҳол маҳалладагилар назидда идеал кўринган домланинг уйланиш манзарасида ойдинлашади. Ҳажвчи адиб домланинг масхарали жиҳатларини тўғридан-тўғри эмас, балки маҳалла аҳлининг фикри-зикри орқали фош қилишга эришади. Олтмишни оралаб, етмишни қоралаган домланинг ёш қизга уйланиш ниятида қилган беўхшов пардоз-андозлари умумнинг кинояси орқали берилади: «Маҳалла аҳли не кўз билан кўрсинки бир кун домла... бутун маҳаллага ҳусн бағишлайдиган соқолини кирдирибди. Буни кўриб маҳаллада хафа бўлмаган одам қолмабди». Ҳамманинг оғзида «домла-домла» бўлиб юрган одамнинг бирданига ўзгариб, «икки шиша пива устидан юз грамм ароқни бир отиб, гулчидан гулдаста сотиб олиб, паркнинг орқасидаги жин кўчага кириб кетиши» одамларни ажаблантиради.

Абдулла Қаҳҳор ёш келиннинг ташқи қиёфасини тасвирлашда ҳажв кулгисидан мўл фойдаланади. Бу ерда ҳам ёзувчи мантиққа асосланади. Шунча илми бўла туриб маҳаллада обрў топган домладек одам илгариги қиёфасини бутунлай ўзгартириб, ёш қизга уйланиш тадорикини кўрибдики, демак, бўлғуси келиннинг ҳам фикрлаш тарзи, дунёқараши, ўзини тутиши бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас. «У қизиқчиликка семиргандай юмалоқ, эгнида енгсиз қизил кўйлак, бошида попушакнинг тожига ўхшаган қизил шляпа, қўлидаги сумкаси, оёғидаги пошнаси бир қарич туфлиси ҳам қизил. Бошдан-оёқ қизил бу жувонни биринчи бор кўрган маҳалла хотинларининг таъбирига кўра, у хўрозқанднинг ўзи». Бу жонли манзара ўқувчини кулдирмай иложи йўқ. Худди шу ерда жонларни яйратувчи кулги ҳикоянинг ҳажвий пафосини белгилайди.

Абдулла Қаҳҳор кулги чиқаришда асар тилини ниҳоятда чертиб созлайди. «Сўнгги нусхалар»даги Шобаратнинг Сухсуровга гапиргандаги сўзларига эътибор қилайлик: «Акам костюмларини чиқариб, нимча сўратибдилар... «Ишим чатоқ» деганлари эмасмикан?» Шундан кейин Шобарат билан Сухсуров ўртасида саволжавоб давом этади: «Акам-ку, майли, турманинг қозонидан ризқи борича ейди, бу орада сизга гап тегиб қолмаса, дейман... Ҳар нима бўлганда ҳам акам қўл остингизда ишлаган эдилар, бир охурдан ем егансизлар.

— Энди, ука, бир охурдан ем еган бўлсак ҳам, ҳар ким ўзининг тиши билан чайнаб, ўзининг кекирдаги билан ютган! Ҳар кимнинг гўри бошқа, мункар-накири бошқа деган гап бор.

— Шундоқ-ку, лекин иш катта кўчса, гўрларинг қўшилиб кетармикан, дейман. Яна ўзингиз биласиз...» Шобарат ва Сухсуров диалогларидаги киноялы гаплар, тагдор қочириқлар одамни беихтиёр кулдиради. Костюм, нимча, охур, гўр, мункар-накир ҳақидаги гаплар характерларни жонлантириб, ҳикояга асл миллий руҳ бағишлайди.

Адибнинг қалами кулгили образларни чизишда ғоят ўткирдир. У ўз табиатига хос ҳаққонийлик билан даҳшатли қабоҳат ва разилликни ўзида мужассамлантирган типларни адабиётга олиб киради, уларнинг маънавий заифлигидан, халққа қарши интилишларнинг мадорсизлигидан кулади.

Абдулла Қаҳҳор хилма-хил юмор намуналарини яратди. Бироқ унинг юморга дахлдор ҳикоялари бир қанча тадқиқотларда соф сатирик асар сифатида баҳоланади, бунга қўшилиш қийин. Эҳтимол, баъзи адабиётшуносларга ёзувчи яратган ҳажвий асар сатира дейилса, яхши-ю, юмор дейилса, у пасайиб қоладигандай туюлар. Аслида ёзувчининг шуҳратини қандайдир

алоҳида жанр белгиламайди, қайси жанрда ёзилишидан қатъий назар, асарнинг қандай ёзилиши ва ёзувчи маҳорати билан белгиланади. Масалан, унинг «Бошсиз одам» ҳикоясини олайлик. Бу ҳикоя ҳам кўпгина манбаларда сатирик асар сифатида талқин қилинади. Аслида бу асар соф юмор намунасидир. Чунки ундаги танқидий руҳ бошдан-оёқ юмор кулгисига буркаб берилади. Ҳикояда очиқ танқид иштирок этмайди. Муддао фақат масхара ва киноя кулгиси асосида талқин этилади. «Бошсиз одам»да танқидий руҳ асарнинг тани бўлса, кулги — унинг асосий жони. Тўғри, сатирада ҳам кулги иштирок этади. Бироқ унда сатирик руҳ олдинги планда турса, кулги унинг орқасига яширинади. Ҳамма гап кулгининг даражасида. «Бошсиз одам»да кулгининг қамрови кенг. Шундан келиб чиқиб, бу ҳикояни сатирик кескинликка кўтарилган олий даражадаги юморнинг намунаси, дейиш мумкин. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун уни далиллашга ҳаракат қилайлик. Бошсиз одам деганда, одатда, мурда кўз олдимизга келади. Ҳикояга бошсиз одам деб сарлавҳа қўйилишидан ҳажвчининг очиқ киноя, кесатиғи кўринади. Асарда жоҳиллик билан оилани бошқариб ўз ўғлини майиб, мажруҳ қилган отанинг хилоф, хунук ҳаракати фош қилинади. Биз, айтганларини тўтиқушдек такрорлатишга астойдил жазм қилган Абдураҳмоннинг қилмишидан куламиз ва айни пайтда ундан ҳазар қиламиз. Ёзувчининг маҳорати шунда кўринадики, у қаҳрамоннинг салбий хусусиятини фош этаётган вақтда ҳам юмор кулгисидан бир чимдим қўшиб қўяди. Жумладан, Абдураҳмон хотини орқасидан эргашиб келган «етимчаларни» бўлар-бўлмасга калтаклайверганига Нисобувининг дили оғриб: «Урсангиз менга кўрсатмай, ўша дўконингизга олиб бориб уринг» деса, эри: «Ҳа, жонинг ачийдими, бундан кейин мен ураётганда кулиб турмасанг «уч талоқсан»,— деб жавоб бериши китобхонларни бир томондан қўққисдан кулдириб юборса, иккинчи томондан, унинг феълидаги ярамасликлардан жиркантиради.

Абдураҳмон шундай хонаки «феодал»ки, оилада бўладиган ҳар қандай иш, фақат унинг хоҳишлари асосида амалга оширилади. Бир куни у Нисобуви билан келишмасдан туриб, ўгай қизларининг бирини Фахриддинга никоҳлаймиз, дейди. Фахриддиннинг тақдири эса, болалигидан маълум. У отаси нима деса, шуни қилишга мажбур, унда мустақилликдан ном-нишон ҳам йўқ. Абдураҳмон ўғли вояга етганда ҳам мустақил иш қилдирмайди. Ҳатто оддий гапни қандай гапиришни ҳам ўғлига ўзи айтиб туради. Бу ҳол Фахриддиннинг қовоқбош бўлиб ўсишига, унинг ҳар қадамда кулгили вазиятларга тушишига олиб келади. Муштипар онада ўз қизи Меҳрини яроқсиз Фахриддиндан ажратиб олиш режаси тузилади. Нисобуви куёвини алдаб туриш учун, унинг қалбига аста қўл солиб: «...ҳали ёшсиз, уч-тўрт йил боласиз юрган яхши. Доктор шу ишларни билармикан?»— дейди. Бироқ бу саволга «Фахриддин осилиб турган қалин пастки лабини бир-икки қимирлатиб, билаги билан бурнини артиб: «Мен билмасам, дадам биладилар-да!» — дейди. Фахриддиннинг майна, масхара бўлиши шундаки, у ҳаётда худди 5—6 ёшли болага ўхшаб фикрлайди. Фахриддин хатти-ҳаракатидаги чалалик ҳар дақиқада очилиб, уни шармандаи шармисор қилаверади. Нисобуви режаларини рўёбга чиқаролмайди. Меҳри ҳомиладор бўлиб қолади. У ҳар хил чоралар ахтариб, қизини туғруқхонага жойлайди. Мана шу асноа Фахриддиннинг қиёфаси янада чуқурроқ очилади. Унинг гўллиги шунчаликки, Меҳри бир неча кун касалхонада ётган бўлишига қарамай, уни кўриб келишга ақли етмайди. Бир марта касалхонага бориб, ичкарига киргизмади, деб қайтиб келади. Ниҳоят, отаси Фахриддинга икки сўм пул бериб, касалхонага бориб келишни буюради: «Ма, йўлдан майда-чуйда ол. Киргандан кейин аввал сўра, енгил бўлса, хайрият дегин, сенинг йўқлигинг учун уйда туролмаётибман. Ёмон бўлар экан дегин»,— дейди. Фахриддин касалхонага кетаётиб, отаси томонидан топиб берилган қолипли гапларни эслаб, бурнини тортиб йўталади, ўзидан мамнун бўлиб кулиб ҳам қўяди. Чунки отаси Фахриддинга жуда мос гап топиб берган эди. Фахриддин шундан мамнун. У Меҳрини кўрар экан: «Э, ҳўй! Яхшимисан»,— дейди. Меҳри: «Келинг», деса, у: «Уйда сен йўқ, дадам қийналиб қолдилар, ёмон бўлар экан», дейди. Кулгили томони шундаки, Фахриддин отаси томонидан топиб берилган «тўрт оғиз» гапни ҳам эплаб гапиролмайди. Меҳри билан Фахриддин ўрталаридаги ҳар бир мулоқот қаҳқаҳага сабаб бўлади. Меҳри: «Кундан-кун баттар бўлган эдим, олиб ташлашди. Нақд ўлаёздим». Бу гапга у: «Хайрият» деб муносабатини билдиради. Диалог давом этади. Меҳри: «Кўрдим, боши йўқ», дейди. Бу гапни эшитиб, Фахриддин ниҳоятда таажжубланади: «Ие!...— дейди ва кўзларини катта очиб,— боланинг ҳам боши бўлмайдими, дадамдан сўрай-чи!».


Ҳикоядаги кулгили ҳолат ана шу вазиятда ниҳоясига етади. Бироқ адиб асарда Меҳри туққан бошсиз бола устидан кулги чиқармайди. Ёзувчининг нияти она қорнидаёқ чақалоқни мажруҳ қилган ўтмас иродали Фахриддинни кўрсатишдир.

Абдулла Қаҳҳор бу ҳажвий ҳикоясида масхарабоп одамнинг характерини жуда жонли тарзда кўрсатади. У кулги орқали кимни, нимани нишонга олган бўлса, бехато уради. У сўзларни ортиқча исроф қилмайди, сўзни салмоқлайди, маъно нозикликларига чуқур эътибор беради. Бир сўз билан айтганда, Абдулла Қаҳҳор сўзнинг туси ва таъмини яхши туяди.

Унинг ҳикояларидаги кулги остига олинган қаҳрамонларнинг аксарияти зиёлилардан. Бунинг боиси бор. 30-йилларда билимдон олимлар, зиёлилар бармоқ билан санарли бўлган. Бироқ, жамиятга, илм, фан, адабиёт ва санъат соҳаларига минглаб кадрлар зарур эди. Кадрларнинг етишмаслиги кўпгина чалasавод кишиларнинг ҳам нолойиқ жойларга кириб олишига имкон туғдиради. Улар билмаган нарсаларини биламан, деб астойдил кураш олиб борадилар. Шу сабабли улар коллектив ўртасида тез-тез шармanda бўлиб туради. Абдулла Қаҳҳор шундай кишиларнинг жонли характерларини яратиб, уларни киноя тиғига рўбарў қилади.

Ҳажвчининг «Нафис адабиёт муаллими», «Нутқ», «Санъаткор» каби ҳикояларининг қаҳрамонлари ана шундай шахслардир. Абдулла Қаҳҳор мазкур ҳикоялари орқали ўтмиш сарқитларини, мешчанлик ва илмсизликнинг салбий оқибатларини аёвсиз фош қилади. Ёзувчи ҳаётдаги кундалик «чакана» ҳодисаларда яширинган номувофиқликни ёрқин кулгили образларда ифодалаб беради.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати



Хева манзараси.

А. Жумаев фотоси

Хўжалик юритишнинг янги механизми орқали ҳам, демократик тартиб-қоидалар орқали ҳам, сиёсат, идеология, маданият орқали ҳам манфаатларни тарбиялаш ва йўналтириб бориш керак. Қайта қуришнинг моҳияти ҳам пировард натижада манфаатларни эътиборга олишдан, манфаатларга таъсир ўтказишдан, шу орқали манфаатларни бошқаришдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Июнь пленуми материалларидан

ДЕҲҚОН

МАТКАРИМ бувaнинг кўзларида шубҳа аломати: «Ишни эплаб кетармикин? Ерга меҳри етармикин? Деҳқончилик-ку асли қонида бор-а!»

— Етти пуштимиз деҳқон бўлган. Агрономликка ўқидинг. Ерга меҳринг мўлми ишқилиб? Қароринг қатъиймми? — Чол қаддини ростлади. — Ер ҳам одамдай — меҳрингга, меҳнатингга яраша ҳосил беради. Заҳматига чидасанг бўлди. Шунга рози бўлмасанг, бу йўлга кирмаганинг маъқул, болам. Ора йўлда сарсонликдан ёмони йўқ. Эҳ, йигит вақтим бўлсайди. Ишлаб ҳоримайдиган замонлар келди-я.

Оллам, ота насиҳатларини тинглаб ўтириб, индамай ишига равона бўлди. Хаёлидан ўтган фикрларни ҳеч ким билан сирлашмади.

...1942 йилнинг августи эди. Аланга ҳамласи қамраб келаётган буғдойзорни кўриб турган Оллам душман ўқидан ўзини пана қилиб турган дарахт ортидан отилиб чиққанини билмай қолди.

— Буғдой ёнаяпти, жўралар! — Бахтига Жумабой бор экан. Югуриб келиб елкасидан босиб ерга йиқитди. Буғдойзордаги аланга йигитлар қалбига душманга нафрат бўлиб кўчди.

Ғалаба кунларини кўриш халоскор дўстига насиб қилмади. У ҳам Олламдай деҳқон боласи эди. Эгатларга сув тарашни, қаллиғи Ойимгул билан учрашишни орзу қилар, шуларни тилга олганда кўзлари ҳаяжондан порлаб кетар эди. Олламнинг қалбига ҳам пахтакорликка меҳр ўшанда кўчган бўлса, ажаб эмас.

У госпиталда ётганида қорахат келганини уйига келиб билди. Онаси Шукур момо ҳозиргача уни: «Дунёга қайта келган болам», деб суяди.

Умрга ёш қўшилган сайин ойлар, фасллар ҳам тез ўтаётгандай туюларкан. Баҳор ташвишларидан фориғ бўлмасдан ёз саратони бошланади. Кузнинг долзарб кунларидаку бош қашигани вақт йўқ. Оллам фронтдан қайтганидан бери пахтазорда. Ҳар йили шу аҳвол: доналаб уруғ экади, тонналаб «оқ олтин» етиштиради. Унинг колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаётганига 40 йил бўлди. Ташвишу қувончларга тўла йиллар...

1984 хўжалик йили ана шундай долғали кечди.

Маткаримов бригадасида чигит эрта экиб бўлинди. Кейин баҳорнинг серёмғир, салқин кунлари бошланди. Бундай пайтларда пахтакорнинг куни дала тирнаш билан ўтади. Ниш уришдан тўхтаган уруғ қайта-қайта қўлга олинади, униб чиқармикан деган шубҳа юракларни кемиради.

Жала қуйганида Маткаримов далада эди. Ҳовучига тўлган ёмғирни ялаб кўрди. Шўр эмас. Шунисига ҳам шукур. Чигит ёрилиб, ниҳол ниш урганда шўр сувга кўмилса, бужмаяди — қотади. Бу — ҳалокат билан тенг. Чигитни қайта экиш керак бўлади. Маткаримов иложини топса, далага бир йилда икки бор сеялка киритмайди.

Тун бўйи ёмғир тинмади.

Саҳарлаб далага чиққан Маткаримов ёмғирнинг тупроққа қанча сингиганини ўлчади. Плуг бузган қатламгача сизибди. Кулранг булутлар тарқалаяпти. Жанубдан эсаётган шамол илиқ. Ёмғир тинади, шекилли. Даладаги олачалпоқ сувнинг юзи жимирлайди. «Қатқалоқ», хаёлидан кечирди Маткаримов.

Баҳор серёмғир келса, Хоразм шароитида чигит қатқалоқ остида чирий бошлайди. Қатқалоқ юмшатишга ёшу қари ҳаммаси сафарбар этилади. Бундан ҳатто мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам четда қолмайди. Қатқалоқ бартараф этилгандан кейингина ўқиш бошланади.

«Қатқалоқ босган далани техника ёрдамида юмшатиб бўлмасмикан?» Шу ўй Маткаримовни ҳар йил қийнайди.

Хўш, нима қилиш керак? Ерни зичламасдан, уни яхшироқ юмшатадиган трактор борми? Занжирли трактор хизматидан бу ишда фойдаланиб бўлмасмикан? Лекин унинг жўяк оралаши мушкул-да...

Ана шунда таваккал қилишга тўғри келди. Маткаримов Янгибой Бозорбоев тракторига тишли борона тиркатиб, 45 гектарлик пайкал бошига боришни тайинлади-да, ўзи колхоз раиси Алексей Иванович Ким ҳузурига кетди. Маткаримовнинг: «Қатқалоқни занжирли тракторга тиркалган тишли борона билан юмшатмоқчиман», деганини эшитиб, раиснинг фиғони кўкка чиқди.

Маткаримов индамасдан Алексей Ивановичнинг босилишини кутди. Унинг одати шунақа: бироз қўрслиги бору лекин самимий, ишбилармон раҳбар.

— Чигитли далага «Алтай»ни киритмасдан қатқалоқни юмшатиб бўлмайдими? — сўради раис.

— Бўлади. Ҳар йилгидай ёшу қари далага чиқади. Самара кам. Чигитнинг униб чиқиши ҳам чўзилади. Инженер билан ҳисоблаб чиқдик. Занжирли трактор билан қатқалоқни юмшатса бўлар экан. — Маткаримов қўлига қоғоз, қалам олиб, раиснинг ёнига ўтди.

— Ҳисобни қўй! Занжирли тракторнинг ерни камроқ зичлашини сендан яхшироқ биламан, — кейин бир пас ўйланиб, — қани кетдик, далада кўрсатасан ҳунарингни, — деди раис.

Маткаримов унга қилар ишини тушунтирди. Тракторчи бир ер тирнаб, чигит кўриб юрган раисга, бир бригадирга қараб ҳайрон қолди.

— Қайта чигит экадиган бўлсак, плуг тақиб келайми, — деди Янгибой.

— Йўқ. Қатқалоқни юмшатамиз.

— Қўйинг-эй. Бундай гапни биринчи марта эшитишим, — деди тракторчи.

— Шу ишни биринчи ўзинг бошлайсан, — деди Алексей Иванович уларга яқинлашаркан.

Тракторчи индамади, тракторни гуриллатиб чигит экилган, айни вақтда қатқалоқ қоплаган дала устига ҳайдади. Раис ва бригадир трактор орқасидан анча ергача эргашиб бордилар. Улар лом-мим демасдилар, ҳар ерда тупроқ титиб, чигит қидирардилар. Шу паллада трактор иккаласининг кўкраги бўйлаб ўрмалаётгандай туюларди.

Эртасига районнинг «Коммуна» колхозида йиғилиш бўлди. Биринчи сўз Оллам Маткаримовга берилди.

— Ёмғир сersув экан. Ернинг плуг тилган қисмида нам кўп. Шу намни йўқотмай ниҳолни кўкартириб олмоқчимиз, — Маткаримов колхозчилар иш шароити, қатқалоқдан кейинги ишлар хусусида кўпроқ сўзлади.

Район партия комитетининг биринчи секретари блокнотига нимадир ёзиб қўйди.

— Оллам ака даланинг тупроқ қисми намлигини тўғри илғабди. Бу чигитни чиритиши мумкин. Биз ёмғир сувидан қутулиш учун далаларнинг чеккаларидаги ариқ-зовурлардаги сувни оқизиб юборамиз. Қатқалоқни юмшатишга ёш-қари — ҳаммани сафарбар этамиз. Кейин тезда культивация ўтказамиз. Оллам аканинг таклифига келсак... Ҳайронман. Чигит экилган далага занжирли тракторни киритиб бўлармикин? — деди «Коммуна» колхози раиси Амин Вафоев.

Ким тўғри?

Кейинги уч кун Оллам Маткаримов учун уч ойдан кўпроқ туюлди. У даладан чиқмасди.

Бир куни Алексей Иванович тунд бўлиб бригадага келди.

— Оллам, жанжални сотиб олдинг, — деди ҳорғин. — Тажрибангнинг охири вой бўлар-ов. Билиб қўй, пахта учун иккимиз ҳам жавоб берамиз.

Маткаримовнинг озғин, қорамтир юзи оқарди. Йиллар, дард-ташвишлар эголмаган қадди букчайди, сочлари қув оқарган боши эгилди.

— Ҳа, майли, қизишма, — деди раис, — чигит юзага чиқаяптими? Натижа яхши бўлса, бошқаларга ҳам айтайлик. Иш тезлашади.

— Қатқалоқ учун ўқувчилар ҳам мактабдан қолмайди, — гап қистирди Маткаримов.

— Тўғри, — деди Алексей Иванович, — шуниси ҳам бор.

Бригаданинг ҳамма еридаги чигит бодроқдай потирлаб кўкариб чиқди.

«Коммуна» колхозининг қанча-қанча ерига қайтадан чигит экилди.

Ҳолбуки, кўплар Маткаримовнинг гапига ишонмаган эди.

...Поёнсиз пахтазор кўм-кўк денгиздай шамолда чайқалади. Ғўза ниҳоллари учидан тупигача кўсак боғлаб, қийғос очилган. Мана, «Қовун отизи» ўрнидаги пахтазор. Энг серҳосил ғўза ниҳоллари шу ерда. Оллам Маткаримов ғўзани яганалаш даврида бўлиб ўтган бригада цех партия ташкилоти йиғилишини эслади.

Тўққиз коммунист дала шийпонига тўпландилар. Ҳамманинг юзи ташвишли. Бунга асос бор. Коллектив яганада колхозда охирги ўринда. Йиғилишда интизомни бузганлар, айрим коммунистларнинг пассивлиги, шу жумладан бригада бошлиғининг кўнгилчанлиги — ҳаммаси тилга олинди.

Партия йиғилишидан кейин коллективда ишга муносабат ўзгарди. Ҳар бир коммунист, жумладан Маткаримов ҳам ўз фаолиятини танқидий таҳлил этди.

Кўрдики, бировлар ёқар-ёқмас, қўл ичида

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ишлайдилар. Афтидан, ишлар силлиқ кетаётганидан у айрим колхозчилардаги ўзгаришни сезмаган. Қизиқ, сусткашликнинг боиси нима экан?

Маткаримов дангал сўзни ёқтиради. Шунинг учун улардан ишламай юришининг сабабини сўради. Деярли бир хил жавоб бўлди. Бригада пудратининг фойдасини ҳамма ҳам тушунавермабди. Янги тартиб бўйича кўп ишласанг ҳам, оз ишласанг ҳам, бари бир ҳамма бир хил ҳақ олади, деган фикр пайдо бўлибди. Жон койитиб ишлайдиганлар қўл учида, бундайроқлар эса кун ўтганига шукур этиб, қимирлай бошлабдилар.

Янгиликнинг ҳаётга сингиши, одамларда унга ишонч уйғотиш осон бўлмади. Колхоз бош иқтисодчиси Эриммат Маткаримов колхозчиларга бригада пудратининг афзалликларини тушунтирди. Ойлик иш ҳақи берилганда пудрат афзалликлари яққол сезилди. Ҳар гектар майдондаги ғўза ялангаси бир соатда юлиб ташланадиган бўлди. Олдинлари шунга бир иш куни сарфланар эди.

— Бугун уч киши ишга кечикиб келди, — деди бригадир коллектив аъзоларига, — булар: Турсунбой Дўсматов, Ойпошша Шомуродова, Ўрозбой Авазбоев. Буларнинг иш унуми ҳам паст. Камчиликлари неча марта айтилди, лекин гап таъсир қилмади. Коллектив ҳал қилсин — бизда ишласинми ё йўқ? Бир қарорга келайлик.

Ялангадан кейин далалар бегона ўтлардан тозаланаётган палла эди. Ҳар дақиқа ҳисобда-ю, бу ёқда прогулчилар, интизомни бузувчилар...

— Ҳадеб тартибга чақираверишдан на фойда? Қаттиқроқ чора кўриш керак, — деди Ҳайитбой Ражабов. — Мана, Ойпошшанинг ўзи неча марталаб ишга кечикди. Оқибатда вазифаси бошқаларга юкланди. Ахир у ҳам бинойидай сувчи. Ишласа, кишининг ҳаваси келади.

Ойпошша Ҳайитбой ака тўғри танқид қилаётганини, турли баҳоналар билан ишдан кўп қолаётганини англаб пушаймон эди. Лекин баҳоналарда асос бор.

— Иш талаб қилинади. Бу-ку ёддан чиқмайди. Лекин аёлларга шароит йўқ, — деди куюниб. У колхозчи аёллардан сўради: — Айтингларчи, ёш болаларни кимга топшириб ишга чиқасизлар? Бировларга осон: қайноналари бор, қизлари укаларини овутиб ўтирадилар. Лекин менга ўхшаганлар-чи? Болам ёш. Соғлом ўссин, деб ишдан қолишга мажбурман. Ясли бўлсайди...

Ойпошшанинг бу гапи Оллам Маткаримовни ўйлантириб қўйди. Еш оналарга бригадада ясли очиб бериш керак, лекин унга бино қани?

Изланган топади. Бригаданинг соя-салқин, дарахтзор, ҳовузли дала шийпони яслига айлантирилди. Светлана Нам бошлиқ тарбиячилар 30—40 гўдакни авайлаб ўстираяптилар. Тозаёрғон ариғининг манзарали соҳилида янги шийпон тикланди. Иш ҳам ғамхўрликка, эътиборга яраша долзарб, қизғин тус олди.

Саратон кунлари ҳар бир томчи сув ҳисобда. Экинни суғориш уч звенога бўлинди. Бу усул ишни осонлаштирди. Сув ерларга галма-гал очилади. Ҳар бир звенода оз эмас, камида 15 сувчи ишлайди. Ҳар бир сувчи қарийб уч гектар майдоннинг обиҳаётга қонишига жавоб беради.

— Сув ичмаган бир қарич ҳам ер қолмасин, — деди сувчилар звеноси бошлиғи Ҳайитбой Ражабов бригада аъзоларига. — Мана, Тўлғоной, Санобардан ўрганинглар сувчиликни. Ишига пухта улар...

Ғўзалар барқ уриб ўсди. Бригада аъзолари ишдан бўшаган вақтларида коллектив ёрдамчи хўжалигига қарашдилар. Бу ерда ҳаммага етгулик иш бор. 20 бош қорамол боқилаяпти. Ем-хашак тайёрлаш, қўраларни қишга ҳозирлаш... Хуллас, иш кўп. Шу йил ёрдамчи хўжаликда ўн тонна гўшт етиштирилди. Молбоқар Матўроз Юсуповга кўмаклашишни ҳамма ўзининг бурчи деб билди.



Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турғун ота Исоқов Ленин районидаги «Социализм» совхозида ўттиз етти йилдан буён пахтакорлик касбини улуғлаб келаяпти.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ)

Оллам Маткаримов пахта йиғим-терими мавсумида умумий маҳсулот билан бирга ҳар бир дала ҳосилдорлигини ҳам таҳлил қилиб боради, келгуси йил ҳосилини чамалайди. Кам ҳосилли далани серҳосил қилишга интилади. Бу эса ўз-ўзидан умумий ҳосилдорликни ўстиришга таъсир этади. У ҳар бир дала характерини алоҳида дафтарга қайд этиб боради. Даланинг ҳосилдорлик тарихи, қачон, қандай ишлов берилгани, ўғитларнинг миқдори, ҳатто культивация қилган механизаторларнинг исми ёзилади.

Оддийгина ўқувчилар дафтарига пахтакорнинг кундалик ишлари битилган: «Юқори отиз»нинг уч эгатидаги кўракларнинг кўпчилиги уч чаноқ — ўғит берилмасдан қолган шекилли», «Шоли карта»нинг ариқ бўйидаги қисмига ажириқ тушган, келаси йил гербицид ишлатиш керак», «Ғўза юк боғлаган даврида далага культивация киритишни 15 кун тўхтатдик. Қандай бўларкан?»

Маткаримов доврўғи элга ёйилган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, кўплаб медаллар нишондори. Хоразм область партия комитети аъзоси, ҳурматли мураббий. Ўзи енгил пахтанинг меҳнати шундай машаққатли, роҳати тотли. Мана неча йилки, Оллам Маткаримов бригадаси йил сайин давлатга минг тоннадан ошириб пахта топширади. Бу рақам замирида қанча-қанча меҳнат, тинимсиз изланишлар ётибди. Бригада механизатори Жиянмурод Саидов, сувчилардан Ҳайитбой Ражабовларнинг куну-тун қилган меҳнатлари, теримчилардан Гулора Йўлдошева, Жумагул Ражабова, Мунаввар Назароваларнинг уйган тонна-тонна «оқ олтин»и коллектив обрўсини янада кўтармоқда.

— Машина деҳқоннинг қаноти деймизу, афсуски, теримда ундан самарасиз фойдаланяпмиз, — деди Маткаримов механизаторларга. — Жиянмурод-ку ўтган йили 160 тонна пахта терди, лекин бошқаларнинг машинада терган пахтаси нормага ҳам етмади.

— Машинани далага киритмасангизлар, қандай терамиз? — ажабланди Шомурод Қозоқов.

Маткаримов хижолат бўлди. Шомуроднинг гапида жон бор. Ўтган йили тайёрловчилар машинада терган пахтани паст сортга қабул қилиб, унинг фиғонини чиқарганди. Машина териминг фойдаси камлигидан қўл теримига зўр берилди. Бригада далаларида барча колхозчилар, уларнинг болалари — ўқувчилар, шаҳарлик ҳашарчилар далада эгат ораладилар, лекин унум бўлмади. Бригада бошлиғи шунда ҳам тишини тишига қўйиб чидади. Машинадан кам фойдаланилди.

Бригада колхозчилари кўп пахтани қўлда териб даромадни кўпайтиргани билан, ёрдамчиларга тўлаган пулдан анча зарар кўрди. Ҳашарчиларга қарийб 40 минг сўм иш ҳақи тўланди. Ҳолбуки, шунча пул бригада колхозчилари ўртасида тақсимланган бўлур эди.

— Бу йил бригадамиз ҳашарчилар хизматидан воз кечди, — дейди мамнуният билан Оллам Маткаримов, — шунинг учун барча далаларни машина теримига тайёрладик.

Бригада механизаторлари Жиянмурод Саидов, Шомурод Қозоқовлар ўтган хўжалик йилида ҳар бири хирмонга 130—140 тоннадан пахта тўкдилар.

* * *

Маткаримов вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай йўлига кўз тикиб ўтирган невараси Шарофатни ёнига олди.

— Ота, нега соч-соқолингиз оппоқ? — сўради Шарофат.

— Пахта қўниб қолган буларга, қизим, — деди бобо неварасига.

— Нега менинг сочимга пахта қўнмайди? — деди Шарофат.

— Ҳали далада пахта терганингда сеникига ҳам қўнади, — деди Маткаримов.

Тонг. Осмон тиниқ. Намхуш ҳаво танни яйратади. Япроғига шудринг қўнган майсалар, тонг куйчиси — хўрозларнинг қичқириғи, йўллар, илон изи сўқмоқлар, ариқларнинг бўйларидаги сервиқор дарахтлар, қўшни ҳовлидан йўталиб чиққан киши — ҳаммаси кўнгилга яқин. Одатий бир ҳол. Оллам Маткаримов шуларга қувонч билан боқади. Ҳаётнинг оддий кунлари, воқеаларидан таъсирланади. Боис шулки, ҳар бир янги кун яратиш, меҳнат завқи, кураш билан тўла. У ўзининг ҳаловатини эл ташвишида деб билади.

Исмоил ШОМУРОДОВ

СЕНТЯБРЬ ТОНГИ

Бугун 1 сентябрь — янги ўқув йилининг дастлабки куни, расмий равишда эълон қилинган Билим куни. Бу тонг бахтиёр ёшлик ғурури, фаровон замон сурури билан ҳар қачонгидан кўра фарахли. Еши еттига тўлган тўнғич фарзандининг қўлига қаламдафтарини тутқазиб, уни етаклаб мактаб сари йўл олган ота-онанинг бугунги қувончи бир олам. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, институт остонасидан қадам қўйиб ўтиш ҳуқуқига эга бўлган йигит-қизларнинг севинчини айтмайсизми!

Сентябрь тонги. Бу тонг республикамиздаги 42 та олий ўқув юртининг, ўнлаб билим юртларининг бағрини ёшлик тонгининг жўшқин жаранги тўлдириб юборди.

Мана, шаҳримиздаги Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг муҳташам биноси. Унинг байроғини ҳам «Халқлар дўстлиги» ордени безаб турибди. Институт педагогик кадрларни тайёрлашдаги самарали хизматлари ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан ҳукуматимизнинг ана шу юксак мукофотига сазовор бўлган эди.

Институт студентлари сони жиҳатидан — Иттифоқимиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири. Ҳозир унда (кечки ва сиртқи бўлимлари билан) ўн етти минг нафардан ортиқ талаба таълим олмоқда.

Маълумки, республикамиз — кўп миллатли диёр. Худди шу нарса инобатга олиниб, мазкур институтда бир неча миллат вакилларининг фарзандлари таълим олмоқдалар. Тажрибали педагоглар, истеъдодли олим-олима устозлар бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус, қозоқ ва корейс, татар (қрим-татар) миллатлари ёшларидан ўқитувчи кадрлар тайёрламоқдалар. Профессор-педагоглар М. Асқарова, А. Шерматов, Р. Аҳмедов, доцентлар З. Ғафуров, Ш. Миркомилов, Ш. Аҳмедов, М. Мамадғозиев, С. Ўтанов сингари ўқитувчилар ёшларга таълим беришда жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Республикамизнинг қайси район ёки қишлоғига бориб, истаган ўрта мактаб эшигига рўпара бўлсангиз, албатта, Низомий номидаги педагогика институтини тамомлаб, ёшларга таълим бераётган мураббийларни учратасиз.

Фотомухбиримиз В. Мосин туширган суратларда институт ҳаётининг баъзи лавҳалари акс этган.



Анатомия-физиология кафедрасининг йиғилиши: доцент Шоҳида Аҳмаджонова (чапдан), доцент Тошпўлат Абдуллаев, кафедра мудири, профессор Раҳбар Аҳмедов, доцентлар Мурувват Солиҳова, Нафиса Қодирова.



Дефектология факультетининг студентлари Гули Чиқалиева (чапдан), Раъно Саримсоқова ва Фарида Саидвалиева 1 сентябрь тонгини қувонч билан қарши олдилар.



Ботаника кафедраси доценти Мансур Иброҳимов студентлар билан амалий машғулот ўтказаётир.



Биология факультети сиртқи бўлимининг 4-курс студенти Жамила Бобожонова.

В. Мосин фотолари

СПИД

Буни ҳар бир киши билиши керак

Ҳурматли журналхонлар!

Марҳамат қилиб, ушбу мақолача билан танишиб чиқинг-да, уни қариндош-уруғларингизга, дўстларингизга, қўни-қўшниларингизга ўқишга беринг. У, СПИД касаллигига чалинмаслик учун нима қилиш кераклигини, яъни энг муҳим нарсани билиб олишингизга ёрдам беради.

СПИД (ўзлаштирилган иммунитет етишмовчилиги синдроми) специфик вирус билан боғлиқ. Мазкур вирус қонга ўтиб, вужуднинг муҳим ҳимоя (иммунологик) системаси бўлмиш лимфоцитларни ишдан чиқаради. Оқибатда бундан зарарланган инсон микроблар ва вируслар қаршисида ҳимоясиз қолади. Касалланиш секинлик билан рўй беради, бир неча йиллар давомида касалликнинг ягона аломати бир неча лимфа занжирларининг ўсиб бориши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан кейинги жараёнларда ҳароратнинг кўтарилиши, ошқозон ичакларининг узоқ муддатга ишдан чиқиши, терлаш ва озиш жараёнлари бошланади. Кейин эса ўпка шамоллаши, терининг йиринг босиши ва герпетик жароҳатланиш, сепсис (қон айниши), хавфли ўсма, кўпроқ тери ўсмаси пайдо бўлади. Буларнинг барчаси бир бўлиб, беморни ўлимга олиб келади.

СПИД диагнозини фақатгина врач белгилай олади.

СПИД БИЛАН КИМ ОҒРИЙДИ? 1981 йилдан буён жаҳоннинг бир неча мамлакатларида ушбу касаллик билан жароҳатланган бир неча минг беморларга тааллуқли маълумотларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, бундай касалликка чалинганларнинг 78 фоизи гомосексуал эркаклар бўлиб, уларнинг интим муносабатлари ниҳоят даражада бетартибдир; уларнинг 15 фоизи гиёҳванд кишилардан иборат бўлиб, улар наркотик моддаларни бевосита вужудга қабул қиладилар; касалликка чалинганларнинг 1 фоизи кўплаб марта қон қуйилганларда, яна 1 фоизи СПИД билан оғриган оналардан туғилган болаларда учрайди. СПИДга чалинганларнинг 5 фоизи беморнинг ўлими ё унинг зарур маълумотни айтмаганлиги сабабли аниқланмаган.

СПИДга ИЎЛИҚИШ САБАБЛАРИ СПИД — камюқумли касалликлар сирасига киради. Жаҳон миқёсида рўйхатга олинган бир неча минг беморларни ўрганиш натижасига кўра, СПИД вируси билан қуйидаги ҳолларда зарарланиш мумкин:

— СПИД билан оғриган ёхуд зарарланган бемор билан жинсий муносабатда бўлганда; бунда одам эҳтиёт чораларини кўрмоғи шарт;

— стерилизация қилинмаган шприцлардан фойдаланганда, асосан гиёҳвандларда;

— зарарланган одам қонини соғлом одам вужудига қуйганда. 1987 йилдан бошлаб, бизнинг мамлакатимизда қон туфайли касалликнинг ўтишини қатъиян йўқотиш мақсадида донорлар қонини кескин суратда текшириш тартибига амал қилинмоқда.

— СПИД билан зарарланган ҳомиладор аёлдан касалликнинг **ғўдакка ўтишида.**

СПИД вируси суҳбат асносида ҳаводан, йўталдан, идиш-товоқлардан умумий фойдаланишдан, санузеллар, ҳаммомлар, чўмилиш ҳавзалари орқали юқмайди.

Маиший турмуш ёхуд иш жойидаги муносабатлар туфайли СПИД билан зарарланиш бирор марта ҳам қайд этилгани йўқ. СПИД билан оғриган беморга ёрдам кўрсатиш асносида бирорта ҳам тиббий ходим бу касаллик билан зарарланмаган. Соғлом болалар билан СПИДга чалинган болаларнинг бир жойда бўлиши натижасида мактабларда ва мактабгача муассасаларда вирусининг юқиши асло қайд этилмаган.

Медицина муассасаларида шприцлар ва инструментларни стерилизация қилиш методлари СПИД вирусининг вужуддан вужудга ўтишига йўл қўймайди.

СПИД ДИАГНОСТИКАСИ МЕТОДЛАРИ МАВЖУДМИ? СПИД вирусининг вужудга кириб бориши оқибатида жавоб реакцияси рўй беради. Мазкур реакцияни махсус метод билан — қон таркибини таҳлил этиш йўли билан аниқлаш мумкин. Ижобий реакция одамнинг СПИД вируси билан зарарланганлигини кўрсатади, бироқ ижобий реакция оқибатида бир тур одамларда СПИД тобора ривожланиб борса, бошқалар зоҳиран соғлом кўринишда эканидан қатъи назар, ўз вужудларида ана шу касаллик вируси сақланган бўлади. Касаллар ҳам, вирус ташувчи кишилар ҳам бошқа одамларни зарарлантиришлари мумкин. Аммо реакция натижаларига кўра ким касалланиши мумкину, ким фақат вирус ташувчигина бўлиб қолиши мумкинлигини айтиш қийин.

Донор қони топширилаётган ҳар бир ҳолатда қоннинг СПИДга реакцияси текширувдан ўтказилади. Мусбат реакцияга эга бўлган донор қони йўқ қилиб ташланади.

СПИДДАН МУҲОФАЗАЛАНИШ ИЎЛ-ИЎРИҒИ ҚАНДАЙ? — Тасодифий жинсий алоқалардан, шунингдек, гомосексуаллар, гиёҳвандлар ҳамда тартибсиз интим ҳаёт кечирувчи шахслар билан муносабатга киришувдан ўзни тиймоқ керак;

— шахсий интим муносабатга киришув доираси қанчалар кенг бўлса, СПИДни юқтириш хавфи шунчалар кучли бўлади. Мавжуд муҳофаза усулларидан фойдаланиш касалланиш хавфини камайтириши мумкин;

— зарарсизлантирилмаган тасодифий шприцлардан фойдаланмаслик лозим;

— шубҳа туғдирадиган ҳар қандай ҳолатларда албатта врачга мурожаат қилинг.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Бутуниттифоқ аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантириш тиббий масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институти


Редакция почтасидан

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

«Бизнинг Германия Демократик Республикадан келган туристик группамиз аъзолари Фарғона область Қўқон шаҳридаги стоматология поликлиникасида бўлиб, бу коллективнинг хизматидан мамнун бўлдилар. Фавқулодда тиши оғриб қолган дўстимизга шифокорлар малакали тиббий ёрдам кўрсатдилар. Кўркам, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиниканинг ўзиёқ совет давлатининг ўз гражданлари ҳақидаги ғамхўрлигини яққол кўрсатиб турибди. Бурчига содиқ бўлган шифокорларга ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Вольф, постдамлик туристлар группасининг раҳбари».

Стоматология поликлиникасининг «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтаридан муассаса шифокорларининг ҳалол хизматлари, малакали даволаш усуллари мамнуният билан қайд этилган бундай мактубларни кўплаб келтириш мумкин. Поликлиника ишининг намунали йўлга қўйилишининг сабабларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.



Ортопедия бўлимининг стоматологи А. Исмоилов беморни даволамоқда.

Баъзилар: «Бу муваффақиятларда тиббиёт ишининг моҳир ташкилотчиси, бош врач Бахтиёр Мансуровнинг хизматлари кўп. У кишининг тажриба алмашиш мақсадида марказий клиникаларнинг ибратли ишларини ўрганиш учун бормаган жойи қолмади. Ҳатто меҳнат отпускаси даврида ҳам шу масала билан қизиқади», дейишса, бошқалар: «Клиника коллективи ниҳоятда аҳил, ҳамиша бир-бирига устоз, елкадош. Шунинг учун ҳам улар элнинг назарига тушдилар», деб таъриф қилишади.

Ҳа, ҳар иккала изоҳда ҳам ҳақиқат бор. Қайси бир коллек-

тивда аҳиллик, ўзаро ҳамкорлик, уюшқоқлик туйғулари уйғунлашган бўлса, албатта у ерда ишнинг самараси, муваффақияти юзага қалқиб чиқади.

Мана, масалан поликлиниканинг уч қаватли кўркам биносини олайлик. Бу ерда уруш ва меҳнат ветеранлари — нуроний кексаларга қулайлик туғдириш мақсадида бинонинг биринчи қавати билан юқори қаватлари лифт билан боғланган...

Поликлиникада шифокор учун ҳам, беморлар учун ҳам барча шароит яратилган. Муассасанинг собиқ биносида бор-йўғи тўртта терапия ўриндиғи мавжуд эди. Янги бинода эса, бир йўла ўн еттита терапия кабинетида беморлар қабул қилинади. Тўққизта ортопедия, саккизта хирургия кабинети ҳам сурункасига ишлаб турибди. Бу ерда ҳам беморлар кутиб қолмайди. Демак, беморлар даволаниш учун кўп вақт йўқотмайдилар. Поликлиникада махсус оғиз бўшлиғи гигиенаси кабинети ташкил этилган. Бу кабинетга кирган ҳар бир бемор, аввало, доривор ўсимликлардан тайёрланган суюқлик билан оғиз бўшлиғини чайқаб ташлайдилар. Бу янги усул беморлар учун ҳам, врачлар учун ҳам қулайлик туғдиради. Кабинетда гидромассаж мунтазам ишлаб туради. Бу усулда даволаганда, касаллик тезроқ тузалади. Беморлар ҳам гидромассаж билан даволанишни афзал деб билмоқдалар.

Изланиш, ўрганиш ва тажрибаларни бойитиш борасида стоматология медицинасига оид янги усуллар жорий этилган. Чунончи, поликлиниканинг бош врачи Б. М. Мансуров, врачлардан Ю. Пайғамова ва Е. Беляева ҳамкорликда оғиз бўшлиғини чайқаш учун шифобахш ўтлар қайнатмаси тайёрлаш ва уни ишлатиш усулини, тажрибали шифокорлар — Б. Расулов, Б. Тешабоев оғиз бўшлиғида тилладан ишланган кўприкли протез ва коронкаларни қирқиш жараёнида чиқадиган гардларни йиғиш усулини, Ф. М. Қодиров, О. Н. Арутюнов каби врачлар стоматологик касаллар юз скелетининг тузилиш ўлчовини олиш учун махсус тузилмани ишлаб чиқдилар. Бу илғор усуллар беморларни малакали даволаш ва даволаш муддатларини қисқартириш имкониятини бермоқда.

Поликлиникада даволаш маданиятини оширишда ортодонтия кабинетининг ташкил этилиши ва қуйиш қурилмасининг ўрнатилиши шифокорлар учун жуда қўл келмоқда.

Муассаса коллективининг таҳсинга лойиқ хизматларидан яна бири шуки, уларнинг ҳаракати ва ташкилотчилиги билан Қўқон шаҳридаги йирик корхоналарда, олий ва ўрта ўқув юртлари қошида, бошқа микроучасткалардаги поликлиникалар қошида 72 та стоматология кабинети ташкил этилиб, буларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Умуман, ишчан ва аҳил коллективнинг хизматидан бутун шаҳар аҳли мамнун.

И. ГАВРИЕЛОВ,
пенсионер

Ўзбек совет адабиётида сатира ва юмор ривожига «Муштум» журнали қанчалик ҳисса қўшган бўлса, Аббос Муҳиддиннинг хизматлари ундан кам эмас. Чунки у 1935 йилдан буён «Муштум» журнали эшигини эрталаб биринчи бўлиб очади ва кечқурун ҳаммадан кейин қулфлаб уйига равона бўлади. Аббос аканинг 70 йиллик ҳаётидан болалик пайтини ва Улуғ Ватан уруши давридаги (бу пайтда журнал чиқмаган) вақтни ҳисобга олмаганда роппа-роса ярим аср «Муштум» журналида ишлаган.

Ўттизинчи йилларда унинг «Фозил патефон» номли биринчи ҳикояси «Ленин учқуни» газетасида босилиб чиқди. 1932 йили Тошкентдаги Ленин номли педбилим юртига ўқишга кириб, «Октябрь» кутубхонаси қошида ташкил этилган «Ёш адабиётчилар» тўгарагига қатнашди. Тўгаракнинг деворий газетасида «Пушаймон» сарлавҳали ҳажвий ҳикояси босилиб чиқди. Ўшанда тўгарак раҳбари Ғафур Ғулом: «Ўзинг кулишни билмасанг ҳам, ажабтовур кулдирар экансан-ку», деб жилмайиб қўйди. Машғулотдан кейин Ғафур ака у билан алоҳида гаплашиб, ҳеч кимсаси йўқ етимлигини билиб олгач, елкасига қоқиб: «Сени кулишга ўргатадиган жойга ишга киритиб қўйсам майлими?» — деди-да, «Муштум» журнали редакциясига олиб келиб, Комил Алиев қўлига топширди.

Ҳа, Аббос Муҳиддин асосан фельетон ёзишни жасур фельетончи Комил Алиевдан ўрганган.

Аббос Муҳиддин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимидир.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ



Тилсиз ўғри

Аббос МУҲИДДИН

ИНТЕРМЕДИЯ

Таманно юриш қилиб келаётган Муҳтарамхон дарвоза олдида тўхтаб, чўнтагидан калит олади-ю, ағрайиб қолади.

Муҳтарам. **(Эшикка тикилиб).** Е, тавба! Ўзим қулфлаб кетган эдим-ку. Ким очганикин? Қулф қани?.. Вой, зулфини ҳам йўқ. Ўғри кирган бўлса-я. **(Бирдан кўзлари ола-кула бўлиб, чапак уриб бақираверди.)** Вой, дод!.. Уйимга ўғри кирибди... вой, дод!..

(Унинг овозини эшитиши билан кўшниси Мажид мўйлов билан Солиҳ самоварчи бирин-кетин ҳовлиқиб чиқишади).

Мажид. Қани, қаерга тушди ўғри?

Солиҳ. Уйни ёлғиз қолдирганмидинглар? Суннат қаерда?

Муҳтарам. **(Йиғламсираб).** Ишдалар... Машиначиникига бордим-у, қайтдим-а. **(Жиғибийрон).** Вой, амакижон, энди нима қиламан? Уйдан чиқмай ўтир, деган эди-я Суннатингиз. Энди нима дейман? Вой, дод!..

Мажид. Оғирроқ бўлинг, келин, қулфнинг калити кимда эди?

Муҳтарам. Менда.

Мажид. Бошқа калит йўқмиди?

Муҳтарам. Шу холос.

Мажид. Ундай бўлса, Суннат келиб, сизни пойлаб-пойлаб, охири очиб киргандир. Қани, ҳовлига кириб кўрайлик-чи. **(Кирмоқчи бўлганда, Муҳтарамхон жон ҳолатда қулочини ёзиб, йўлини тўсади.)**

Муҳтарам. Йўқ! Кирмай туринг! Ўғрининг изи йўқолмасин. Милиция келмагунча, ҳеч кимни киритмайман.

(Шу пайт участковой келиб қолади.)

Участковой. Нима гап?

Муҳтарам. **(Чапак чалиб, бошини силкитиб.)** Вой, участковой акажон, бор буд-шудимни ўмариб кетганга ўхшайди, ўғри яшшамагур. Энди Суннат акам теримга сомон тиқадилар. **(Йиғлайди.)**

Участковой. Қаердан кирибди ўғри?

Муҳтарам. **(Зарда қилгандек.)** Мана, кўриб турибсиз-ку, эшик зулфинини суғуриб кирибди, отинг ўчгур!

Участковой. Нималарингизни олиб кетибди?

Муҳтарам. Уйимни шипшийдон қилиб кетганга ўхшайди, эрталабданоқ чап кўзим учиб ўлвотган эди-я...

Участковой. **(Унинг сўзини бўлиб.)** Ҳовлиқманг. Олдин сиртдан текшириб кўрайлик-чи, уйингизда ҳам аҳвол шундай бўлса, истопар кучукни олиб келамиз.

(Ҳаммалари эшикдан ҳовлига киришади.)

Муҳтарам. **(Уй эшигига қараб).** Ана, айтмабмидим, бу ердаги қулфни ҳам суғуриб ташлабди. **(Яна йиғлаб).** Шу уйда эди асл буюмларим... **(Сочларини чангаллаб, бақириб).** Вой, дод!..

Участковой. **(Эшикни итариб кўриб, жеркиб.)** Э, тўйдан илгари чалинган ноғорадек шанғиллайверманг, синглим, эшик ичкаридан берк, уйда биров борга ўхшайди.

Муҳтарам. **(Уйга қараб).** Ҳа, ордона қолгур! Ҳаммаёқни шилиб, мен келганимдан кейин чиқиб кетолмай қолган-да, қараб тур! **(Ошхонага кириб, болта кўтариб чиқади.)** Энди бу ердан омон кетиб бўпсан!

Участковой. **(Эшикни тақиллатиб.)** Ким бор бу уйда? Яхшиликча эшикни очиб чиқинг! **(Ичкаридан жавоб йўқ.)**

Мажид. **(Уйга қараб).** Тақдирга тан бер, қопқонга илинган тулкидек қўлга тушдинг, муттаҳам!

Солиҳ. Тезроқ чиқақол, акаси, алламаҳал бўлиб қолди, бир зум мизғиб олайлик.

Муҳтарам. Нега миқ этмайсан, ўғри ўлгур, чиқақол тезроқ, отангнинг маҳрига тушганми бу уй? **(Жавоб эшитилмайди.)**

Участковой. **(Эшикни яна итариб кўриб, Муҳтарамга.)** Очмаса, эшикни бузиб кирамиз.

Муҳтарам. **(Чўчиб.)** Вой, ундай қилманг, Суннат акамга нима дейман? Шошмай туринг-чи. **(Эшикка яқинлашиб, болтани ерга қўйиб, ялиниб гапира бошлайди.)** Ҳой, ўғрижон, эшик бузилмасин, ўзингиз чиқақолинг, ўргилай, сизга ҳеч ким қўл урмайди...

Мажид. **(Унинг гапини бўлиб.)** Э. тўхтанг, йўлини топдим. **(Участковойнинг қулоғига шивирлайди, у маъқуллагач, тезлик билан дераза ойнасини кўчириб, ичкари киради. Чироқни ёқади. Бир зумдан сўнг эшикни очиб, бир йигитни қўлтиқлаб, судраб чиқади.)**

Муҳтарам. **(Кўзлари олайиб.)** Вой, ўлмасам, бу Суннат акам-ку.


Участковой. Шуми қулфбузар?

Мажид. Йўқ, бу эмас. Бу ичиб, учиб ётган экан. Буни маст қилган, қулфни буздирган ҳам тилсиз ўғри — ароқ.

Муҳтарам. Вой, ароқнинг дастидан дод!

ТАНҚИДЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Санжар СОДИҚ,
филология фанлари кандидати



Таниқли мунаққид Умарали Норматов ўзининг навбатдаги янги китобини «Қалб инқилоби»[1] деган чуқур рамзий маънога эга ном билан атабди.

Бу ном танқидчининг адабиётимиз тараққиётида революцион бурилишлар ясайдиган нодир асарлар, баркамол бадиий кашфиётлар кўпроқ бўлиши ҳақидаги истак ва орзулар билан ёнганлигидан далолат беради.

Адабиётимизни баркамол кўриш истагидан келиб чиқиб, китоб муаллифи ўзининг асосий эътиборини ҳозирги ижодий жараённинг энг долзарб масалаларини, етакчи анъаналарини таҳлил қилишга қаратади. Шунга кўра, тўпламда асосий ўринни проблематик мақолалар эгаллайди. Уларнинг биринчиси «Ҳаракатдаги реализм» деб аталган бўлиб, мазкур мақола совет адабиётининг асосий ижодий методи атрофида Иттифоқ миқёсида кўп йиллардан бери давом этаётган мунозаралар таҳлилига бағишланган. Мақолада муаллиф кўплаб йирик совет танқидчиларининг социалистик реализм ҳақидаги энг сўнгги қарашларини келтиради, муфассал таҳлил қилади ва баъзи ўринларда улар билан мунозарага киришади. Хусусан, у ўзбек китобхонларини Ю. Суровцев, Ю. Андреев, Ф. Кузнецов, Е. Сидоров, Л. Аннинский, Н. Анастасьев, А. Акимов каби бутун мамлакатимизга машҳур танқидчиларнинг социалистик реализм тўғрисидаги энг янги қарашлари билан яқиндан таништиради ва улар савиясида туриб мулоҳаза юритишга, назарий тафаккуримизни бойитишга интилади.

Тўпламдаги «Изланишлар қандай кечаётир ва баҳоланаётир?» номли мақола ҳам худди шу интилишнинг муваффақиятли самараси сифатида майдонга келган. Унда танқиднинг ўзбек адабиётини революцион жўшқин ва нодир бадиий кашфиётларга бой ҳолда кўриш истаги янада яққолроқ кўзга ташланади. Мазкур мақола ҳозирги ўзбек адабиёти тараққиётидаги янги тенденцияларни аниқлашга ва улар танқидчиликда қандай талқин қилинаётганлигини кўрсатишга бағишланган бўлиб, танқидчининг қамрови, таҳлил кўлами, фикрлаш доираси ниҳоятда кенгайиб бораётганлиги яққол англашилади. Танқидчи қамровининг ғоятда кенглигини шунда кўриш мумкинки, у Б. Имомов, Н. Худойберганов, П. Шермуҳамедов, И. Ғафуров сингари анча машҳур мунаққидларнинг асарлари устида фикр юритганда, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» қиссаси муносабати билан Ҳ. Болтабоев ва танқидчиликда эндигина илк қадамларини қўяётган М. Абдуваҳобова каби ёшларнинг мақолаларига ҳам тўхталиб ўтади. Таҳлил кўламининг кенглиги муаллифнинг юқоридаги ва бошқа кўплаб танқидчилар билан турли масалалар юзасидан муфассал мунозара юритишига йўл очади. Бу мунозараларда танқидий тафаккуримизнинг кейинги ривожи учун фойдали бўлган ҳақиқатлар юзага чиқади.

Мақолада мунаққид қамровининг кенглиги яна шунда кўринадики, у «адабий ҳодисага, эътиборга сазовор адабий фактларга мавжуд анъаналар, одат тусига кириб қолган қоидалар асосида эмас, янги-янги жиҳатлардан, кўп миллатли совет адабиётшунослиги тажрибалари, социалистик реализм назарияси ютуқлари асосида» ёндошишга ҳаракат қилади. Бундай ёндошиш бугунги ўзбек адабиётидаги янги самарадор анъаналарни кашф этишга, айрим асарларнинг танқидчиликда ҳали қайд қилинмаган фазилатларини очишга ёрдам беради. Чунончи, мунаққид Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романини ўзининг юқоридаги принципига мос ҳолда таҳлил қилар экан, у ҳақда қуйидаги концепцияни илгари суради: «Кўҳна дунё» романи полифоник хусусиятлари билан ўзбек прозасидаги изланишлар уфқини анча кенгайтирди.

Шунингдек, бу мақолага, умуман, бутун китобга ҳозирги ҳаётимиздаги, жамиятимиз тараққиётидаги ўзгаришлар, қайта қуриш янгиликлари ўз муҳрини босган. Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда социал адолат ва уни чуқурлаштириш борасида кўп тадбирлар амалга оширилди. Бунинг таъсири Умарали Норматов мақоласидаги мунозараларга яққол сезилади. Қайси танқидчи билан баҳсга киришмасин, муаллиф нуқул ўз қарашларини маъқуллайвермайди, балки бошқаларнинг мулоҳазаларидаги адабиётга нафи тегадиган фикрларни қўллаб-қувватлайди ва ҳатто илгариги шахсий кузатишларининг баъзилари хато бўлиб чиққанлигини тан олади. Масалан, у Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асари юзасидан илгари билдирган айрим фикрларини эслатиб, мазкур қарашларини Н. Худойберганов тўғри танқид қилганлигини ва касбдошининг мушоҳадалари ҳаққонийлигини айтиб ўтади.

Мазкур фазилатлар «Қалб инқилоби» китобидаги «Зарур одам» ва «Образ кўлами» мақолаларида ҳам мужассамдир. «Зарур одам»да совет адабиётшунослигида узоқ даврлардан бери қизғин мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ижобий қаҳрамон муаммоси қаламга олинади. Бу муаммо юзасидан кўп миллатли совет адабиётшунослигида шу қадар кўп асарлар ёзилганки, энди у ҳақда бирон янгилик айтиш ёки масаланинг қандайдир қиррасини янгича талқин қилиш амри маҳолдек туюлади. Шунга қарамай, Умарали Норматов танқидчиликдаги мунозараларни умумлаштириб, бугунги совет адабиётининг энг яхши намуналари ва кўпроқ ўзбек адабиёти тажрибасига таяниб, ҳозирги пайтда ижобий қаҳрамон муаммоси қандай тушунилаётганлиги ва талқин этилаётганлиги тўғрисида ўзига хос хулоса чиқара олган.

«Қалб инқилоби» китобидан мунаққиднинг шоир Омон Матжон ва ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбатлари ўрин олган. Мазкур суҳбатлар диалог шаклида ёзилган бўлса-да, моҳият эътибори билан проблематик мақолаларга яқин туради.

Чунончи, Омон Матжон билан қилинган суҳбатда «шеъриятда ўзига хослик ва муштараклик муаммоси» кўтарилади ва унинг талқини жараёнида шеъриятдаги тақлидчилик, анъана ва новаторлик, миллий колорит ҳамда фольклорга муносабат масалалари атрофида мушоҳада юритилади. Мазкур масалалар юзасидан илгари сурилган қарашлар кўпроқ Омон Матжоннинг «Енаётган дарахт», «Ҳаққуш қичқириғи» китобларига кирган шеърлари таҳлили асосида далиллаб борилади.

Кўрамизки, «Қалб инқилоби» китобида проблематик ва обзор мақолалар ҳамда адабий суҳбатлар мавжудлиги ҳозирги ўзбек танқидчилигининг жанрлар доираси ранг-баранглашиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Китобдан ўрин олган «портретлар учун чизгилар» ҳам худди шу ранг-барангликни тўлдиради. Афсуски, бу чизгилар китобдаги бошқа мақолалар ёки суҳбатлардек юксак савияда битилган, дейиш қийин. Танқидчи мақолада А. Мухтор асарларини санайди, уларнинг ғоявий йўналиш ва қаҳрамонлари ҳақида умумий маълумотлар беради, адиб ижодига оид ҳаммага аён факт ва қарашларни такрорлайди, унинг мураккаб изланишларидаги қийинчиликлар, ижодий парвозига халақит бераётган тўсиқлар тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмайди. «Олим, таржимон, мураббий» номли мақолада ҳам худди шунга яқин манзарага дуч келамиз. Унда шарқшунос Шоислом Шомуҳамедовнинг хизматлари, фазилатлари тўғрисида илгарилари кўплаб танқидий мақолаларда ифодаланган фикрлар мухтасар тарзда қайта баён қилинади. Хусусан, Умарали Норматов мақолада Шоислом Шомуҳамедовнинг форс-тожик адабиётини тадқиқ этиш бўйича катта ишлар қилганлиги, моҳир таржимонлиги, қисман шеърлар ёзиши ва Фирдавсий мукофотига сазовор бўлганлиги ҳақидаги деярли ҳаммага маълум гапларни такрорлайди, унинг фаолиятидаги алоҳида бир қиррани бўлсада янгича талқин қилмайди. Тавсифийликка, баёнчиликка ва такрорга берилиш оқибатида ёзувчи Худойберди Тўхтабоев тўғрисидаги «Дўстим ҳақида сўз» номли мақола ҳам заиф бўлиб чиққан. Тўғри, унда танқидчи Худойберди Тўхтабоев ижодига оид кўпчиликка маълум факт ва фикрларни қайд қилиш билан бирга унинг шахсияти юзасидан янгича кузатишларини, мушоҳадаларини ҳам ифодалашга интилади.

Англашиладики, «Қалб инқилоби» китобидаги портрет учун чизгилар тавсифийлик, баёнчилик, такрорийлик, офаринбозлик сингари иллатлар Умарали Норматовдек етук мунаққидлар ижодига ҳам ўз тамғасини босаётганлигини ҳамда ўзбек танқидчилигининг улардан қутула бориши жуда қийин жараён сифатида кечаётганлигини исботлайди.

Портрет учун чизгиларни истисно қилганда, тўпламдаги аксарият мақолалар ўзбек танқидчилигининг жанрлар доираси ранг-баранглашиб бораётганлигини, унда теран таҳлил орқали янгиликни ёки оригинал талқинни тасдиқлашга, Бутуниттифоқ адабий-назарий тафаккури савиясига кўтарилишга интилиш кучайганлигини кўрсатади. Шунингдек, Умарали Норматовнинг «Қалб инқилоби» китоби танқидчилигимизда адабиётимизнинг революцион жўшқинлиги ва унинг тараққиётида, кишилар қалбида инқилобий ўзгаришлар ясайдиган нодир бадиий кашфиётлар учун курашчанлик туйғуси чуқурлашаётганлигининг ёрқин мисоли ҳисобланади.

[1] **У. Норматов.** Қалб инқилоби. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Ҷақир-пиқанак

УКРАИН ЛАТИФАЛАРИДАН

* * *

Официант ресторанда еб-ичиб чиқиб кетаётган ревизордан сўради:

— Пул-чи?

— Мен порахўр эмасман, пул олмайман, — деб жавоб берди ревизор.

* * *

Олифта йигит қизга мурожаат қилди:

— Сиз билан рақс тушганимда, саҳрода юргандек терлаб кетдим!

— Ўзингиз ҳам туядек рақс тушар экансиз! — деб кулди қиз.

— Нима учун камчиликларинг билан курашмайсан? — деб сўрадилар ялқовдан.

— Улар кўп, мен эса биттаман, — деди ялқов хўрсиниб.

* * *

— Микола, овқат қилмоқчи эдим; ўтин ёриб бер, — деди хотин ичиб келган эрига.

— Мен уйда йўқман, — деди эри кўзларини юмиб.

Микола уйқудан туриб овқат сўраган эди, хотини:

— Уйда йўқлигинг учун овқат қилмадим, — деб жавоб берди.

* * *

«...Энди менинг ижроимда янграйдиган «Ўлдим ишқингда, пари!» ашуласини эшитасиз».

(«Камтар» санъаткорнинг тўйдаги чиқишидан)

ҚАЗОИ БАЛО

ҲАЖВИЯ

Туҳмату бўҳтон билан кўпларнинг ёстиғини қуритган Ғийбатулло навбатдаги «маълумот»ни ёзиб бўлиб, пинакка кетди. Хиёл ўтмай туш кўрди. Тушида (туф-туф, одамни ваҳима босади-я) тўсатдан еру осмон ларзага келиб, баҳайбат бир жондор пайдо бўлди. Ғийбатулло отаси тирилиб келгандай суюниб кетди.

— Ассалому алайкум, ҳазратим, — деди Ғийбатулло носқовоғини узатиб, — чекинг, отими ҳўкизни йиқитади.

— Ҳойнаҳой, сенинг «маълумот»ингдан зўр бўлмаса керак, — деди жондор ёнидан «космос» чиқариб, — йўқса носвой билан кўпларини қириб юборардинг, валад!

— Юморингизга борман-да, ҳазратим, шунинг учун ҳам одам пайдо бўлгандан бери қаримайсиз, — хушомад қилди Ғийбатулло.

Жондор гугурт чақиб, сигаретасини тутатди:

— «Прима» чекардинг шекилли, нега носга ўтдинг?

— Пожар чиқишидан қўрқиб, — деди Ғийбатулло.

Жондор оғзидан паға-паға тутун чиқариб, момогулдиракдай кулди.

— Бари бир, думалоқ хат билан одамларнинг хонумонига ўт қўйиб, ёндираяпсан-ку!

— Бас, сатирага ўтиб кетдингиз! — деди Ғийбатулло қовоғини солиб. — Қани, ишга ўтайлик. Нариги дунёда нима гап?

— Қиёмат, аросат қўпаяпти, — деди қўл силтаб жондор.

Ғийбатулло қулоғини динг қилиб, қалам-қоғозга ёпишди:

— Сабабини билсак бўладими, ҳазратим?

— «Маълумот»инг билан у дунёга сафар қилган бева-бечоралар: «Гуноҳимиз бўлса Ғийбатуллони биз билан юзлаштиринг», деб талаб қўйишаяпти.

Ғийбатулло илондай вишиллади:

— Исм-фамилияларини айтинг бадбахтларни!

Жондор сигарета қолдиғини Ғийбатуллонинг тақир бошига эзиб ўчирди-да, ёнидан тўппонча чиқарди:

— Кечирасиз, Ғийбатуллохон, камина газета-журнал ташийдиган почтальон эмас, Азроилман. Қани, туш олдимга!

— Қаергалигини билсак бўладими?

— Нариги дунёга.

Шу пайт ялт-юлт чақмоқ чақиб, ҳаво даҳшатли гумбирлади. Елкасига яшин келиб тушган Ғийбатулло лаҳзада қоп-қора кўмирга айланиб қолди. Уйни тутун қоплади.

А. ИСОМИДДИНОВ

ИКИР-ФИКРЛАР

«Мушук йўлбарс авлодиданман деб, уйга туйнукдан киганидек баъзи такасалтанг ёшлар институтга оталарининг хизматини рўкач қилиб кирмоқчи бўладилар».

(Қариялар суҳбатидан)

* * *

«Селитра еб семирган қовунтарвузлар ноинсоф «деҳқон»ларнинг чўнтагини қаппайтирмоқда».

(Дориланган қовун еб, касалхонага тушган беморнинг гинаси)

* * *

«Охирги марта эскартириш бераман», деганингизда бу сўнггиси бўлса керак, энди бошқа жазо бермаса керак, деб ўйлабман».

(Содда-муғомбир прогулчининг гапи)



Масхарабоз. — Ҳамма ҳунаримни кўрсатсам ҳам ҳеч ким кулмади, энди нима қилсам экан?

Ҳ. СУЛТОНОВ чизган суратлар



— Дўстлар, ораларингда анови латталарни олиб ташлайдиган мард борми?



ГУЛИСТОН

ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА



Қадрли дўстлар!

1988 йил учун «Гулистон» журналига обуна бўлиш давом этмоқда. Келгуси йилда севимли журналингиз саҳифаларида қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни, фан-техника тараққиёти тезлашган, ижтимоий адолат турмушимизда ўз қонуний ўрнини эгаллаётган даврнинг долзарб масалаларига, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизини қутқариб қолиш вазифаларига бағишланган бадиий ва публицистик асарлар кенг ёритилади. Маданий ва адабий ҳаёт янгиликларига алоҳида эътибор берилади. Дидингизга маъқул ва манзур фотосуратлар эълон қилинади. Обуна чекланмаган миқдорда қабул этилади.

Журналнинг йиллик обуна баҳоси — 4 сўм 20 тийин.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевга Тошкентда ўрнатилган ҳайкал.

В. Мосин фотоси

Иккинчи бет: Пийру бадавлат оила (Фарғона область, Киров районидаги «Искра» колхози правлениеси раиси сифатида узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келаётган Тожимат Мазокиров ўз оила аъзолари даврасида).

Тўртинчи бет: Табиат қўйнида.


В. Жирнов фотолари

Яйлов.

А. Кошкин, Р. Шагаев фотоси

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света», «Здоровье» журналларидан фойдаланилди.



КРОССЧАЙНВОРД

Бўйига йўналишидаги айрим сўзлар шакл марказидаги «Н» ҳарфи билан тугалланади.

1. Ўзбек демократ шоири, «Ҳапалак» сатираси муаллифи. 2. Товушни кучайтириш учун овоз тўлқинларини электромагнит тўлқинларига айлантирадиган асбоб. 3. А. С. Пушкиннинг шеърий романи қаҳрамони. 4. Довюраклиги билан шуҳрат қозонган киши. 5. Радио эшиттириши олиб бориладиган махсус хона. 6 Африка ва Жанубий Осиё ўрмонларида тарқалган гавдаси йирик ҳайвон. 7. Ватанимизда учирилган космик кемалардан бири. 8. Тез эрийдиган, рангли металл. 9. Ҳосил уюми. 10. Целлюлозадан махсус усулда ишлаб чиқарилган юпқа материал.

Шакл атрофи бўйича: 11. Иркутск областидаги шаҳар. 12. Ўзбек халқ достони. 13. Воқеа-ҳодисаларнинг маълум тартибдаги тарихи, солнома. 14. Йўл қурилиши материали. 15. Шеърий шакл. 16. Кемирувчи жонивор. 17. Ҳарорат пасайиши натижасида рўй берадиган табиат ҳодисаси. 18. Мазмунан ва шаклан бир-бирига боғланиб кетган халқ достонлари туркуминнинг номи. 19. Шон-шараф ҳисси, фахр. 20. Узунлик ўлчаш асбоби. 21. Ҳўл мева. 22. Жисмоний энергия, қувват. 23. Барги дамлаб ичиладиган шифобахш жануб ўсимлиги. 24. Вақт ўлчови. 25. Ип гаалама. 26. Металл ўтказгич. 27. Кимёвий элемент, металл. 28. Ёғочдан ясалган сузиш мосламаси. 29. Бўёқ тури. 30. Фойдали қазилмалар тўпланган жой.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

7-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Навоий. 2. Рамазонов (Шариф). 3. Николаев (Александр). 4. «Фидойи». 5. Набиев (Малик). 6. Магомаев (Муслим). 7. Ҳайдаров (Қодиржон). 8. Пайров. 9. Камова. 10. Кандакор. 11. Бобожонов (Етим). 12. «Шоҳида». 13. Фотима. 14. Бобохонов (Абдулла). 15. «Шашмақом». 16. Тарона. 17. Қораев (Қора). 18. Тошматов (Ғанижон). 19. Раҳимова (Гавҳар). 20. Саидов (Маннон). 21. Малака. 22. Каримова (Розия). 23. Герасимов (Михаил). 24. Феруза. 25. «Жонон». 26. Мисра. 27. Нохин. 28. Китоб. 29. Ханда. 30. Капур (Раж).

Бош редактор: МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.


Босмахонага туширилди 20.07.87 й. Босишга рухсат этилди 28.08.87 й. Р-11007. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171979. Буюртма № 1406. Б—117.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Термиз «Спартак» кўнгилли спорт жамияти тренери Владимир Никитин шогирдлари билан машғулот ўтказмоқда.





Термиз шаҳридаги «Совет автомобиль транспорти» корхонасининг илғор ҳайдовчиси Ҳайдарқул Ҳайитов.

Шу корхонанинг етакчи ҳайдовчилари ўзаро суҳбатда.

В. Мосин фотолари





ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.

